

Jamoatchilik kengashi raisi:
Abdulla ORIPOV

Jamoatchilik kengashi:
Feruza MUHAMMADJONOVA
Abulqosim MAMARASULOV
Ahmad OTABOYEV
Minhojiddin MIRZO
Shuhrat SIROJIDDINOV
Shunqor XUDOYBERDIYEV
Ahmad USMONOV

Bosh muharrir:
Sobir O'NAR

Bosh muharrir o'rinbosari:
Luqmon BO'RIXON

Mas'ul kotib:
Akbarali MAMASOLIYEV

Tahrir hay'ati:
Bobur ALIMOV
Iqbol MIRZO
Abduqayum YO'LDOSHEV
Abdusaid KO'CHIMOV
Sirojiddin SAYYID
Rustam MUSURMON
O'rozboy ABDURAHMONOV

Sahifalovchi: Saodat RUSTAMOVA
Rassom: Dadaxon BAHODIROV

Ushbu son "Yoshlik" jurnali tahririyatining kompyuter markazida sahilandi.

Manzirimiz:
Toshkent. sh.
O'zbekiston shohko'chasi, 16-«a» uy.

E-mail: yoshlik-xatlar@rambler.ru
Tel/faks: (8371) 227-0-227,
245-5-793, 245-0-552



© "Yoshlik" № 12 (241) 2010 y.

**O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi, «Kamolot»
yoshlar ijtimoiy harakati muassisligidagi
yoshlarning adabiy-ijtimoiy jurnali.**

1982 yildan chiqa boshlagan.

MUNDARIJA

QUTLOV

Erkin A'zam deydiki.....	6
Abduqayum YO'LDOSHEV. Uyimizga kelgan yozuvchi.....	7

NASR

G'afur SHERMUHAMMAD. Barakasini bersin... Qissa.....	9
G'ulom KARIMIY. Ko'ragon. Hikoya.....	36

NAZM

Abdulla ORIPOV. Bir ulug' martaba tilayman sizga.....	2
Jamol SIROJIDDIN XUMIY. G'azallar.....	28
Bahodir MUSTAFO YOQUB. Kelishing shart, bahor.....	34
Dilshod RAJAB. Boqib bag'rim to'lur ziyoga.....	42

TADQIQOT

Yulduz ESHMATOVA. Muhim badiiy vosita.....	26
--	----

JAHON HIKOYACHILIGI

Alberto MORAVIO. Chaqaloq. Hikoya.....	30
--	----

MUTOLAA

Qozoqboy YO'LDOSH, Shahnoza ERGASHEVA. Azaliy muammoning yangicha tadqiqi.....	38
---	----

JAJJI TADQIQOT

Madina PO'LATOVA. Qiyofani o'qish san'ati.....	47
--	----

YELPUG'UCH

O'tmishdan bir hangoma.....	48
-----------------------------	----

Bosishga 20. 12. 2010 yilda ruxsat berildi.

Qog'oz formati 60x84 1/8. Nashriyot hisob tobog'i 6,0. Indeks 822 ISSN 0207-9137. Jurnal 2007 yil 4 mayda Matbuot va Axborot agentligi tomonidan 0253 raqami bilan ro'yxatga olingan. Jurnaldan ko'chirib bosilganda «Yoshlik» dan olindi» deb izohlanishi shart. «Avto-Nashr» MChJ bosmaxonasida chop etildi. Buyurtma № yo-6

Manzil: Toshkent shahri, 8-mart ko'chasi, 57-uy.



Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Халқ шоири

Бир улуз маршаба

пилайман сиэга...

ВОРИСЛИК


Ҳар қандай гафлатнинг интиҳоси бор,
Тонг отиб, бедорлик бошлангай яна.
Охири, гам босган жойда ҳам такрор,
Шодлик қайта бошдан қилгай тантана.

Кўзга ёш берилган, бармоққа узук,
Той босиб келгайдир отнинг изини.
Силсила бардавом бўлмоғи тузук,
Ҳар ким зурёдида кўргай ўзини.

Азалий бу занжир келар узилмай,
Бор бўлса, бандаси йўқота олмас.
Полапон улгайиб, учмоқликка шай,
Заргар дастгоҳи ҳам эгасиз қолмас.

Кимдир эзгулик деб тинмайди, бироқ
Кимдир ханжар билан йўлини пойлар.
Ҳаётнинг мана бу йўригига боқ:
Ёвуз ҳам ёвузни ҳимоят айлар.

Бундай ворислик ҳам наҳотки мангу,
Боисин билолмай, боқурмиз ночор.
Бу дунё нафис бир чинни экан-у,
Кўксидан дарз кетган чизиқлари бор.



МАСАЛ

Деворлардан ошиб,
Тушмай ўрага,
Бўри кириб олди
Бир кун қўрага.

Қўрада етимча
Қўзи бор эди.
Она меҳрига у
Чиндан зор эди.

Бўрининг қораси
Кўрингани чоқ,
“Онам”, деб югурди
Унга қўзичоқ.

Масалнинг давомин
Ўзинг ўйла, бас,
Сен қўзи эмассан,
Етим ҳам эмас.

2010 йил 14 апрель

2010 йил 21 апрель

ИРИМ

Шундай бир одат бор инсонларга хос,
Мавқеи бўлмасин, майли, қанақа,
Турфа балолардан этгай деб халос,
Элга тарқатади хайру садақа.

Сени ёмон тушлар қийнар гоҳи пайт,
Бузгай оромингни ўқтин ва ўқтин.
Дейдилар: – Тушингни оқар сувга айт,
Заҳрин олиб кетар мавж урган тўлқин.

Кимнингдир омади юришмайди ҳеч,
Туну кун излайди чораю имкон.
Балки ўтганларнинг руҳлари нотинч,
Битта хўроз сўйиб, чиқаргайдир қон.

Агар ишонсайдим, иримин қилиб,
Мен ҳам сақламасдим дилимда розни.
Умрим ўтар эди сувга термилиб,
Сўйиб юборардим қанча хўрозни.

2010 йил 22 апрель

ФИЛ

Шафқат кўргиздилар қари бир филга,
Уни занжирдан қилдилар озод.
Кетди у ўрмонга – сўнгги манзилга,
Хартумини силкиб, айлаб хайрбод.

Қирқ йил ёғоч ташиб топдимиз қадр,
Ҳар нечук яшади хўрагин оқлаб.
Фил-ку озод бўлди, лекин негадир
Одамлар занжирни қўйдилар сақлаб.

2010 йил 27 апрель

ПОЕЗД

Саёҳатдан топдим руҳимга далда,
Ахир хонанишин кунлардан бездим.
Мен сени бетоқат кутдим вокзалда,
Нега кечикасан, менинг поездим.

Олис манзилларда сирли бир дийдор,
Сирли чаманларнинг ифорин сездим.
Кўргим келаётир уларни такрор,
Нега кечикасан, менинг поездим.

Бедор ўтказганман қанча тунларни,
Ҳижронлар дастидан юракни эздим.

Созиндим фараҳбахш, ойдин кунларни,
Нега кечикасан, менинг поездим.

Қайдадир ҳаловат, нурли висол бор,
Мен уни топай деб бир умр кездим.
Кўлимда сафарнинг чиптаси тайёр,
Нега кечикасан, менинг поездим.

2010 йил 7 май

ИҚРОР

Ҳар қандай саволнинг жавоби-ку бор,
Қолгани виждонга майли ҳавола.
Гарчи бўлмаса ҳам айбига иқрор,
Кўзин олиб қочар гуноҳкор бола.

Аслида инсонга мардлик хос эрур,
Ҳаққа у доимо кўксин очгайдир.
Лекин Аллоҳ номин эшитса бир қур
Бандаси кўзини олиб қочгайдир.

2010 йил 27 май

ҲАСАД

Ижод билан бандсан кечаю кундуз,
Умр шамол каби елаверади.
Балки пайқамассан, ортингдан шу кез
Ҳасад ҳам изма-из келаверади.

Турмуш галвалари, турфа гараз, кин
Ҳолдан тойдиради фил бўлсанг ҳатто.
Кўлингдан қаламинг тушади бир кун,
Ҳасад ўз йўлидан қайтмайди аммо.

У ҳаёт саҳнида изғийди абад,
Оч қолган шоқолдек таъқиб этади.
Сени бир амаллаб йиқитгач ҳасад
Янги ўлжасини излаб кетади.

2010 йил 9 июнь

ИСКАНДАР ВА ШОИР

– Искандар, – дейишса тупроқдан шу он
Юз мингта Искандар кўтарибди бош.
Аслида биттасин таниган жаҳон,
Қолгани шунчаки номдош, исмдош.

Йўқлама ўтказсанг агар жўрттага,
Аҳли шуаронинг касбига доир,

Мингтаси чиқарди “Мен” – деб ўртага,
Аслида уларнинг биттаси шоир.

2010 йил 10 июнь

ЯНТОҚ ВА ТУЯ

Янтоқнинг томири узоққа кетар,
Бардошда тенгсиздир янтоқхўр туя.
Унисин одамлар тикан деб атар,
Бунисин камситар туясан, дея.

Уларнинг қисмати ажабдир, ажаб,
Фақирлик эвази – озод нафасдир.
Гул бўлсанг қайгадир қўярлар қадаб,
Магар оху бўлсанг – жойинг қафасдир.

2010 йил 10 июнь

ТЎРТЛИК

Менга ёлғизсан, деб чимирмагил қош,
Турфа савдоларга ошнодир бу бош.
Барча мағлубият менинг дўстимдир,
Барча йўқотишлар менга қариндош.

2010 йил 17 июнь

ЭСКИ МУХЛИСЛАР

Шоирнинг тўрт сатр шеърини айтиб,
Бағрини чиндан ҳам тизлаган авлод.
Оз эмас, беш юз йил нарига қайтиб,
Мақомга қўшилиб йиғлаган авлод.

Кўҳна Варахшаю Афросиёбнинг
Тошини ёстигин остига қўйган.
Бир кун оч қолса ҳам, лекин китобнинг
Маъносин симириб, маъзига тўйган.

Сиз, эски мухлислар, бормисиз омон,
Сиз ўша тарихнинг оҳ-зоридасиз.
Бирингиз Чорсуда очгансиз дўкон,
Бирингиз “Отчопар” бозоридасиз.

Янги замонларни олқишлаб сизлар,
Ўтган йилларни ҳам эсга олгайсиз.
Турфа хонишларни тинглаган кезлар,
Юнус Ражабийни қўмсаб қолгайсиз.

Ҳар битта давроннинг ўз араваси,
Ўз дарди, армони, ашуласи бор.



Митти набиранинг орзу ҳаваси
Сизнинг қолипларга тушимоғи душвор.

Лекин ишонаман бешак, муқаррар
Яшарсиз насллар ақлу ҳушида.
Улар “Муножат”ни қуйлашса агар,
Ҳазрат Навоийни кўргай тушида.

2010 йил 23 июнь

ДАХЛДОРЛИК

Куя ўз уйимдан чиққан,
Мита ҳам,
Шукр, суварак ҳам бегона эмас.
Нега гина қилай бировдан, укам,
Ўзимники ҳатто дарёдаги хас.

Олис юлдузларни айблamanг асло,
Улар белгиламас тақдиримизни.
Гоҳо кимларгадир бахт этсак ато,
Бахтсиз ҳам қилгаймиз бир-биримизни.

2010 йил 10 август

МАРТАБА

Бир улуг мартаба тилайман Сизга,
Унинг моҳияти Ҳаққа тегишли.
Десинлар, фалончи тегишли бизга,
Ватанга тегишли, халққа тегишли.

2010 йил 18 август

ХАЛҚИМ

Мен учун ор эдинг, ор бўлгин, халқим,
Мудом эзгуликка ёр бўлгин, халқим.
Ўзбексан, ўзбекдай қадингни кергил,
Норлар орасида нор бўлгин, халқим.

2010 йил 25 август

МЕҲМОН

Бу одам ким дея боқмангиз менга,
Шул эрур сувратим, шулдир сийратим.
Оддий меҳмон бўлиб келдим заминга,
Меҳмондай кетарман битса мuddатим.

Тириклик шавқидан гоҳида мастман,
 Борлиқ мен учун ҳам азиздир бешак.
 Лекин ҳеч нарсани олиб кетмасман,
 Кетарман барига силкканча этак.

Ҳар куни туғилмас Берунийдек зот,
 Ҳар доим учрамас Устурлобий ҳам.

2010 йил 10 сентябрь

Кўнглингиз тўқ бўлсин, сизга беминнат
 Қолдиргум лиммо-лим ҳаёт жомини.
 Мен олиб кетгайман дунёдан фақат
 Аллоҳ деган бир сўз – Аллоҳ номини.



МАНЗАРА

Икки тобут чиқди битта кўчадан,
 Қазога хос эди гамгин манзара.
 Кимлардир қараса гўша-гўшадан,
 Кимнингдир қалбида силқиди яра.

2010 йил 12 август

БЕРУНИЙГА МАКТУБ

Термизлик буюк аллома Аҳмад
 Устурлобийнинг Абу Райҳон Берунийга
 ёзган мактуби маълум бўлди.

Минг йиллар муқаддам Хоразм томон
 Аҳмад Устурлобий юбормишидир хат.
 Ёш олим Беруний топса гар имкон
 Келиб кетсин, демиш, Термизга албат.

Азалдан барчага таниши ушбу ҳол,
 Давом этиб келар Одам Атодан.
 Марҳумнинг ҳурмати бошланар дарҳол,
 Гарчанд холи эмас ҳеч ким хатодан.

Лопиллаб кетарди икки тобут ҳам,
 Лекин бир ҳолатдан жунжикди этим:
 Бирининг ортида тумонат одам,
 Бирининг кетида тўрт нафар етим.

Демиш: “Фазоларни ўрганмоқ учун
 Устурлоб ясадик, яратдик дастур.
 Шояд, зеҳнимиздан сачраган учқун
 Сиздек иқтидорга бўлолса манзур”.



Ҳолбуки, бир хилдир айрилиқ, фироқ,
 Умр ҳам ўтқинчи, оққан сой эди.
 Одамлар уларни фарқлашди бироқ,
 Бири йўқсил эди, бири бой эди.

2010 йил 19 сентябрь

Ажабо, орадан асрлар ўтиб,
 Мен кўриб турибман хатни зоҳирда.
 Кеча Тўйтепадан йўлланган мактуб
 Бугун ўқилгандай Шайхонтоҳурда.

ОДДИЙ ОДАМ

Илтимослар тушар тез-тез менга ҳам,
 Бири ўқини дейди, иш дейди бири.
 Уларнинг кўплари содда чинакам,
 Соддаликдан бўлак йўқ ҳеч бир сири.

Чиндан ҳам ўчмагай таралган бир бонг,
 Сўнмас буюкларнинг ўтли каломи.
 Дафъатан ҳаяжон уйғотса не тонг
 Ҳатто мактубларда битилган номи.

Мен-ку улар билан пиёда, яёв
 Кетишга тайёрман Ҳиротга қадар.
 Лекин қўлимда бор на қудрат, на дов,
 Оддий одамдирман, билсангиз агар.

Сиз дерсиз, шунчалар ноёбми бу ҳол,
 Ҳар ким ҳам йўқлагай дўстни – маҳбубни.
 Бир кунда ҳар қандай одам эҳтимол
 Ёзиши мумкиндир мингта мактубни.

Асло ажабланманг кимлигим кўриб,
 Кучим етар балки шеърини нидога.
 Мен фақат сиз билан ёнма-ён туриб,
 Илтижо қилишим мумкин Ҳудога.

Лекин ўз мақомин бузмаган ҳаёт,
 Унинг ўлчовлари қатъий, мустаҳкам.

2010 йил 11 октябрь





ЭРКИН АЪЗАМ ДЕЙДИКИ...

Адабиёт... ўзим яхши кўрган, ҳаётимни бағишламоққа аҳд қилган соҳа. Тақдир бошқа бир йўлга солиб юборганида ҳам мен барибир усиз яшаёлмас эдим чоғи.

Адабиётнинг бугунги жамиятдаги ўрни ҳақида тўлиб-тошиб сўзламоқ қийиндир-ов. Адабиёт, умуман санъат ҳозирги кунда пул, манфаат дунёсига дуч келиб турибди. Бу балолар аралашган жойда чинакам адабиёту санъатдан сўз юритиш ортиқча.

Булар ҳам замонга мослашсин. Ана, хари-доргир китоблар пештахталарни тўлдирган-ку, демоқ бўлсангиз, каминангиз уларни адабиёт ҳисобламайди-да. Улар ёзувчилик даъвосида, адабиётга ўхшатиб, аслида бозор илинжида наридан-бери ясаб ташланаётган нимарсалар, холос. Ҳақиқий адабиёт намунаси бундай тезқадам, тезпишар бўлмайди, у дардли сўздан, тоза сўздан дунёга келади. Худо берган кунни эмас, Худо ёрлақан кунни!

Йўлдаги одамни (ёзувчини) шаклланиб бўлган, яъни манзилига етган дейиш мумкинми, айтинг? Ҳаёт уни йўниб, тоблантириб, чиниқтириб бориши табиий ҳол. Бироқ йўнилавериб, сип-силлиқ бўлиб қолмоқдан сақланиш лозим. Ундай одамнинг қаламидан чиққан нарсалар ҳам ўзига ўхшаб сип-силлиқ бўладики, адабиётга бунинг сира даркори йўқ.

Мени асарнинг жанри эмас, унда эришилган бадий натижа кўпроқ қизиқтиради. Роман ёзгани билан одам ёзувчи бўлиб кетаверса кошки экан! Бошқаларни кўйиб буюк Чеховни олинг! Унга замондош бўлган нечачалари ўнлаб романлар ёзган, лекин бугун уларнинг номини ким билади, айтинг?

Битта “секрет”имни айтайми? Мавжуд андозаларни унутиб, сипогарчилиқни йиғиштириб, воқелиқни, қахрамонларингизни иложи борица аниқ, ростгўйлик билан тасвирлаб берсангиз, ўзи шундай чиқаверади: кулгилироқ, ҳайратомуз... Бунда ўзингизнинг шахсиятингиз, таъб-дидингиз ҳам муҳим, албатта.

Кўп ўқиб-ўрганганим, ҳавас қилганларим рост, аммо сира бировга ўхшатиб ёзгим келмайди. Ахир, ўзим-чи, мен ҳам одамман-ку, ҳеч кимга ўхшамайман-ку, билганимча, қўлдан келганича ёзаверай-чи, деб уриниб ётавераман.

Икки юз-уч юз саҳифали қўлёзманинг устига “роман” деб ёзиб қўйган билан роман бўлаверадими? Узундан-узоқ бир кечмишни анчайин жўнгина ёзиб чиққан ёки тарихан бирор даврни олиб, “қош-кўзи”ни адабийлаштириб қайта ҳикоя қилиб берган “роман”лар ҳақиқатан ҳам кўпайиб кетди. Нима ҳам дердингиз, Худо инсофини берсин, холос!

Менимча, роман деганларида янги бир воқелиқ, янги руҳ, мураккаб характерлар, уларнинг чигал тақдири, шулардан туғиладиган салмоқли бир фалсафа, фикрлар бўлмоғи лозим. Китобхонни у илгари нота-

ниш янги бир дунё, янги воқеликка бошлаб кирмоғи даркор.

Шунақа асарларимиз чиндан ҳам камроқ.

* * *

Модерн, аслида, янгича, адабий бир янгилик дегани. Сирасини айтганда, чинакам бадиий асар ҳаммиша кашфиёт, янгича бўлмоғи лозим ва шу сўзга кўнгил жуда суст кетса, уни сира иккиланмай модерн намуналари қаторига қўшиш мумкин. Дарвоқе, рус адабиётшунослигида бу борада “модернлашган реализм”,

яъни янгиланган реализм деган бир истилоҳ ҳам пайдо бўлибди-ку. Демак, барибир, тағзаминида реализм бор экан-да, осмонга сапчиб нима фойда!

* * *

Ҳар гал янги нимадир ёзганингизда бир гапларни айтдим-ов, деб ўйлайсиз ўзингизча. Лекин бари – денгиздан томчи. Дилдагисини умрининг охиригача айтиб адо қилиб бўлмас!

Мухим гапни айтиш учун, аввало, кўнгилда шундай гап бўлиши керак.

БИЗНИНГ УЙГА КЕЛГАН ЁЗУВЧИ

...Аниқ эсимда бор: етмиш тўққизинчи йилнинг кузи эди.

Ўқишга киролмасдан, туман газетасида корректор бўлиб ишлаб юрардим. Газета одатда ҳафтасига уч марта чиқарди, аммо пахта мавсуми кетаётганлиги сабабли ҳар куни чоп этиларди. Таҳририят қишлоқдан йигирма чақирим узоқда, босмаҳона нақ эллик чақирим наридаги вилоят марказида. У пайтлари ҳарфлар кўрғошинга қуйиларди; ҳар куни кечқурун етти-саккизгача худди завод ишчиларидай қоп-қора мойга беланиб, саҳифа ўқиймиз, кейин телефонда райкомдагилар билан бир амаллаб боғланамиз-у, бақириб-чақирган кўйи хўжаликлар қанча фоиз пахта топширгани ҳақидаги қимматли маълумотни оламиз... Хуллас, кечки ўн-ўн бирларда йўловчи машиналарга ялина-ялина туман марказига, таҳририят биносига келиб оламиз-да, ўша ерда ётиб қоламиз. Эрталабдан эса ҳаммаси бошидан бошланади.

Шундай кунларнинг бирида акам армиядан қайтди. Барнаулдан.

Юқори синфларда ўқиган чоғлари жуда урф бўлиб кетган почаси ярим кулоч “клёш” шимда кўчанинги чангини супуриб юрадиган, тор кўйлагининг чўнтагига бир дона атиргул солиб оладиган олифта акам мактабнинг “зўравон”ларидан бири эди: бокс билан шуғулланарди, Гулистон деган шаҳарда биринчи ўринни олиб қайтганди, шунгами, унча-мунча муаллимлар ҳам ундан сал ҳайиқиб туришарди. Менга бармоғининг учини текизиш у ёқда турсин, сал ола қараган боланинги-ку, бира тўла шўри қурирди: чапдаст акамнинг залворли муштидан қутулиб қолиш учун ё ерга кириб кетиш керак эди, ё осмонга учиб.

Ўзининг баҳолари ҳаминқадар бўлгани ҳолда акам менинги яхши ўқишимни истарди. Кимё фанидан вилоятда биринчи ўринни олганимда-ку, элдан бурун чопиб келиб, уйдагилардан суюнчи сўраб турган ҳам шу акам бўлади.

Энди у пайтлар... ҳаммаёқ пахта, пахта. Отамиз бригадир. Эрта кўкламдан то кеч кузгача далада

бўлишга, ҳатто қишда яхоб суви қўйишга ҳам чиқишга тўғри келарди. Аммо акам мени бунақанги ишлардан аярди. Отамнинг кўзини шамғалат қилган кўйи уйга ё мактабга юборарди: “Сен ўқи”. Отамнинг таъбири билан айтганда, акамнинг “эшшақдай кучи бор” эди, шу сабабли у кишига икки одамнинг ўрнига ишлаш чўт эмасди. Ёдимда, акам бас бойлашиб олти киши уч кунга мўлжаллаб турган ишни якка ўзи бир кунда бажариб ташлаганди. Куз маҳали ҳовлимизга олиб келинган тонна-тонна ерёнғоқни териб олиш учун кўмаклашишга чиққан кезларим акам кўлимдаги тоғорани олар ва атай қовоғини уйган кўйи уйга ишора қиларди: “Сен бориб китобингга қара...”

Худди шу акам еттинчи ё саккизинчи синфда ўқиб юрган чоғларим, ўзи кечқурун арзон одеколонга бурканиб, деразадан ошиб тушганча – отамиз бунақа масалаларда қаттиққўл эди – кинога жўнаб қолиш олдидан менинги синфдош қизларга 8-март откриткаларини ёзаётганимни кўриб қолгани маҳал алланечук оғриниб: “Сен ўқи. Бунақа ишлар билан бошингни қотирма”, деганди...

Акам Олтой ўлкасида хизмат қилиб юрибди-ю, бир хатида мени – уйдагилар журнални юборишган бўлса керак – “Гулхан”да чиққан нарсам билан табрикларди. Яна бир хатида эса ўзимнинг район газетасида чиққан тўртлигимни ўзимга кўчириб ёзиб юборибди, мактаб кўйишнимам унутмабди.

Акам армиядан анча улғайиб, вазмин, жиддий бўлиб қайтганди.

Қишлоғимиз каттагина, қариндош-уруғлар ҳам етарли. Улар навбатма-навбат акамни ичкиликбозлик тонггача давом этадиган “чой”га чақира бошлашди. Акамнинг эса нимагадир бунақанги зиёфатларга боргиси келмасди...

Вақт ўтмоқда эди. Мен ўз ташвишларим билан банд эдим. Шунгами, бир куни кечқурун акам “Барнаулга қайтиб кетмоқчиман...” деб шивирлаб қолганида бу хабар менга ёз осмонида чақнаган чақиндай таъсир қилди. Ахир...

Бу ният уйдагиларнинг ҳам қулоғига етиб борган экан, зич ёпилган эшиклар ортида анча-мунча қаттиқ-қурум гаплар бўлиб ўтди.

Акам бўлса аҳдидан қайтай демасди. Нуқул “Барнаул, Барнаул...” Барибир ҳеч чидай олмади шекилли, бир куни ярим тунда акам шоша-пиша мен билан хайрлашди-ю, “Қайдасан, Барнаул!” дея йўлга тушди. Қўлимдан келгани – чўнтагимдаги арзимаган маошимни кўлига тутиш бўлди.

Акамни пойтахтдаги темир йўл вокзалидан аранг қайтариб олиб келишди...

Орага қариндош-уруғлар тушишди, яқинлар, бунақа пайти кўпайиб қоладиган “холис” таниш-билишлар. Насихат, илтимос, дўқ-пўписа, кўз ёшлар, мушт дўлайтиришлар... Алоҳа, кўплашиб йигитнинг “шоҳини қайиришди”...

Орадан бир йилдан кўпроқ вақт ўтиб акам уйланди. Кейин эл қатори турмушнинг туганмас ташвишларига боши билан шўнғиб кетди. Бола-чақали бўлди, уй сотиб олди.

Охири яхши тугаган нарса барибир яхши-да.

Балки бу воқеа менинг эсимдан ҳам чиқиб кетарди. Аммо мен ўша пайтлари “Анойининг жайдари олмаси” деган ҳикояни ўқиб қолдим...

“...Бир Барнаулга бориб келай деяпман. Томошага. Хизмат қилган жойларим, соғинибман”... Бу ахир акамнинг гаплари-ку.

Ҳикоя мени ларзага солди. Анча пайтгача ўзимга келолмай юрдим.

Юрсам ҳам, турсам ҳам ўйланаман: бу ҳикояни ёзган ёзувчи қачон бизнинг уйга келган, қачон бўлиб ўтган гап-сўзлардан хабар топган... Шоди гаранг – қишлоғимиздаги соқов Бара-бара билан қачон учрашган...

Фалакнинг гардиши билан кейинги йилнинг ёз фаслида талабалар қурилиш отряди сафида Барнаулда бўлдим.

Мен Олтой ўлкасида авваллари туркий қавмлар яшаганини, ёзувчи Шукшин туғилганини билардим, холос. Энди эса...

Шаҳар яқинидаги ўрмонда, палаткада, вагонда яшадик, йўл қурдик.

Ҳар шанба-якшанба Барнаулга келаман. Шаҳарни қадамлаб ўлчаيمان ҳисоб. Мени бир савол қийнарди: Рамазонни, акамни бу шаҳарнинг нимаси ўзига тортган? Нимаси?..

Икки ойдан кўпроқ вақт шу саволга жавоб топмай қийналдим. Ниҳоят... ниҳоят ниманидир тунунгангандай бўлдим. Ўзиям тилла топган гадойдай ҳаяжонланиб кетдим...

Мен ўзимнинг митти “кашфиётим”ни биров билан сирлашиб ўтирмадим, қизғандим. Уни кўнглимнинг тубига жойлаб қўйдим.

Эркин Аъзамнинг бошқа ёзганлариниям ётиб олиб ўқийвердим...

Барибир “Чантриморэ” юрагимни бошқача ўртаб юборган экан. “Бўлди, бошқа ўқимайман...” дейман-у, лекин... Ахийри “Биз бўлмаган жойларда” (“Излаганинг не эди...”) деб номланган ҳикоя ёзибгина бу азобдан салгина қутулгандай бўлдим. Эркин ака “Анойи...” да таъкидлаганидай, баъзи ўринлар ошириброқ юборилди, илло “Бу иш қурғур ўзи шунақа, шундай қилмаса бўлмайди”. Сарлавҳанинг тагига эса катта-катта ҳарфларда “Эркин Аъзамга” деб қўйдим. Аммо машқимни бунақа эскартма билан чоп этишга журъат этолмадим. Шунинг учун ҳикоя анча пайт жавонда ётди. Ниҳоят журналда эълон қилиш имконияти туғилганида эса бағишловимни олиб ташладим: “ким эдим зотан”...

Тақдирнинг иноятини қарангки, орадан ўн йил чамаси вақт ўтганидан кейин ҳеч кимга билдирмасдангина бизнинг уйга келиб-кетган “тирик Эркин Аъзам” билан учрашиш насиб этди...

Бу ҳаёт экан, биз ўқувчилик-талабалик давримизда, у-бу нарсалар машқ қила бошлаган кезларимизда салкам авлиё ҳисоблаб юрган, китобларини кўлдан кўймай, навбатда туриб ўқиган, ўзимизча миллат виждони санаб юрган ёзувчиларнинг айримлари билан яқиндан танишиш асносида, минг афсуски, ҳафсаламиз пир бўлди. Зеро, манфаат илинжида кимнидир мақтайдиган, кимнидир эса танқид қиладиган, “танқиддан тубан” эканлиги шундайгина кўриниб турган “асар”ларга совун пуфагидай шиширилган сўзбошию тақризлар ёзиб берадиган, муаллифнинг машқига эмас, исм-шарифига қарайдиган, ўз номини, ўз сўзини сотадиган қаламкаш билан тўқнаш келиш, уни кузатиб ўтириш кўнгилда тузалиши оғир асорат қолдираркан.

Минг шукрки, ўтган йиллар ичида Эркин акага нисбатан бўлган ихлосимга гард ҳам юкмади (Бу ёғига ҳам кўнгили тўқ: ҳар қалай, олтимшига кирган одамнинг энди “айнимаслиги” аниқ). Минг шукрки, адабиётимизга ҳалол хизмат қилаётган Эркин Аъзам сингари Шахслар бор. Улар ижод қилишяпти, адабиёт яшяпти, демак, Чўлпон айтганидай, миллат яшяпти.

Мен аслида Эркин аканинг қиссалари ҳақида тўлиб-тошиб ёзмоқчи эдим. Аммо томчида Қуёш акс этади-ку, деган уйда биргина ҳикоя билан чекландим.

Биламан, Эркин Аъзам мендан бошқа ҳам минглаб, юз минглаб, миллионлаб ўқувчиларининг хонадонларига кириб келган, уларнинг ташвиш-қувончлари, дардлари, дил изтиробларини асарларига кўчирган. Эркин аканинг ёзганларида ўзимизни кўришимизнинг сабаби ҳам шунда бўлса керак. Буям ёзувчининг бахти-да. Шундай бахтга эришган одамга ҳавас қилмай бўладими?..

Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ



Ғафур ШЕРМУҲАММАД

БАРАКАСИНИ БЕРСИН...

Қисса

Туни билан диққинафас катакда беғам ялпайиб ётган бир гала макиённинг орасида тоқати тоқ бўлган бабоқ хўроз ниҳоят, чўзиб-чўзиб қичқирди. Унинг ғазабидан қўриқиб, бир чеккада қунишибгина тонг оттирган жўжахўроз ҳам узук-юлуқ товушда унга жўр бўлди. Аммо бабоқнинг адоватли қанот қоққанча ўзига яқинлашиб келаётганини кўриб дарров уни ўчди. Зумда атрофни хўрозларнинг қичқириғи тутиб кетди.

Туянинг ўрқачини эслатувчи баланд қир-адирлар этагидаги дўппидеккина Чорбоғ қишлоғи узра тонг ёриша бошлади. Кечкурун ширин тушлар кўриб, халимдеккина кайфиятда уйғонган Ўтаган бува бомдод намозига таҳорат ушатмоқ ниятида офтоба кўтариб ташқарилади...

Эсимизнинг борида бир гапни айтиб қўйганимиз маъқул. Бу дунёда ҳар бир банда нимагадир ишқибоз бўлади. Ўтаган бува ҳам айнаи куч-қувватга тўлган, навқирон пайтларида хотинига ошуфта эди. Ўзиям Чучук момо ёшлигида гажак зулфлари ойнанинг ўроғини эслатадиган, икки ўрим сочлари тақимини ўлган, хумор кўзлари юракни куйдиргувчи, оппоқ куйруқдеккина жувон эди. Лекин вақт ўтиши билан унинг ана шу латофатидан ҳам путур кетди. Қаригани сари Чучук момонинг узун сочлари кўкиш тусли эчкининг думидек калта тортиб, сарвдек қомати гўё сўроқ аломатига айланиб қолди. Тан олиш керак, бу пайтда Ўтаган буванинг ҳам аҳволи мақтангулик даражада эмас эди.

Кампиридан ҳафсаласи пир бўлган Ўтаган бува ўзига янги эрмак топди – эрта-ю кеч томорқадан чиқмайдиган одат чиқарди. Гарчи бели бўшашиб, юраги чўғи ўчган тандирдек совуб қолган бўлса-да, ҳартугул билагида қуввати бор экан, бир-икки йилда кенг-мўл ҳовлисини нақ Эрам боғига айлантириб юборди. Ҳозир кўрган одамнинг ҳаваси келади.

Ўтаган бува ҳосилининг залворидан шоҳларига хачча тираб қўйилган олма дарахти рўпарасида бир лаҳза оёқ илди. Ҳар бири чақалоқнинг калласидай келадиган олмалардан бирини авайлаб ушлаб, азза-базза хидлаб кўрди-да, мамнун бош чайқади. Тонг нурларига



Ғарқ бўлиб ётган боғни кўздан кечираркан, чувак юзидаги табассум янаям қуюқлашди. Ёмғирдан бебахра қолган лалми майса каби сийрак ўсган қошлари тагида кўндалангига қийиб очилгандек зўра билиниб турган “хитойи” кўзлари баттар қисилиб, бир жуфт чизиққа айланиб қолди.

– Бай-бай-бай! Чимилдикдаги келинчақдай нозланади-я...

Кутилмаганда Ўтаган буванинг дами ичига тушиб кетиб, жойида тошдек қотиб қолди. Чумагидан ҳовур кўтарилаётган илиқ сув тўла офтоба кўлидан сирғалиб ерга тушди. Чунки бу пайтда Шоймирзанинг эгиз улоқли кал эчкиси олдинги оёқларини ишқомга осилтирганча мириқиб барг кавшамокда эди.

Ўтаган буванинг хуш кайфиятидан асар ҳам қолмади. Ғазабнинг зўридан юпқа лаблари пир-пир учиб, иягида осилиб турган бир тутамгина соқолигача титраб кетди. Қийиқ кўзлари шишаси артилган мойчирокдек чарақлаб очилди. Нажот кутгандек тевааракка умидвор аланглади. Тандир бошида ётган узун темир косовни кўлига олиб, эчки томон пусиб бора бошлади.

Дунёда эчкидай бемаза ва ҳушёр махлуқ бошқа топилмас керак. Бунинг устига, Шоймирзанинг кал эчкиси бот-бот Ўтаган буванинг ғазабига дучор бўлавериб юрак олдириб қўйган эди. У барг ейишдан тийилиб, қулоқларини дикрайтирганча чол томонга қаради. Сўнг зорланиб маъраганча эгиз улоқларини эргаштириб қочишга тушди.

Ўтаган бува бор кучини билагига жамлаб, эчкига косов улоқтирди. Шошганидан мувозанатини йўқотиб ўзи ҳам лойи селгиб улгурмаган ариққа чалқанча йиқилди. Эчки қолиб, ишқомга бориб теккан косов уч-тўрт бош узумни юлиб тушди. Кал эчки эса эгиз улоқлари билан ҳовли девори тагидаги ариқдан сирилиб чиқиб кетди.

– Вой белим-ей... Ўлдим-а! – дея ингради Ўтаган бува оғриқ ва аламнинг зўридан кемшик тишларини гижирлатиб. Сўнг лой ариқда у ёқдан-бу ёққа ағдарилган куйи бир муддат уялаб ётди. Амал-тақал қилиб ўрнидан турди-ю, шу заҳоти белини чангаллаганча эгилиб қолди.

– Ҳа, тишинг тўкилгур, шумтуёқ, касофат! – дея Ўтаган бува бисотидаги “теша тегмаган” қарғишларни ипга тизилган маржондек бирма-бир қалаштириб ташлади. – Шунча зироатни сенинг гўммик қорнингни қаппайтириш учун парваришлаб ўтирибманми, томоғинга дўққи чиққур!.. Бу шайтондан ўрчиган қўтир махлуқ қачон ёрилиб ўлади-ю, мен қутуламан?! Ўзининг шумшуклиги етмагандай энди болалариниям эргаштириб келибди! Муштдайлигидан ўғирликка ўрганган бу улоқлардан эртага нима кутасан!

Ўтаган бува сўкина-сўкина боғ оралади. Бу ердаги манзара жуда аянчли эди. Баҳорда экилган нимжонгина йўнғичқа майсалари устидан бир уюр йилқи галаси ўтгандек ер билан битта бўлиб ётибди. Кечагина суғорилган сабзи эгати эчки-улоқларнинг туёқлари тагида беаёв топталгани етмагандай, уларнинг кумалоғига тўлиб кетган. Афтидан, Шоймирзанинг шумшук эчкиси болалари билан бу ерда тун бўйи «базм қурган» кўринади.

– Бу зараркунанда мени буткул хонавайрон қилади! – дея зорланди Ўтаган бува надомат билан бош чайқаб. Токнинг тагида тупроққа қоришиб ётган ҳусайни ғужумларига кўзи тушгач, сабр косаси тўлиб кетди. – Тўқол ялмоғизни шу қўлларим билан чавақлаб, ичак-чавағини кал калласига салла қилиб ўрамасам, одам эмасман!

Аллақачон тонг отиб, офтобнинг қизғиш нурлари дов-даррахтларнинг учини ёрита бошлаган бўлса-да, Шоймирзанинг ҳовлиси ҳамон сув қуйгандек жим-жит эди. Қўшни ҳовлидан қорнини қаппайтириб чиққан кал эчки оғилхона олдида эгиз улоқлари билан баҳузур кавш қайтариб ётарди.

Сувоқлари кўчиб тушган пастак деворга қордек қалаштириб қурилган ёғоч дарвоза малол келгандек гижирлаб очилди-да, Ўтаган буванинг қаҳрли чеҳраси намоён бўлди. У яккам-дуккам даррахтлар бетартиб ўсган, экин-тикинсиз қақраб ётган ҳайҳотдай ҳовлини олазарақ кўздан кечирди. Оғилхона олдидаги кал эчкига нигоҳи тушиб, бир лаҳза қотиб қолди. Ўлжасига ташланишга ҳозирлик кўраётган арслон каби уни диққат билан кузата бошлади. Сўнг вазоҳатли қиёфада пичоқ ўқталганча ичкарига бостириб кирди.

– Ўлдираман сен шумғияни! Тухумингни қури-таман!

Эчкигаям жон ширин. Жонивор эгиз улоқларини ортидан эргаштириб боягидан қолишмайдиган чақ-қонлик билан ҳовли айланиб қочишга тушди. Шоймирзанинг сокин ҳовлиси бир зумда тўс-тўполон бўлиб кетди.

Ошхонада хамир муштлаётган Бибисора шовқинни эшитиб деразадан ташқарига мўралади-ю, бир муддат анқайиб қолди. Ҳартугул у ҳозир бу ғаройиб қувлашмачоқни томоша қилиб ўтиришнинг мавриди эмаслигини дарҳол тушунди. Хамир юки қўлларини этагига ишқалаганча уй томон йўрғалади.

Одатда, эрталаб Шоймирзанинг уйқуси авж пардага чиқарди. Бибисора эрининг ороми бузилишидан ҳадиксираб, тонг ёришиши билан дераза пардасини тушириб қўярди. Шоймирза нимқоронги хона тўридаги қават-қават тўшақда чалқанча ётганча баҳузур хуррак отар, уч-тўртта кўзи ўткирроқ пашша эрталабки намак илинжида унинг қаррақдек очилиб қолган оғзи атрофида уймалашарди.

Бибисора шошиб ичкарига кирди-да, бахмал пардани ланг очиб юборди. Эшик-туйнуги берк бўлганидан ҳавоси анча бузилиб, димиқиб қолган хона зумда ёришиб кетди. Сопол хуштакнинг манқа жарангини эслатувчи хуррак товуши дафъатан узилиб қолди. Шоймирза юмуқ кўзларини баттар қисиб, дўрдоқ лабларини чўччайтирди. Ўтакаси ёрилган хирапашшлар ғунгиллаб ҳар тарафга учиб кетди. Хайтовур шу заҳотиёқ ҳаммаси жойига тушди – Шоймирзанинг хурраги яна ўз маромида давом этди.

Бибисора қош чимириб, эрини турткилашга тушди:

– Ҳой, турсин ўрнидан! Тезроқ ташқарига қарасин.

Шоймирза кўзларини аранг йириб, унга маъносиз тикилганча:

– А?... Нима дейсан? Тонг отдимми? – дея гўлдиради.

– Ҳовлида Ҳамсоя бува эчкимизни қувиб юрибди.

Оқшом яна томорқасига ошганга ўхшайди.

– Ҳа... Ўтаган бува келдимми?

Гўё зулмат қўйнида “йилт” этган чакмоқ шу заҳоти сўнгандек, Шоймирзанинг ёшли кўзлари дўмбирадек қовоқлари орасида ғойиб бўлди. У ён томонига ағдарилиб, уйқусини қолган жойидан давом эттирди.

– Вой тавба! Бу киши бир ухласа, қуйруғини кесиб кетсам билмайди-я! – Бибисора эрининг тўшақка сузма халтадек осилиб тушган қорнини қўш қўллаб қитиқлашга тушди. – Кўзини очсин дейман!

Шоймирза гавдасига ярашмаган чаққонлик билан сапчиб ўрнидан турди.

– Тентак-пентак бўлганинг йўқми мободо! – деди у кўзларини ваҳимали олайтириб. – Бу нима қилиқ?!

– Ҳовлида Ҳамсоя бува эчкимизни қувлаб юрибди! Ана, эшитмаяптими?

Шоймирза гарангсиган қиёфада ташқаридан келаётган бақир-чақирга кулоқ тутди. Сўнг ноилож ўрнидан кўзғалиб, кийина бошлади.

– Тезроқ бора қолсин, – дея шоширди Бибисора уни. – Ҳамсоя буванинг ажинаси кўзиганга ўхшайди. Қўлида ойболтадай пичоқ! Тутиб олса, эчкиниям, болалариниям бўғизлашдан тоймайди.

– Бу чолнинг дастидан уйингдаям тинч ётолмайсан! – пишқирди Шоймирза алам билан. – Қариганда феъли айнаб қолди. Бошқа иш қуриб қолгандай, қачон қарасанг бизнинг эчкини диконглатиб қувиб юради.

Шоймирза кўзларини уқалаганча ташқарилади. Эчкининг кетидан бесамар югуравериб ўпкаси ҳалқумига қадалган Ўтаган бува унга кўзи тушиши ҳамон таппа ерга ўтириб олди-да, хансираб нафас ола бошлади. Шоймирза ҳеч нарсага тушунолмаётгандек маъсум қиёфада бир эчкига, бир Ўтаган бувага қаради.

– Ассалому алайкум, Ҳамсоя бува, – деди у хир-қироқ товушда.

Ҳар нафас олганда бутун гавдаси кўтарилиб-тушаётган Ўтаган бува аликни насия қилиб, унга адоватли қараш қилди.

– Ия, биз бемаҳал кичқирган хўрозга ўхшаб бу кишимнинг ширингина уйқусини бузибмиз-да! – деди у киноядан ҳам кўра кўпроқ қаҳр-ғазаб уфуриб турган оҳангда.

– Рўзгор ташвишлари билан бўлиб оқшом кечроқ ётган эдим, – деди Шоймирза куюқ жун қоплаган ханда-лақдек қорнини силаб. – Шунга...

– Қорнингни ёп-е, бетамиз! – Ўтаган бува пешонасини тириштирди. – Рўзгор ташвишлари эмиш! Биламиз, ҳар оқшом нима иш билан шуғулланишингни!

Шоймирза хижолатли илжайиб, шоша-пиша кўйлагининг тугмаларини қадади.

– Бу кишимлар чошгоҳгача кўрпани саситиб ётсинлар. Биз шумшук эчкисини боғимизда ўтлатиб берайлик. Чўрисимиз-да бу эчкили бойнинг!

– Эчкимизни оқшом боғлаб қўямиз, – деди Шоймирза бепарво оҳангда. – Боғингизга бошқа бировнинг моли ошган чиқар-ей...

– Ай, Райим калнинг сағири! Индамаса, сен мени ёлғончига чиқаришдан ҳам тоймайсан! – деб пичоқ тутган кўллари пахса қилганча ўшқирди Ўтаган бува. – Ҳозиргина бу эгангни егурни ўзим томорқадан қувиб чиқардим-ку?

Ўтаган буванинг сўзларини маъқуллагандек бош ирғаб эшитган Шоймирза бир чеккада болалари билан қунишиб турган кал эчкига хўмрайиб қараб кўйди.

– Энди, бу бир беақл ҳайвон-да, Ҳамсоя бува, – деди салмоқли оҳангда гапиришга тиришиб. – Сизнинг боғингиз ўзига бегона эканини қаердан билсин...

Шоймирзанинг бу гапи Ўтаган бувага чаён чаққандек таъсир қилди.

– Сен бола, гап уқмайдиган меров экансан. Энди ўзингдан кўр!

Бир муддат нафас ростлаб ўзига келиб олган Ўтаган бува яна эчки қувишга тушиб кетди. Тайинли емиш емасдан болаларини эмизавериб, шўрлик кал эчкининг ҳам тинкаси қуриган эди. Шу боис у ҳам чарчаб қолиб, оёқлари майишиб-майишиб кета бошлади. Ниҳоят, Ўтаган бува мушукдек чаққон сакраб, уни ушлаб олди. Пичоғини тишига қистириб, жон аччиғида бағиллаб типирчилаётган кал эчкининг оёқларини белбоғи билан жуфтлаб боғлай бошлади.

– Ҳозир эчкимизни сўйиб қўяди! – чинқирди дера-

задан мўралаб турган Бибисора йиғлагудек бўлиб. – Тезроқ ажратиб олсин!

– Қўйинг энди, Ҳамсоя бува, шу махлуқ билан тенг бўлманг, – дея шошиб қолган Шоймирза унга ёпишди.

– Яқинлашма! – ўшқирди Ўтаган бува илкис унга пичоқ ўқталиб. – Йўқса, тирриқ эчкингга кўшиб ўзингниям чавақлайман!

Кўкрагига тиралган ўткир тигли пичоқни кўриб, Шоймирзанинг эсхонаси чиқиб кетди. Жон ҳолатда ортига тисарилди.

– Эсингизни еб қўйибсиз! – деди ранги бўздай оқариб. – Шу қоқсуяк эчкинининг қонига ташна бўлсангиз, ана, билганингизни қилинг!

Ўтаган бува шу топда гап уқадиган аҳволда эмасди. У азза-базза енглари шимариб, эчкининг бўғизига пичоқ тиради. Шоймирза бундай аянчли манзарани кузатишга ортиқ тоқат қилолмай кўзларини чирт юмди. Кал эчкининг зорланиб маърашидан кулоқлари қизиб кетди. Дафъатан юракни эзувчи бу мунгли товуш узилиб қолиб, ўрнини аллақандай бўғиқ пихиллаш эгаллади. Шоймирзанинг ичида бир нарса узилиб тушгандек, қорни бўм-бўш бўлиб қолди. Юмук кўзлари олдида митти-митти рангли ҳалқачалар ўйнай бошлади. Бехиётёр хаёлидан “кал эчки неча кило гўшт қиларкин” деган фикр “йилт” этиб ўтди.

Бирдан шовқин-сурон тиниб, ҳовлига сув куйгандек жимлик чўқди. Шоймирза кўрқа-пўса кўзларини очганида Ўтаган бува дами чиққан пуфакдек ерда ялпайиб ўтирар, оёқлари чирмаб боғланган кал эчки унинг ёнида узала тушиб ётарди.

– Сўйишга қўлим бормади, – деди Ўтаган бува қайғули қиёфада. – Улоқларига раҳим келди...

Шоймирза Ўтаган буванинг қўлидаги пичоқдан кўз узмай шоша-пиша эчкининг оёғини ечди. Аммо кал эчки жони омон қолганига ишонмагандек ҳамон сулайиб ётарди. Шоймирза шохсиз калласига ўхшатиб шапалоқ туширгандан кейингина ўзига келиб, майшайганча қочиб қолди. Бир чеккада қунишиб турган эгиз улоқлар тумшуғи билан онасининг елинини сермаб-сермаб эма бошлади.

– Эчкингни қилиқларига чидаб бўлмай қолди, гуппивой, – деди бу манзарани лоқайд кузатиб ўтирган Ўтаган бува ночор қиёфада.

Шоймирза унга нима деб жавоб қилишни билмай, ошхона томонга қаради. Эчкининг ажал чангалидан қутулиб қолганини кўриб кўнгли жойига тушган Бибисора тандирга ўтин қалаш ҳаракатига тушган эди.

Ўтаган бува билан Шоймирза анча вақт мум тишлагандек бир-бирига термулиб ўтиришди.

– Калламга бир фикр келиб қолди, Ҳамсоя бува, – деди Шоймирза бирдан жонланиб. Ўтаган бува “сенинг қовоқ калланга қачон дурустроқ фикр келган ўзи?” дегандек унга кинояли нигоҳ ташлади. – Эчкини бозорга чиқариб сотсак, қандай бўларкин?

Бу гапни эшитиб, Ўтаган буванинг қўлидан пичоғи тушиб кетай деди. Шоймирзанинг эс-ҳуши жойидалигига ишонч ҳосил қилмоқчидек, унга бошдан-оёқ синчиклаб разм солди.

– Ҳазиллашмаяпсанми? – деб сўради у қулоқларига ишонмай.

– Асли шумшуклик бу жониворнинг қонида бор, – деди Шоймирза ўзининг топқирлигидан қувониб. – Уни боғлаб боқиб ҳам, қамаб қўйиб ҳам шаштидан қайтаролмаймиз. Бирдан-бир чораси – сотиб қутулиш!

– Ана энди калланг ишлади, гуппивой, – деди Ўтаган бува дафъатан ипақдек мулойим тортиб. – Чинданам бундай қадами эгри эчкининг баҳридан ўтганинг

маъқул. Бунинг пулига бир сидра рўзгорининг кам-қўстини бутлаб оласан.

– Йўқ, Ҳамсоя бува, – эътироз билдирди Шойми-рза. – Бу ўзи зотдор эчки, ҳар йили эгиз туғади. Сотсак, пулига уч-тўртта хашаки эчки беради...

– Биттасини эпполмаган банда, уч-тўрттасини би-тинг билан боқасанми? Ёки қўшалок эчкиларингни ҳам биз томорқамизда ўтлатиб берамизми?

– Шумшуклик қилмайдиган, инсофлироқ эчкилар-дан танлаб оламиз-да.

– Буларнинг бари бир гўр!

– Шундайми-а? – Шоймирза ўйланиб қолди. – Унда бир чорасини топармиз...

– Бўладиган ишнинг тезроқ бўлгани яхши, – деди Ўтаган бува насиҳатомуз оҳангда. – Хўп десанг, эчкинг-ни эртанги бозорда ўзим сотиб бераман.

Ўтаган буванинг даллолликдан ҳам хабари бор. Ле-кин, бу касбнинг ортидан уч-тўрт танга ишлаш илпинжида эртадан-кечгача мол бозорида чангга ботиб юрмайди. Даллоллик унинг учун шунчаки бир ҳавасак. Таниш-билишларга жонлиқ олди-сотдисиди қўмаклашишни яхши кўради. Бунинг устига, шу чоққача бозорда Ўтаган бува аралашган иш чала қолмаган. Кўпчилик уни қўли енгил даллол деб таърифласа, илкани тутқазиб, нарх талашган киши: “қўли темирданам қаттиқ экан” дейди афтини буриштириб...

– Шундай қилганингиз маъқул, – деди Шоймирза. – Жонлиқ савдосига бизнинг тишимиз ўтмайди...

Шоймирза хотинининг нигоҳи ўзига наштар-дек қадалиб турганини кўриб, тилини тишлади. Унга қарашга ботинолмай, кўзларини олиб қочди.

– Оқшом бу жониворларнинг қорнини яхшилаб тўйдир, – деди эр-хотин ўртасидаги аччиқ карашмалар-дан беҳабар Ўтаган бува кал эчки билан болаларига меҳр билан тикилиб. – Бозорда бўш қопдай шалвираб турса, савдоси юришмайди.

– Ўтдан кўпроқ берамиз-да, – деди Шоймирза бўшашиб.

– Қуруқ ўтнинг ўзи емиш бўлармиди? – деди Ўтаган бува зарда билан. – Кечга яқин болаларингни бизники-га чиқар, озроқ арпа бердириб юбораман.

– Майли-майли...

Ўтаган бува оғир жангда ғолиб чиққан аскардек шаҳдам одимлаб уйига йўл олди. Боядан бери базўр тилини тийиб турган Бибисора шу заҳоти дийдиёсини бошлаб юборди.

– Қайнотам раҳматлидан томдай-томдай келади-ган тўртта сигир қолувди, қуйруқлари ер искайдиган бир кўра қўй қолувди, – деди тандирдаги ўтнинг тафтидан қошиқдеккина чехраси қирмизи тусга кирган Бибисора қуйиниб. – Бу кишимлар ҳаммасини бирма-бир сотиб еди! Энди битта тирриқ эчкиниям қуритса, кейин оғзини шамолга очиб ётади.

– Шунча мол-ҳолни сотган бўлсам, пулини кундо-шинга бериб келибманми?! – деди Шоймирза ҳам бўш келмасликка тиришиб. – Шу рўзгорнинг йиртиқ-ямоғига ишлатгандирман!

– Бир жойда ёлчитиб ишламагандан кейин аҳвол шу-да! – деди Бибисора киноя билан. – Тагин шу ама-лига бозорда бир жонлиқ сотса, ярим пулини кимларга-дир едириб-ичирмаса, кўнгли жойига тушмайди!

– Минг дод-вой қилганинг билан барибир эч-кини сотаман, – деди Шоймирза эътирозга ўрин қолдирмайдиган оҳангда. – Битта қари эчкининг дастидан отақадрон қўшним билан арра-теша бўлиб ётиш-ни истамайман!

Шоймирзага одамлар бекорга «гуппи» деб лақаб

қўйишмаган. У шу чоққача бирон марта лафзидан қайтмаган. Бибисора ҳам эрининг феълини яхши би-лади, шунинг учун у билан ортиқча тортишиб ўтиришни ўзига эп кўрмади.

– Эчкимиз шумшук бўлгани билан сути мўл эди, – деди у тандирда бўрқсиётган тутуннинг аччиғиданми ёки бошқа сабаб туфайлими кўзларида ёш ҳалқаланиб. – Улоқларидан ортганини соғиб, болаларга ичириб ту-рувдим...

– Айб ўзингда, – деди Шоймирза ҳам унғай-сизланиб. – Оқшом яхшилаб боғлаб қўйганинда ҳеч гап йўқ эди.

Бибисора индамай ошхонага кириб кетди.

Шоймирза кал эчкини сотишга жазм қилган бўлса-да, ундан кўнгили узиши қийин кечишини билмаган экан. Ўтаган бува кетгач, бундоқ дўппини бошдан олиб ўйлаб кўрди-ю, оғзидан чиқиб кетган гапига пушаймон бўлди. Сиртида хотинига сир бой бермаса-да, кечгача ичидан ичкиринди ўтиб юрди. Раҳматли отаси бир пайтлар бунинг онасининг онасининг онасиними-ей, ишқилиб, муштдай улоқлигида Қўзибой чўпондан бир арава янтоқнинг пулига сотиб олган эди. Ушандан бери улар ўзидан урчиб-кўпайиб келар, бу хонадондан кал эчки-нинг уруғи аригани йўқ эди. Ўзиям жониворлар нуқул эгиз туғарди. Хуллас, Ўтаган буванинг касрига у отамер-ос эчкисидан ажраладиган бўлди.

Шоймирза ғамгин ўй-хаёлларга берилиб, анча вақт кал эчки билан болаларининг беда кавшашини то-моша қилиб ўтирди.

– Шундай қилиб, эртага сениям бозорга чиқарамиз, жонивор, – деди у эчкининг кўзига қарашдан уялаёт-гандек охурдаги емишга тикилиб. – Мендан домонгир бўлма. Ноиложман. Ўтаган чолнинг дастидан ўз уй-ингдаям эчки асраб бўлма қолди! Сенам бошқа жой қуриб қолгандай, ҳадеб шунинг томорқасига ошавер-динг. Бу хасис чол бошқалардан битта қуруқ чўпниям қизғанади!..

Шу пайт Бибисора кўрага тоғорада арпа кўтариб кирди.

– Ҳамсоя бува бердириб юборибди, – деди у эри-нинг олдида тоғорани тўққиллатиб қўя туриб.

Шоймирза тоғорадаги арпани чамалаб, норози қиёфада бош чайқади.

– Шуниям кам берибди-я, ноинсоф... Шу бир ҳовучгина арпани егани билан бунинг калласига шох битиб қолармиди? Ичкарига киритиб қўй, керак бўлиб қолар.

Оқшом Ўтаган бува шоша-пиша хуфтон намозига “юмалаб” олди-да, юмшоққина тўшакка чўзилди.

– Сенам ивирсиб ўтирмай, тезроқ ёт, – деди урчуқ йигириш тараддудига тушган кампирига. – Ҳали ярим оқшом мени уйғотишинг керак.

– Бу киши ўзи қушуйку одам бўлса, тонггача тен-кайиб қотиб қолмас, – деди Чучук момо билагидаги туйнакланган эчки қилини урчуқ билан чийрата туриб.

– Айтиб бўладими? Мободо, икковимиз ҳам ухлаб қолсак, Гуппининг кал бошли ажинасидан қутулолмаймиз. Ҳали унис қурғур хотинининг гапига кирди, эрталабгача айнаб қолмаса деб кўрқиб туриб-ман.

Одатда, Ўтаган бува бир нарсага алағда бўлса, минг вақтли ётгани билан кўзига уйқу келмасди. Бу гал ҳам алламаҳалгача бурга талагандек тўшакда бе-

дор тўлғониб ётди. Гўё кимдир миясига кўрғошиндан қўйиб қўйгандек, кал эчкининг турқи-таровати сира кўз ўнгидан кетмасди.

Ниҳоят, тун ярмидан оққанда унинг кўзи илинди. Бироқ уйқусида ҳам тинч ётолмади...

Ўтаган бува бундоқ кўзини очса, аллақачон тонг ёришиб кетибди. Ғафлат босиб, бозорга кеч қолибмизку, дея шоша-пиша кийиниб, ташқарига ошиқди. Аммо ёмғирдан кейин бодраб чиққан кўзиқоридек ҳовлисини босиб кетган эчки-улоқларга дуч келиб, юраги товонига тушиб кетди. Барг кемираётган ипак қурти сингари экин-тикинларга чирмашган очкўз махлуқлар кўлда ясаб қўйгандек Шоймирзанинг эчки-улоқларига ўшарди. Кечагина бўйи етган қиздек истиғно қилиб турган томорқаси аллақачон тақир саҳрога айланган эди.

– Вой-дод!..

Ўтаган бува ўз фарёдидан ўзи чўчиб уйғонди. Карахт аҳволда ўнгу-сўлга аланглади, гўёки кал эчки билан болаларини қидирди. Ҳали тонг отмабди. Пилиги пасайтириб қўйилган чироқ уй ичини ғира-шира ёрирар, деразадан зим-зиё қоронғилик мўралаб турарди. Ўтаган бува шунчаки туш кўрганлигини англагач, елкасидан тоғ ағдарилгандай енгил тин олди. Ғўлдираганча калима қайтариб, кўксига туфлади.

– Нима гап? – деди пойгақдаги ўринда муштдайгина бўлиб ётган Чучук момо ёстиқдан бош кўтариб. – Уйқусида босинқирадимми?

– Ёмон туш кўрдим, кампир, – деди Ўтаган бува бош чайқаб. – Тушимда томорқамизга шайтон оралаган эмиш!

– Қанақа шайтон? – деди Чучук момо анграйиб.

– Шоймирзанинг кал бошли шайтони!

– Э, ваҳимаси курсин. Уйқусидаям шу эчкини ўйлаб ётибдими? Ўнг елкасини босиб ётсин, тошдай қотиб ухлайди. Хўроз чақириши билан ўзим уйғотаман.

– Бундай тушдан сўнг уйқу келармиди? – дея Ўтаган бува ўриндан туриб кийина бошлади. – Шу кўтир эчкидан қутулмагунча кўнглим тинчимайди.

* * *

Шу куни дўнғишлоқлик Шодиқул ҳам туни билан мижажа қоқмай чиқди. Аммо Шодиқул биродаримизни хайрли ташвишлар безовта қилмоқда эди. У пешона тери эвазига жамғарган озгина пулига бозордан жонлиқ сотиб олмоққа қасд этган эди.

Шодиқул эсини таниганидан бери даладан бери келмайди. Шу боис деҳқончиликнинг обдон ҳадисини олган. Лекин куймас косовдек эгат оралаб юравериб, замонанинг зайли ўзгарганини сезмай қолибди. Бундоқ атрофига қараса, аввалги биргатлар тугаб, ерлар фермерлар ўртасида бўлиниб кетибди. Ажабки, фермер деганларининг кўпчилиги илгари деҳқончиликнинг кўчасидан ҳам ўтмаган серсавлат, сердавлат кимсалар экан. Уларнинг ўзи ишламайди, ўзгаларни ишлатади, деган гапни эшитгач, Шодиқул мушкул жумбоқнинг мағзини чаққан донишманд каби хотиржам тортиди.

Шундан сўнг Шодиқул хўжалик гаражидаги сотувага қўйилган трактор каби фермерлар орасида талаш бўлиб кетди. Кунда-кунора бирови “менинг кўлимда ишла”, деб эшик қоқиб келади. Лекин иш ҳақига келганда ҳеч бирдан тайинли гап чиқмайди. Қайси бири “эгатдан чиққан ўт сеники” деса, яна бири кузда бирикки тележка ғўзапоя беришни ваъда қилади. Маълумки, эгатдан чиққан ўт-ўлан молга емиш бўлади, одамга эмас. Қолаверса, қишда қорнинг оч бўлса, ғўзапоянинг чўғи бозиллаб турган сандалда ўтириб

ҳам совқотишинг мумкин. Шодиқул буни яхши биларди, шунинг учун ҳам уларга “қани, бир ўйлашиб кўрайликчи” дея мужмал жавоб қилишдан нари ўтмади. Бироқ Салим раис валломат экан, у даласининг адоғидаги партов сув тўпланадиган сойлиқдан бир-икки таноаб ер ажратиб бериш шарт билан Шодиқулни ўзининг фермер хўжалигида ишлашга кўндирди.

Шодиқул қиш чиқиб улгурмасдан Салим раиснинг даласида ариқ тозалашга тушиб кетди. Кунлар исий бошлагач, ишдан бўш пайтларида чекига тушган жойга эртаци пиёз эқди. У ғўза суғорилиб, сойлик оқова сувга тўлгунча ҳосилини йиғиштириб олишни мўлжаллаган эди. Лекин неча йиллардан бери сув йиғилавериб, сополдай қотиб кетган майдонни эпқага келтиргунча ўзиям она сути оғзидан келди. Нима бўлганда ҳам бўш келмади. Қаттиқ ерни чўкич билан юмшатаётиб, бир пайтлар отаси раҳматли айтиб берган кўҳна ривоятни эсга олди.

Қадимда қайсидир қишлоқнинг адоқ тарафида бир парча унумдор майдон бўлган экан. У ерда баҳор тугул, саратоннинг чилласида ҳам ўт-ўланлар тизза бўйи ўсиб ётаркан. Шу қишлоқда яшайдиган авлиёсифат эшон бобонинг тўй-маъракаларга миниб юрадиган оти доим арқонини узиб, ўша ерга қочиб бориб ўтларкан. Бундай оврагарчиликлардан безор бўлган эшон бобо бир куни аччик устида унумдор ерни дуоибад қилибдилар:

– Илоё, шу бир парча ер гиёҳ битмайдиган қақроқ биёбонга айлансину, мен бечораям отимнинг орқасидан қувиб юриш азобидан халос бўлай!

Кароматгўй одамларнинг дами тошни ёрармиш. Тез орада ҳосилдор заминдаги ўт-ўланлар қуриб-қовжираб, метиндек қотиб ётган тақир саҳрога айланибди. Шундан сўнг эшон бобо ҳам отини қочириб юриш заҳматида халос бўлибдилар. Қарғиш теккан ер эса анча вақтгача кимсасиз ҳувиллаб ётибди.

Иттифоқо, кунлардан бирида у ерда кетмон кўтарган деҳқон йигит пайдо бўлибди. У қарғиш теккан ерни обдон кўздан кечирибди-да, сўнг шахт билан ерга кетмон урибди. Шу пайт худонинг қудрати билан унумсиз замин тилга кирибди:

– Мен фалон эшоннинг қарғишига учраганман, минг уринганинг билан бағримда гиёҳ кўкартиролмайсан.

Деҳқон йигит кулиб қўйиб, ишини давом эттирибди. У дастлаб қотиб кетган ерни обдон юмшатиб, ўғит солибди. Дарёдан ариқ тортиб келиб, суғорибди. Кейин жўяк тортиб, ерга уруғ қадабди. Мўъжизани қарангки, қарғиш теккан ерга қайтадан жон кириб, мўл-мароқ ҳосил берганини ўзи ҳам сезмай қолибди. Деҳқон йигит кўчат экиб, кўркамгина боғ ҳам яратибди.

Кунлардан бирида шу томонларга йўли тушган эшон бобомиз бу манзарани кўриб, ҳайратдан лол бўлиб қолибдилар. Шунда ерга қайтадан забон битиб, эшон бобога бўлган воқеани сўзлаб берибди.

– Деҳқоннинг меҳнати олдида бизнинг дуоибадимиз нима бўпти? – деб эшон бобо бош чайқанча йўлида давом этибдилар...

Шодиқул ҳам бўш келишни истамади. Чўкичу кетмон билан ер қиртишлаб, сал-пал эпқага келтирди. Ҳосили ҳам шунга яраша бўлди. Ўтган куни сойлиқдан беш-ўн қоп пиёз ковлаб олди. Шунча бўлди – хўжа бўлди деб бориға шуқр қилди. Бироқ пиёзнинг дарагини эшитиб, даланинг бошига етиб борган Очил савдогар ҳар бири товукнинг тухумидек келадиган пиёзларни кўздан кечириб, таассуф билан бош чайқайди.

– Буни бозорга чиқаришгаям уялади одам, – деди у. – Маслаҳатим, бундан кейин қўлингдан келадиган ишни қил, ошна.

Шодиқул ялина-ялина Очил савдогарга пиёзни арзон-гаровга бериб юборди. Оёғини зўрға судраб уйига кириб келди-да, бир сиқимгина пулни хотини Мусалламга узатди.

– Шунча ўлиб-тирилиб ишлаб, топганим шу бўлди! – деди у айб иш қилиб қўйгандек хотинининг кўзига қарашга ботинолмай. – Пиёзнинг пулидан умидим катта эди...

Мусаллам мунғайиб турган эрига зимдан разм солиб, унга раҳми келди.

– Шунгаям хафа бўладими? – деди жилмайиб. – Оз бўлсаям, баракасини берсин. Бу пулга бозордан бир-иккита жонлиқ сотиб олса, ўзидан кўпайиб, бирикки йилда бир сурув мол бўлади.

Шодиқул бу гапдан ёш боладай қувониб кетди.

– Гапинг чин, хотин, – деди саратон офтобида қорайган чехраси ёришиб. – Шу нарса хаёлимга келмаганини қара-я!

Шодиқул оқшом ўзича ҳар хил режалар тузиб чиқди. Энг аввал ҳовлининг чеккасида каттагина кўра тиклайди. Сўнг битта жонлиқни иккита, иккитасини тўртта қилади. Қарабсизки, тез орада кишлоқда ундан бой одам бўлмайди! Ахир, бараканинг ҳаммаси чорвада...

Бундай ширин ўй-хаёллардан сўнг кўзга уйқу келармиди? Шодиқул тонг бўзаришини ҳам кутиб ўтирмай, бозорга отланди.

– Жонлиқ олаётганда яхшилаб қарасин, – деди Мусаллам белбоғнинг орасига жойланган пулни унга узата туриб. – Тагин адашиб, қари ёки касал молни етаклаб келмасин.

– Олди-сотдига йўқроқмиз-да, – деди пул солинган белбоғни белига боғлаётган Шодиқул хижолатли жилмайиб. – Лекин пухтароқ бўлишга ҳаракат қиламиз.

– Битта-ярим таниш даллол учраб қолса, илтимос қилсин.

– Майли-майли. Айтгандай, бозордан нима олай?

– Сигир олса яхшими, дейман...

– Пулимиз сигирга етмас-ов, – деди Шодиқул умидсизланиб.

– Унда бозорнинг қош-қовоғига қараб иш тутат қолсин.

– Ҳа, майли, бизгаям насиб қилгани бордир.

Шодиқул қанот боғлаб учгудек бозорга жўнади.

Тор катакда димиқиб кетган бабоқ чўзиб-чўзиб қичқира бошлаган маҳалда Шоймирза эгиз улоқлардан бирини ҳовли айлантириб қувиб юрарди. Кал эчкининг бўйнидан ўтказилган арқонни маҳкам чангаллаганча эшак устида қўққайиб ўтирган Ўтаган бува бу манзарани бетоқат кузатарди. Хуржуннинг бир кўзидан боши чиқиб турган иккинчи улоқчанинг жон аччиғида зорланиб маъраши ҳовлини тутиб кетган.

– Ҳа, туёғинг кўчгур, – деди ҳарсиллаб нафас олаётган Шоймирза алам билан. – Ортидан бўри қувлагандай бунча диконглаб қочмаса! Чиги-чиги...

– Муштдай улоқни тутолмасанг, баттар бўл!

– Менам нима қилай? Тутқич бермаяпти-да, ўз бошингни егур, – дея зорланди Шоймирза.

– Шундай чўмаланиб ўтираверсанг, бозордан кеч қоламиз, – деди Ўтаган бува юлдузлар чарақлаб турган осмонга хавотир билан тикилиб. – Ҳадемай тонг отади!

Ниҳоят, Шоймирза бир амаллаб улоқчани тутиб олди.

– Ушладим! – деди у ёш боладай қувониб. – Улоқнинг қочгани – хуржунгача!

Шоймирза улоқчанинг қулоқларига беозор шапатайлаб, уни хуржуннинг нариги кўзига жойлади. Шу пайт Бибисора ошхонадан челақ кўтариб чиқди.

– Шошмай турсин, эчкимизни охириги марта соғиб қолай.

– Соға қол, – деди Шоймирза кал эчкининг арқонидан тутиб. – Эрталаб болаларга пишириб берарсан.

Ўтаган бува бу гапни эшитиб, аччиқ қалампир чайнаб олгандай афтини буриштирди.

– Оббо! Шу тирриқ эчкининг бир қошиқ сутини ичган билан болаларингга жир битиб қолармиди!

– Қисилманг, Ҳамсоя бува, бозорга бемалол улгурамиз, – деди Шоймирза пинагини бузмай. – Жонивор болаларидан орттириб, ҳар куни чорак сатил сут беради.

Бибисора чаққонлик билан эчки соғишга тушди.

– Бу шўртумшукнинг улоқлари нимага игна ютган тозидай ҳеч ўзгармайди десам, гап бу ёқда экан-да, – деди Ўтаган бува таассуф билан бош чайқаб

– Эчкининг қатиғи жуда поримли бўлади, – деди Шоймирза Ўтаган буванинг киноясига эътибор бермай. – Эрталаб бир косагинасини симириб олсангиз, кун бўйи тўқ тутати.

Бибисора эчкини соғиб бўлиб, ўрнидан турди.

– Сатил ярим ҳам бўлмабди-ку? – деди Шоймирза челақни кўздан кечириб.

– Улоқларигаям қолсин дедим-да. Бу бечораларга бозорда биров емиш тайёрлаб қўйибдимми?

– Ҳақинг қолиб кетаётган бўлса, эчкингни ўзинг эмиб қўяқол! – деди Ўтаган бува истехзо билан. Сўнг шоша-пиша эшагига хала босди. Кал эчки хуржуннинг икки кўзида тинимсиз зорланиб маъраётган эгиз улоқлари кетидан эргашди.

– Эчкини сотса, ўрнига биронта тузукроқ қўй олсин...

Шоймирза дафъатан хотинига ўшқириб берди:

– Эчкининг пулига қўй эмас, бузоқли сигир оламан! Энди кўнглинг жойига тушдимми?

Бибисора индамай ортига бурилиб кетди.

Ўтаган бува билан Шоймирза тонг ғира-ширасида бозорга етиб боришди. Холисроқда жойлашган мол бозорининг пастак дарвозаси олдида мол-қўй, эчки-улоқ, от-эшак етаклаган одамлар қатор тизилиб туришар, эғнидаги беўхшов чопонининг белини чилвир билан боғлаб олган бақалоқ ва гавдасига ярашмаган тарзда анча пўрим кийинган қилтириқ киши улардан патта пули ундиришмоқда эди.

Ўтаган бува шу атрофда ётган муштдай тош билан эшагининг қоziғини ерга қоқиб, Шоймирзадан эчкининг арқонини олди.

– Сен хуржунни елканга тескари кўтариб ол, – деди у паттачиларга қараб. – Ичида улоқ борлиги билинмасин.

– Нимага? – дея сўради ҳеч нарсага тушунмаган Шоймирза ҳам паттачилар томонга хавотирли тикилиб.

– Анавиларнинг кўзини шамғалат қилмасак, шу марра улоқларгаям патта пули олишади.

– Хўп-хўп, – деб Шоймирза икки кўзига эгиз улоқлар жойланган хуржунни елкасига тескари кўтариб олди. Безовталанган улоқчалар бўғиқ товушда маърашага тушди. Шоймирза хуржуннинг устидан улоқчаларни силаб-сийпалай бошлади. – Озгина чиданглар, такавойлар. Бозорга эсон-омон кириб олайлик, кейин томоғингиз йиртилгунча маърасангиз ҳам майли.

– Ҳаром қотгурларнинг тезроқ чакагини ўчир! – деди кал эчкини судраб кетаётган Ўтаган бува асабийлашиб.

– Булар бир ҳайвон бўлса, қандай гап уқтираман? – деди Шоймирза чорасиз қиёфада.

Маърайвериб овози бўғилиб қолган улоқчалар бировдан сўнг тинчиб қолди. Бу орада улар паттачиларга рўпара келиб қолишган эди.

– Юз сўм!

Қилтириқ кал эчкига жиркангандек кўз қири билан қараб қўйиб, Ўтаган буванинг кўлига патта тутқазди.

– Инсофинг борми?! – деди Ўтаган бува жиғибийрон бўлиб. – Кўзингни каттароқ очиб қара, мен бозорга новвос эмас, қари эчки солаяпман! Шунга юз сўм оласанми?

– Экология солиғиям ичида, – дея тўнғиллади Қилтириқ ҳам бўш келмай. – Ёқмаса, ана, катта куча!

– Шулар билан тортишиб, мартабага минарминдигиз? – деди Шоймирзанинг орқасидаги эшак етаклаган киши. – Булар қадалган жойидан қон олмай қўймайди. Айтганини беринг-да, тезроқ қимирланг!

– Сенларга худо бас келмаса, бандасининг бас келиши қийин, – Ўтаган бува зарда билан қилтириқ паттачининг кўлига пул тутқазди-да, ўзича минғирлади: – Тешиб чиқсин, илойим...

Қилтириқ паттачи шаънига айтиладиган бу каби нордонгина гап-сўзларга ўрганиб кетган эди. Шу боис пинагини ҳам бузмай, Ўтаган бува узатган пулни чўнтагига жойлади-да, йўлни бўшатди. Унинг ортидан хуржун орқалаб келаётган Шоймирза гўёки қил кўприқдан ўтаётгандек, қўрқув ва ҳаяжондан терлаб кетган эди. Шу топда бозорнинг ғала-ғовури ҳам унинг қулоғига кирмас, кўксида алланарса тузоққа тушиб қолган каптар каби тинимсиз потирларди.

Қилтириқ паттачи унга қарашни ҳам ўзига эп кўрмай, орқадаги эшак етаклаган одамга юзланди. Шоймирза эндигина дарвозадан ичкарига кирай деганида бақалоқ паттачи мулойим жилмайганча унинг йўлини тўсди.

– Ассалому алайкум, акажон, – деди эгнидаги яғир чопонидан тезак ҳиди анқиб турган бақалоқ аёлларниқидек мулойим оҳангда. – Хуржунингизда нима бор?

Бундай қутилмаган ҳаракатдан ўтақаси ёрилган Шоймирза жон ҳолатда ортига тисарилиб, эшак етаклаган кишига тақалиб қолди. Бевозталанган улоқлар яна ғайрат билан маърашга тушиб кетди. Ёқимли жилмайиб турган бақалоқ илқис унинг елкасидан хуржунни тортиб олди.

– Вой, манави улоқча бунча чиройли, – деди у хуржунни очиб кўраётиб. – Ие, эгиз экан!

Шоймирзанинг қулоғи тагида Қилтириқнинг гулдирак овози янгради:

– Юз сўм!

Шоймирза гарангисан қиёфада, паттачи кўлига тутқазган шапалоқдек чиптага тикилиб қолди.

Шодиқул дастлаб бозордаги нарх-навони ўрганишга қарор қилди. Шу ниятда қўлларини орқасига чалиштириб, минг қўйли бойлар каби виқорли қиёфада мол бозорига кириб борди. У ўнгу сўлга шох сермаб, тўёғи билан ер қовлаётган баҳайбат новвосларнинг дафъатан сузиб қолишидан қўрқиб, юрак ҳовучлаганча эҳтиёткорлик билан илгариларди. Бир чеккада бузоқли сигир ушлаб турган болакайга кўзи тушиб, ўша томонга юрди. Эринчоқлик билан кавш қайтараётган ола сигирнинг теварагида парвона бўлиб, уни синчиклаб кўздан

кечирди. Тумшуғини йириб, тишини ҳам кўрмоқчи эди-ю, аммо жонивор сира куч бермади. Шодиқул ноилож унинг қовурғаларини силади. Ҳатто, тирсиллаб турган елинини кафтига бир-икки марта соғиб, сутини ялаб кўрди. Сути серқаймоқ экан, деган ўй кечди хаёлидан. Сигирдан кўнгли тўлиб, мамнун қиёфада бош чайқади. Сўнг ўзининг ҳаракатларини қизиқиш билан кузатиб турган болакайга юзланди.

– Сигирнинг нархи қанча бўлди, жиян?

– Арзи бозор, тоғажон, – дея жавоб берди болакай ҳам бийрон тилда.

– Ия, кўзингдан-ей, – дея завқланиб кулди Шодиқул.

– Арзи бозор, дегин... Хўш, дидингдаги нархни айт-чи?

– Икки юз минг!

Шодиқул қаршисида пайдо бўлиб қолган қоп-қора давангирдай кишини кўриб, сувга тушган мушукдек шалвираб қолди. Ортиқ бир сўз дейишга ҳоли келмай, елкасини қисганча бу ердан жўнаб қолди.

Сигир сотиб олишга қурби етмаслигига ишонч ҳосил қилган Шодиқул ноилож ушоқ моллар бозорига ўтди. Сон-саноксиз қўй-эчкилар бир-бирига маташтириб боғлаб қўйилган, олувчилар билан сотувчилар ўзаро таллашиб-тортишиб савдолашаётган бозорда туртиниб-суртиниб анча вақт бемақсад оралаб юрди. Тасодифан чоғроқ буқадай келадиган шохдор қўчқор савдоси устидан чиқиб қолиб, уни қизиқиш билан кузата бошлади.

– Эллик минг!.. Ёмон нарх бўлмади, ука. Баракасини бер энди! – дерди шохдор қўчқор эгасининг кўлини зўр бериб силтаётган даллол чол қуйиб-пишиб.

Қўчқор эгаси қош чимирганча мўм тишлаб турарди.

Шодиқул қулоқларига ишонмагандек, бир даллол чолга, бир сотувчига қаради. Шохдор қўчқорни обдон кузатди. Сўнг сўлжайган қуйи бу ердан ҳам узоқлашди.

Бўрон қўпган денгиздек беҳаловат гувиллаб ётган мол бозорининг холироқ чеккасида эгиз улоқли эчки ушлаган пачаққина йигит ўтган-кетганга умидвор термуларди. Аксига олиб, ҳеч ким унинг жонлиғига қиёбоқмасди. Йигит ўзи томон келаётган Шодиқулга умид билан кўз тикди. Аммо у ҳам кал эчкини назарига илмагандай, ёнидан бепарво ўтиб кетди.

«Бозорда савдо соқол сийпагунча» деб бекорга айтишмаган. Тонг ёришиб, қуёш кўкка ўрлагани сари мол бозори ҳам аста сийрақлаша бошлади. Аммо Шоймирзанинг кал эчкисига тайинли харидор чиқмади.

– Нимага бизнинг эчкига биров бурилиб қарамайди? – деди тоқати тоқ бўлган Шоймирза умидсизланиб. – Ёки эчкимизнинг бирон айби борми?..

– Сабр қил, гуппивой, – деди унинг ёнида гўддайиб турган Ўтаган бува пинагини бузмай. – Зотдор махлуқнинг ҳам эгаси чиқиб қолар.

– Бунга биров олишига кўзим етмаяпти. Ёки уйга қайтариб кетсакмикин? – Шоймирза Ўтаган буванинг ўзига ўқрайиб қараб турганини кўриб, зорланишга тушди. – Сотсангиз, тезроқ сотинг-да! Қачонгача бу ерда кўзга чиққан сўгалдай қаққайиб ўтираминг?..

Шоймирзанинг гапи чала қолди. Чунки бу пайтда Шодиқул унинг кал эчкисини кўздан кечира бошлаган эди. Шоймирза хушёр тортиб, Ўтаган бувага қаради. У эса бир ҳатлаб Шодиқулнинг қаршисида пайдо бўлди.

– Келинг, ука, шу зотдор эчкини олиб кетинг, – деди Ўтаган бува ипақдек мулойим тортиб. – Ўзим ўртага тушиб, нархини келиштириб бераман.

– Ия, бу жонивор эчкими? – дея сўради чолнинг гап оҳангидан дадиллашган Шодиқул сохта ажабла-

ниш билан. – Боядан бери нималигини билполмай бошим қотиб турувди. Гижинглаб туришига қараб, тулпор дейин десам, ёли йўқ, ҳўкиз десам, шохи йўқ... Демак, эчки экан-да?

– Эчки-эчки, – Ўтаган бува ҳам унинг ҳазилига рағбат билдириб илжайди. – Лекин унча-мунча қўйдан зиёд.

Шодиқул кўзи ўткир синчи каби кал эчкининг гоҳ у ёғидан ўтиб қаради, гоҳ бу ёғидан ўтиб қаради, азда-базда шалпанг қулоқларини тортиб ҳам кўрди.

– Мен ёши етмишдан ошиб, беш вақт намозни қанда қилмайдиган кайвони одамман, болам, – деди Ўтаган бува кал эчкига тикилганча иккиланиб туриб қолган Шодиқулнинг илқидан тутиб. – Сизга тўғриси айтимаман. Буниси қурғур жуда ақлли жонивор. Бошқа эчкиларга ўхшаб бировларнинг томорқасига ошмайди. Берган емишингизга қаноат қилиб, майда кавшаб ётаверади. Ишонмасангиз, қўшингизнинг томорқасига қўйиб юборинг, тумшуғини ерга чўзса, олдимга келасиз!

– Йўғ-ей!..

– Қуш уясида кўрганини қилади деганларидек, бунинг улоқлариям шунга ўрганган. Қўни-қўшнилари ҳам бу жонлиқнинг фаҳм-фаросатига тан беришган. Асли, сотмоқчи эмасдиг-у, лекин ноилож...

– Яхши-яхши, – деди Шодиқул чолнинг узук-юлуқ мақтовларидан безор бўлиб. – Бу одобли эчкингиз бироррта бахти чопган одамга насиб этиб қолар. Лекин бизнинг дидимизга ўтирмади. Қўлимни қўйинг.

– Шундай эчкининг нимаси ёқмайди?! – деди Ўтаган бува асабийлашиб. – Бозорни кундузи чироқ ёқиб ахтарсангиз ҳам бундан яхшисини тополмайсиз.

– Яхшисини тополмасак, яна олдингизга келармиз, – деди Шодиқул кўлини Ўтаган буванинг чангалидан тортиб олишга ўриниб.

– Сиз келгунингизча қараб ўтираемизми? Сотамиз-қўямиз-да!

– Сотсангиз, баракасини берсин! Қўлимни бўшатинг.

– Тавба, шундай эчкининг нимаси ёқмайди бу одамга, – деди Ўтаган бува унинг кўлини қўйиб юборишни хаёлига ҳам келтирмай.

– Эчкингиз кал экан! – деди Шодиқул баҳона топганидан қувониб. – Менга шохдор эчки керак.

– Оббо, сиз молнинг фарқига бормас экансиз. Ахир, кал эчки ақлли келади...

– Эчкининг ақлини пишириб ейманми?! Бу до-нишманд махлуқингиз ўзингизга буюрсин. Боядан бери қўлимни сиқавериб, эзиб юборай деяпсиз. Бас қилинг!

– Бу бола ота-онасиз, ғирт етимча, – деди Ўтаган бува Шоймирзага имо қилиб. – Шунинг жонлигини олинг, савобга қоласиз. Сағирнинг моли баракали бўлади, укажон.

– Мен бозорга савоб сотиб олиш учун келганим йўқ, – деди Шодиқул афтини буриштириб. – Қўлимни бўшатинг...

– Хўп, дидингиздаги нархингизни айтинг, – деди Ўтаган бува. – Савдомиз битмаса, йўлингизда кетаверасиз.

Бу машмашалар жонига теккан Шодиқул нима қилишни билмай, бир зум ўйланиб қолди. Эчкини яна бир бор кўздан кечирди. Сўнг муғомбирона илжайганча Ўтаган бувага кўрсаткич ва ўрта бармоғини ёзиб кўрсатди.

– Иккита?.. Бўлмайди! – деди Шоймирза худди биров тортиб оладигандек эчкининг арқонини маҳкам тутамлаб.

– Ана, ана! Савдомиз битмади! – деди Шодиқул қувониб. – Энди қўлимни қўйиб юборинг.

Аммо Ўтаган бува бундай қулай фурсатни бой берадиган анойилардан эмасди.

– Э, қизиқ одам экансиз. – деб у бор кучи билан Шодиқулнинг кўлини силташга тушди. – Бу пулга эчкининг битта боласиниям бермайди-ку? Сўрасангиз, инсоф билан сўранг-да.

– Нима, шу кўтир эчкингизни менга зўрлаб сотасизми?! Олмайман дедимми, олмайман...

– Кўришингиздан яхши одамга ўхшайсиз. Майли, сизга ўн қоғозга бераман, – деди Ўтаган бува. – Бор барака...

Шодиқул бу гапдан сўнг иккиланиб қолди. У сахармардондан бери бозор оралайвериб, бу ернинг нархнавосини беш қўлдек билиб олган эди. Жонлиқ деганлари жуда қиммат экан. Ҳўкиз тугул, қўй-қўзининг ҳам яқинига йўлаб бўлмайди. Чамалаб кўрса, кисса-сидаги пулига шу эчкидан бошқа жонлиқ бермас экан. Қолаверса, даллол ҳам инсоф билан сўрапти. Бироз савдолашса, эчкининг нархини янаям тушириш мумкин. Шунда пиёзнинг пулидан уч-тўрт танга орттириб ҳам қолади...

– Ҳа, кетса бизнинг ҳақимиз кетар, тўққиз яримтага бераман, – деди Ўтаган бува ҳам унинг фикрини уққандек, эчкининг нархини янаям арзонлаштириб. – Рози бўлдингизми?

– Қиммат!.. – деди Шодиқул Ўтаган буванинг қоқсуяк панжалари орасида қисирлай бошлаган кўлини тортиб олишга беҳуда уриниб.

– Тўққизта! Бундан бир чақаям ками йўқ! Хўп денг энди!

– Розиман, розиман! – деб шоша-пиша бош ирғади оғриқнинг зўридан кўзларида ёш халқаланган Шодиқул зўрма-зўраки илжайиб. – Шу кўтир эчкини олмасам, сизнинг чангалингиздан соғ қутулмайдиганга ўхшайман.

Ўтаган бува Шодиқул узатган пулни ҳафсала билан битталаб санади. Ҳаммаси жойидалигига ишонч ҳосил қилгач, пулни Шоймирзага тутқазди.

– Шоймирзавой, бу аканга эчкининг баракасини бер.

– Ўзи зотдор эчки, ҳар йили эгиз туғади, – деди Шоймирза Шодиқулнинг кўлини қисиб. – Баракасини бердим, ака..

– Менам берган пулимга розиман, – деб Шодиқул хавотирли қиёфада унинг кафтлари орасидан кўлини тортиб олди.

– Эчкининг арқонини ташлаб кетинг, ака, – деди мол сотувчилар амал қиладиган ирим ёдига тушиб қолган Шоймирза.

– Нимага?

Шоймирзанинг ўзи ҳам бу одатнинг асл сабабини билмас эди. Шу боис нажот кутгандек Ўтаган бувага қаради.

– Одам сотган молининг арқонини ечиб олмаса, кўрасидан барака кўтарилади дейишади, – деди Ўтаган бува.

– Лекин менда бошқа арқон йўқ эди-да, – деди Шодиқул ўйланиб.

– Сиз бугунча эчкини етаклаб кетаверинг, – деди Ўтаган бува. – Янаги бозор куни арқонини мана шу ерга келтириб берасиз, маъқулми?

– Маъқул.

Ўтаган бува эчкининг баракасини тилаб узундан-узқ дуо қилгач, улар хайрлашишди. Эгиз улоқчалар Шодиқулнинг етовидаги онасининг орқасидан эргашди.

– Ана, зотдор эчкингизга эсон-омон эгасига топширдик, – деди Ўтаган бува мамнун қиёфада.

– Норози бўлиб олгани дуруст бўлмади-да.
– Жўртага шундай қилаяпти. Бозор кўрган, қув йи-
гитга ўхшайди.

– Энди бу пулга бирорта кўзими, улоқми олиб
берасиз, Ҳамсоя бува, – деди Шоймирза эчкининг пу-
лини сиқимлаб. – Уйга қуруқ қайтсам, келинингиздан
қутулолмас балога қоламан.

– Бозорда тузукроқ ушоқ мол қолмади, – деди
Ўтаган бува анча санжоблашиб қолган мол бозорини
кўздан кечириб. – Яхшиси, келаси ҳафта оламиз.

– Сиз нима десангиз шу.

– Энди бориб, бозор-ўчар қилайлик.

– Менам уйга қуруқ борсам, бўлмас. Болаларга ул-
бул олай. Келинингиз ҳам анчадан бери тош калишга
интиқ бўлиб юрувди...

– Сотганинг битта тўқол эчки бўлса, калишга бало
борми? – дея жеркиб берди Ўтаган бува уни. – Пулни
тежа!

– Калиши йиртилиб қолган-да...

– Хотин дегани ялангоёқ юрсаям куни ўтаверади.
Кетдик!

Шу пайт оломон орасидан Кўчар жарчининг манқа
овози эшитилди:

– Аюҳаннос-аюҳаннос! Халойиқ, гапимга қулоқ со-
линг!.. Кеча Сортепанинг устида катта кўпқари бўлган.
Шунда шўрқудуқлик Жоби полвон қашқа бедовини
қочирган. У отини топиб берган ёки дарагини билдир-
ган киши учун суюнчига қўчқор атаган!

Кўчар жарчининг овози туфайли бир зум сукутга
чўмган бозор қайта жонланди.

Бу хабарни диққат билан тинглаган Шоймирза
Кўчар жарчининг ортидан анграйиб қараб қолди.

– Шу отни биз топиб берганимизда қўчқорли бўлиб
қолардик-да, Ҳамсоя бува, – деди Шоймирза оғзининг
таноби қочиб.

– Бўлмаса, икковимиз дала-даштга чиқиб, от ах-
тарамиз, – дея олдинда кетаётган Ўтаган бува унга
кинояли қараб қўйди. Шоймирза ёш боладек елкасини
қисиб унга эргашди. – Энди икковимиз ҳам ўз майли-
мизча бозорлаймиз. Бирон соатлардан кейин бизнинг
эшакнинг ёнида учрашамиз.

– Маъқул, Ҳамсоя бува.

Ўтаган бува одамлар орасида кўздан ғойиб бўлгач,
Шоймирза ҳам гердайиб бозор оралади.

* * *

“Отанг – бозор, онанг – бозор” деган мақолнинг
турган-битгани ҳикмат. Зотан, атторнинг ҳам,
баққолнинг ҳам, олувчининг ҳам, сотувчининг ҳам,
тўғрининг ҳам, ўғрининг ҳам... тирикчилиги бозор би-
лан. Биз бу ўринда “ўғри” деган занғарнинг отини тилга
ола туриб, бекорга бир қур нафас ростламадик. Чун-
ки ҳар бозорнинг ўз ўғриси бўлади. Жума бозори ҳам
бундан мустасно эмас. Бу ернинг ҳам Хушмурод отлиг
битта-ю битта шўртумшуқ ўғриси бор. У бозорда отнинг
қашқасидек барчага бирдай таниш. Унинг шарофати
билан сотувчилар навбатма-навбат майда-чуйда нар-
саларини ўғирлатиб туришади. Лекин улар Хушмурод-
нинг унча-мунча қилиқларига кўз юмишади. Бозорда
кимдир нимадир йўқотса, “Хушмурод ҳалоллади” деб
қўя қолади. Хушмурод ҳам бозорнинг ўзига тегишли
бўлган бир қанча ёзилмаган қонунларига амал қилиши
кераклигини яхши билади. Яъни, у кўпам нафсига эрк
бермаслиги, бир ўғирлик қилган жойига икки-уч ойсиз
қадам босмаслиги шарт. Мободо билиб-билмай бу
қоидани бузса, шу заҳоти унга эслатиб қўйишади. Яна-
ям қизиги, Хушмурод ўмарган молини ҳеч қачон уйига

кўтариб кетмайди. Уни бозор чойхоналаридан бирида
егулик-ичкиликка айирбошлаб, обдон маишат қилгач,
ўз пулига бозор-ўчар қилади.

Жума бозорига ташриф буюрган ҳар қандай одам
даставвал мол бозорига бирровгина бош суқмаса
кўнгли жойига тушмайди. Хушмурод ҳам эскидан қолган
ана шу одатни сира қанда қилмайди. Бугун ҳам у хўроз
қичқирмасдан бозорга етиб келиб, чорва савдосини
кўздан кечирди. Қуёш кўкка бўй чўзиб, савдо расталари
бирин-кетин очила бошлаган маҳалда у ҳам аста ишга
киришди.

Хушмурод бу гал қассобларнинг хушёрлигини
синамоққа қарор қилган эди. Шу боис шундоққина ерга
ёйиб қўйилган калиш-махсиларга чалгимай, олдинга
юрди. Бир пасда бозор ўртасидаги улкан тимга етиб
келди. Бу ердаги торгина йўлакнинг икки тарафида
тиғиз қилиб қурилган расталарда савдо-сотик айни ав-
жига чиққан, қассоблар қўли-қўлига тегмай гўшт нимта-
лашарди.

Хушмурод пайт пойлаб туриб, чеккароқдаги рас-
тадан бир бўлак гўштни олиб қочди.

– Тўхта! Гўштни жойига қўй!

Кундада эт ниматалаётган қассобнинг ёнида ха-
ридорлар узатган пулни санаб олаётган ёшгина йигит
унинг ортидан қувишга чоғланди. Мошгуруч соқолига
чарви ёпишган қассоб унинг қўлидан тутиб қолди.

– Қўявер, болам. Бу ўзимизнинг Хушмурод-ку.

Қассоблар “Ўғри кетди!”, “Хушмуродни ушланглар!”
дея жўртага ваҳима кўтаришди. Хушмурод эса гўштни
бағрига босганча, сичқон тутиб олган мушук каби олди-
ортига қарамай югуриб борарди. Атрофни кулги, қаҳ-
қаҳа тутиб кетди.

Хушмурод бозор чеккасидаги чойхонага ет-
гач, ортидан ҳеч ким қувламаётганига ишонч ҳосил
қилиб, югуришдан тўхтади. Холироқдаги усти йиғиш-
тирилмаган стол қаршисида ўтириб, чуқур сўлиш олди.
Шу заҳоти ёнига етиб келган Сарман сариққа қўлидаги
қони силкиб турган бўйин гўштини узатди.

– Кун сайин бозордан барака кўтарилаяпти, – деди
у ҳансираб. – Бугун топганим шу бир парча чандир
бўлди.

– Ношукр бўлма, Хушмурод, – деди Сарман сариқ
гўштни чамалаб кўраркан. – Ҳозир шу чандир ҳам
кўчада ётмайди.

– Бунинг чумчуқнинг кўзидеккина жойини сер-
пиёз қилиб қовуринг, – деди Хушмурод столга жой-
лашиб ўтираркан. – Кейин битта анави “бўйни узун
бойўғли”дан берасиз.

Сарман сариқ кулимсираб бош чайқаганча нари
кетди.

* * *

Ўтаган бува бозордан хуржун елкалаб чиққанида
Шоймирза эшак ёнида уйга қайтишга ҳозир но-
зир бўлиб турарди. У иккита каттагина елим халтани
тўлдириб бозор-ўчар қилган, уларнинг биридан яп-янги
тош ковушнинг ялтироқ тумшуғи кўриниб турарди.

– Дов-дасканг зўр-ку, гуппи, – деди Ўтаган бува
истеҳзо билан. – Шу туришишда эчки эмас, новвос сот-
ган бойваччага ўхшайсан!.. Ие, Ҳошим калтанинг қизи
ҳам тош калиш кийиб, мартабага минар экан-да?

– Анчадан бери бозор ораламовдик... Рўзғорга за-
рур нарсаларни харж қилдик.

Шоймирза хижолатли жилмайиб, тош ковушни
елим халтанинг ичига яширишга уринди.

– Эчкининг пулидан қолдимми, ишқилиб?

– Ҳа, қолди...

Ўтаган бува афсуслангандек бош чайқади.

– Нимага сэрраясан? Бозорлиғингни хуржунга сол! Кетамиз.

Шоймирза пешин вақтида тўлиб-тошиб уйига кириб борди. Ҳовлида ўйнаб ўтирган кенжатоийи шодон қичқириб, у томон югурди:

– Отам бозордан келди!

Сим дорга кир илаётган Бибисора “ялт” этиб дарвоза томонга қаради. Шоймирзанинг қўшалок халта кўтарганча илжайиб кириб келаётганини кўриб, дафъатан қовоқ-тумшуғи осилди. Аламини кўлидаги эрининг кўйлагидан олмақчидек, уни ҳавода қаттиқ-қаттиқ силкий бошлади.

– Аввал битта хўрозқанд беринг-чи, – деди Шоймирза ўғилчасининг сочи қайчи билан қийиб олинган ола-қуроқ бошини силаб. Болакай халталардан кўз узмай, кўлини иштонига тикиб, сўнг отасига узатди. Шоймирза аzza-базза унинг жажжи бармоқларини ўпиб, кўзларини сузганча бош чайқади.

– Бай-бай-бай. Бунча ширин. Асал-е, асал! – Шоймирза халталарнинг биридан хўрозча шаклидаги сопол хуштак олиб, бир-икки марта чуриллатиб пуфлади. – Қалай, зўрми?

Эркатоий мамнун қиёфада бош ирғаб, ҳовлини бошига кўтарганча хуштак чалишга тушиб кетди.

– Халталарнинг ичида яна кўп нарса бор, – деди Шоймирза сирли оҳангда. – Акаларингниям қақриб келсанг, бирга очамиз.

Болакай чўзиб-чўзиб хуштак чалганча кўчага югурди.

Шоймирза елим халтадан ялтироқ тош ковушни олиб, Бибисора томон юрди.

– Бу ёққа қара, хотин...

Бибисора қошларини чимирганча эрига ёвқараш қилди.

– Эчки қани?!

Хотинининг важоҳатини кўриб, Шоймирзанинг тарвузи кўлтиғидан тушди.

– Эчкини сотдим, – деди у кўзларини пирпиратиб.

– Сотган бўлса, нимага ўрнига-ўрин олиб келмади?!

– Келаси бозор оларман...

– Эчкининг пулини бояд-шояд харжлаб келган бўлса, келаси бозор жонлиқни битига оладими? – деди Бибисора нарироқдаги бозорлиқ тўла елим халталарга адоватли қараб қўйиб.

– Арзонроғи учраб қолар. Қара, мен сенга тош ковуш олиб келдим.

– Тош ковуш кийгунча, оёғим синсин! – дея кўзларида ёш ҳалқаланган Бибисора эри узатган яп-янги ковушни силтаб ташлаб нари кетди. Шоймирза нима қилишни билмай довдираб қолди.

– Ундай дема, хотин, – деди у кўлидан учиб кетган ковушларни ердан олиб, чангини артаркан. – Сенам анчадан бери йиртиқ ковушни судраб юрибсан. Кўлимга пул тушса, хотинимга янги ковуш олиб бераман деб ният қилиб юрувдим...

– Одамлар сурув-сурув қўй қилади, йўлини қилиб, уйида борини кўпайтиради. Бу киши йўқ қилишга уста! – деди сув иситилаётган қозон ёнига бориб ўтирган Бибисора қуйилиб келаётган кўз ёшларини енги билан артиб. – Рўзғор ташвиши хаёлигаям кириб-чиқмайди.

– Рўзғор ташвишини ўйламасам, шунча нарсани уйга кўтариб келармидим? – деди Шоймирза ҳам овозини бир парда кўтариб.

– Бу кишини йўлга соламан деб сочим оқарди, – деди Бибисора унинг гапларини эшитмагандек. – Бунча пешонам шўр бўлмаса!..

Бибисора изиллаб йиғлаганча уйга кириб кетди. Шоймирза ҳовли ўртасида қаққайиб туриб қолди. Жаҳл билан кўлидаги ковушни четга улоқтирмақчи бўлди, аммо шу заҳоти фикридан қайтди.

Бу пайтда Ўтаган бува бесаранжом қиёфада ҳовли бўйлаб уёқдан-буёққа бориб келарди. Ҳатто, сабри чидамай, бир-икки марта девор оша Шоймирзаникига ўғринча мўралади. Аммо шу заҳоти ўзини панага олиб, у томондан эшитилаётган гап-сўзларга қулоқ сола бошлади.

– Ҳой, чол, у ерда нима қилаяпти? – деб сўради супада калава йигириб ўтирган Чучук момо ажабланиб.

– Айтмовдимми! – деди Ўтаган бува. – Ҳошим калтанинг қизи бақир-чақир қилиб, ҳовлини бошига кўтараяпти.

– Эр-хотиннинг уриши – дока рўмолнинг қуриши, – деди Чучук момо бепарво оҳангда. – Бугун уришса, эртага ярашади.

– Ўтаган бува Шоймирзанинг эчкисини соттириб, эр-хотинни уриштириб қўйибди, деган маломатга қолишдан қўрқаман, кампир! – деди у девордан узоқлашаётиб.

– Шу эчкидан бошқасига кучим етмади, хотин. Бозорда кимматчилик, – деди кал эчки билан болаларини уйига етаклаб кирган Шодиқул хотинининг кўзларига қарашга ботинолмай.

Мусаллам ноаён кайфиятда кал эчки билан болаларига тикилиб қолди. Шодиқул шу топда гўё ҳаёт-мамоти ҳал бўладигандек, юрак ҳовучлаганича унинг оғзини пойларди.

– Мен нима деган эдим? – деди дафъатан Мусаллам чехраси ёришиб. – Пешона тери билан топилган пулнинг баракаси бўлади, демаганмидим? Шугина пулга бир эмас, учта жонлиқ етаклаб келибди!

Шодиқул ёш боладай қувониб кетди.

– Узиям зотдор эчки экан, ҳар йили эгиз туғармиш.

– Улоқчалари бунча чиройли бўлмаса. Бир қошиқ сув билан ютиб юборгинг келади-я.

Мусаллам кал эчкининг болаларига кўл чўзди. Бироқ улоқчалар ҳуркиб, онасини айланиб қоча бошлади.

– Ўзим сенга улоқчаларни ушлаб бераман.

Шодиқул кал эчкининг арқонини хотинига тутқазиб, лапангланча улоқчаларнинг ортидан югурди. Мусаллам эрининг беўхшов ҳаракатларидан завқланиб, жарангдор овозда кулиб юборди.

Оқшом Шоймирза уйида ёнбошлаган кўйи телевизорда аллақандай ҳиндча кинони томоша қилиб ўтирарди. Эски телевизорнинг экрани хиралигидан қайси кино берилаётганини ҳам аниқлаш мушкул, аммо йигит билан қизнинг жўр бўлиб қуйлаётган эҳтиросли хониши аниқ-тиниқ эшитиларди. Нариги хонада болаларнинг бири олиб бири қўйиб хуштак чаларди. Ҳамон арази тарқаманган Бибисора ҳеч нарсага эътибор бермай, бир чеккада тумтайиб ўтирарди. Шоймирза бот-бот кўз қири билан унга қараб кўярди.

Ногаҳон телевизор ўчиб қолди.

– Қарасанг-чи! – деди Шоймирза хотинига норози қараб қўйиб.

Бибисора ўрнидан туриб, телевизорга бир-икки мушт туширди. Шу заҳоти экран ёришди.

– Янаги бозор эчки олиб келаман дедим-ку? – деди тоқати тоқ бўлган Шоймирза аччиқланиб. – Бундоқ чиройингни очиб ўтирсанг-чи?

– Қачон эчки олиб келса, ўшанда чиройим очилади! – бўш келмади Бибисора ҳам.

Шоймирза жаҳл билан ўрнидан туриб, ташқарига чиқди. Ҳовлида эчкининг бўшаб қолган ўрнига кўзи тушиб, хўрсинди.

Шодиқул кечгача оғилхона ёнидан кал эчки билан болаларига жой тайёрлади. Анча йиллардан бери қаровсиз ётган бир парча ерни супуриб-сидириб тозалади-да, атрофини эски сим тўр билан ўради. Хуллас, тез орада ҳовлида ночоргина кўра пайдо бўлди. Шодиқул кал эчкини ана шу кўранинг ўртасида қоқилган ёғоч қозикқа боғлаб, олдига хашак солди. Анча вақт эчки билан болаларининг курт-курт беда кавшашини завқ билан томоша қилиб ўтирди. Учоқ бошида куймаланаётган Мусаллам чақиргач, ноилож ўрнидан туриб уйга йўл олди.

– Келаси йил ерга эртачи картошка экаман, – дея хотининга гурунг берарди ёғлиққина паловга тўйиб олган Шодиқул босиб-босиб аччиқ кўк чой симираркан. – Худо бераман деса, чумчуқнинг кўзидекина жойдан ҳам оламжаҳон ҳосил олса бўлади. Сотсак, пулига яна беш-олтита эчки оламиз...

Бу пайтда кўрадаги кал эчки худди остидан илон чиққандек безовталаниб, ўзини у ёқдан-бу ёққа урарди. Кутилмаганда унинг бўйнига боғланган арқон бошидан сирғалиб чиқиб кетди. Кал эчки кўранинг омонатлигини сезгандек, унинг бурчагидаги ёғоч устунни шохсиз боши билан итара бошлади. Номигагина ерга қадаб кўйилган устун қийшайиб, ерга қапишиб қолди. Сим тўрнинг устидан ҳатлаб ўтган жонивор гўё бўрининг чангалидан халос бўлгандек, эгиз улоқларини эргаштириб жон ҳолатда ташқарига югурди.

Ҳеч нарсадан беҳабар Шодиқул бу пайтда Мусаллам билан эчкиларни кўпайтириш ҳақида кенгашмоқда эди.

Субҳидам чоғи Ўтаган бува одатдагидек офтоба кўтарганча вазмин қадамлар билан уйдан чиқиб келди. Тонгнинг кумушранг нурларига фарқ бўлиб ётган томорқасига завқ билан термулди.

Кутилмаганда унинг чеҳраси ўзгариб, ранги-кути учди. Ҳазабдан қийиқ кўзлари қонга тўлиб, лаблари пир-пир уча бошлади. Чунки бу пайтда унинг томорқасида Шоймирзанинг кеча бозорда сотилган кал эчкиси эгиз улоқлари билан ўтлаб юрарди.

Чучук момо билиб айтган экан. Бибисора кун бўйи эридан тумшук буриб юрган бўлса-да, барибир шаштидан тушди. Оқшом болалар ухлаб қолгач, каватидан кириб олган эрининг беўхшов хушомадларидан мўмдай эриб кетганини ўзи ҳам билмай қолди. “Битта эчки кетса садқаи сар, ишқилиб, бахтимизга бу киши омон бўлсин” деган ўй кечди эрининг кучоғида эркаланиб ётган Биби-соранинг хаёлидан.

Бибисора сахармардонда ўрнидан туриб, нон ёпиш тараддудига тушди. Меҳри ийиб кетган Шоймирза ҳам тонг уйқусининг баҳридан кечиб, унга эргашди.

– Косовни менга бер, хотин, – деди у терлаб-пишиб тандирда олов ёқаётган Бибисоранинг атрофида парвона бўлиб. – Сен нонларингни олиб чиққунингча тандирга ўзим қараб тураман.

Бибисора эрига ажабланиб тикилди.

– Кўйинг-ей, уят бўлади, – деди сўнгра ёқимли жилмайиб. – Ўзим эплаймаман.

– Биламан, сенгайм қийин, – деди Шоймирза каловланиб. – Катта рўзгор. Ташвишиям кўп.

– Ўрганиб кетганман, – деди Бибисора эрининг меҳрибончилигидан таъсирланиб. – Худога шукр, Шоймирзанинг ҳам бўйи чўзилиб қолди. Ҳадемай қаторимга киради.

– Энди менам далага чиқиб ишлаймаман. Бир-икки танга орттисак, яна эчки-мечки оламиз. Ўзи, ҳозирги замонда мол-ҳолдан фойда...

Шу пайт девор ортидан Ўтаган буванинг бақирчақари эшитилиб, эр-хотин ўша томонга юзланишди.

– Ҳа, уйгинанг куйгур, шумоёқ, касофат! – дея шанғилларди Ўтаган бува. – Қариган чоғимда белим букчайиб, шунча экин-тикинни сенинг гўммик қорнингни тўйдириш учун кўкартириб ўтирибманми?!

– Ҳамсоя бува нимага эрталабдан кекирдагига зўр бериб қолдйкин? Ё...

Девор тагидан “лоп” этиб кал эчки билан болалари чиқиб келди-ю, Шоймирзанинг гапи бўғзида қолди. Эр-хотин бир-бирига бақрайганча ҳайкалдек қотиб қолишди.

Бироздан сўнг дарвоза ғижирлаб очилиб, Ўтаган бува ҳовлига бостириб кирди.

– Бу шумғияни соттириб ҳам қутулмайманми?! – деб бақирди у йиғламоқдан бери бўлиб. – Ўлдираман уни!

– Менга нима дейсиз? – деди аллақачон эс-хушини йиғиб олган Шоймирза ҳам бўш келмай. – Эчкини аллақачон сотганман! Қанча дардингиз бўлса, бориб эгасига айтинг.

Ўтаган бува дафъатан бўшашиб қолди. Унинг бояги важоҳати тумандек тарқаб, қисик кўзларидаги ғазаб ўрнини алланечук умидсизлик эгаллади.

– Эгасини қаердан топаман бу касофатнинг, – деди у тушкун кайфиятда. – Эсимни эчки есин менинг! Бу лаънатини сотишга-сотибман-у, бир оғиз унинг кимлигини, қайси қишлоқда яшашиниям сўраб қолмабман.

– Гапингиз тўғри, – деди Шоймирза ҳам ўйлианиб. – У бечораям териси юпқароқ кўринганди. Эрталабдан зор қақшаб эчкисини ахтариб юрган чиқар.

Шу пайт Бибисора ошхонадан челак кўтариб чиқди.

– Эчкини ушлаб турсин, – дея шивирлади у Шоймирзага яқинлашиб. – Бир-икки қошиқ соғиб олай, болаларга пишириб бераман.

– Э, йўқ, – дея бош чайқади Шоймирза. – Энди бу эчкида бизнинг ҳақимиз қолмади. Бировларнинг ризқига шерик бўлиб ўтирсак, инсофдан бўлмас.

Бибисора ноилож ортига қайтди.

– Бўлди-бўлди! Чорасини топдим, – деди ўйга толиб ўтирган Ўтаган бува кутилмаганда жонланиб. – Кўнглинг тўқ бўлсин, гуппивою, қочоқ махлуқингни эсон-омон эгасининг кўлига қўш-қўллаб топширамыз.

– Хўш?

– Эчкингни яна бозорга соламыз.

Шоймирза Ўтаган буванинг ниятини уқиб олмоқчидек унинг кўзларига тикилди.

Эрталаб кал эчкининг жойида йўқлигидан хабар топгач, Шодиқулнинг кўзига дунё қоронғи кўриниб кетди. Қишлоқ бўйлаб зир югуриб эчкини ахтаришга тушди. Уйма-уй кириб, одамлардан суриштирди. Аммо ҳеч қаерда эчкининг дарағи чиқмади. Жонивор эгиз

улоқлари билан ерга кириб кетгандек, изсиз ғойиб бўлган эди.

Шундан сўнг Шодикул қишлоқда “мол ўғриси” дея ном чиқарган, бу “хунари”нинг шарофати билан бир муддат қамалиб ҳам чиққан Омон тирриққа дохил бўлди. Унинг уккинидек совуқ боқувчи қонталаш кўзларига қарашга юраги бетламай, ўзининг кўл учиди кун кўриши-ю, амал-тақал қилиб олган эгиз улоқли кал эчкиси оқшом йўқолиб қолганини айтиб ҳасрат қилди. Мободо кимдир унинг жонлиғини кўрган бўлса ёки қаердалигини билса, қайтариб берса, суюнчисини берар эди...

– Кўпам чайналаверманг, Шодикул ака, – деди энсаси қотган Омон тирриқ унинг дийдиёсини шартта бўлиб. – Ўғирлайман десам, бойваччаларнинг кўрасида семизликдан кўйруғини кўтаролмай ётган кўчқорлар озми? Сизнинг тирриқ эчкингизга куним қолгани йўқ. Бу гапни бир гапирдингиз, бошқа тилингизга олманг. Энди тезроқ бу ердан туёғингизни шиқиллатинг!

Шодикул тушга яқин ҳориб-чарчаб уйига қайтди.

– Камбағални туянинг устида ҳам ит қопди, хотин! – дея ҳасрат қилди қаршисидан чиққан Мусалламга. – Энди оғзимиз ошга етди деганда битта эчкидан ҳам ажралиб ўтирибмиз...

– Яхшилаб излаштира, дараги чиқиб қолар?..

Шодикул ҳалимдеккина феъл-атворига ярашмаган бир тарзда хотинига ўқрайиб қаради-да, индамай уйга кириб кетди.

“Мол аччиғи – жон аччиғи” деб бекорга айтишмаган экан. Шодикул йўқолган эчкисига қаттиқ қайғурди. Кўп асабийлашганидан ҳатто, қишин-ёзин далада юра-вериб бир неча йил бурун орттирган бод касали кўзиб, уйда гум-гурс ётиб қолди.

Кечга яқин тоғаси Бойғози оқсоқол ундан ҳол сўраб келди.

– Ноумид бўлма, жиян, – деди у Шодикулга тасалли бериб. – Эчки деган жонивор пўстакка тушган бурга эмаски, дом-дараксиз кетса. Молинг топилади. Ким ўғирлаган бўлсаям, эрта-бир кун уни бозорга солиши аниқ. Яхшиси, сен эчкингни бозордан қидир.

Бу гапдан сўнг Шодикулнинг кўнглида умид учқуни пайдо бўлди. У сабрсизлик билан келаси бозор кунини пойлай бошлади.

Ўтаган бува билан Шоймирза якшанба куни эрта-лаб қочоқ эчкини етаклаганча мол бозорига етиб боришди.

Дарвоза олдида мол сотувчилардан пул тераётган таниш чиптачиларга кўзи тушиб, Шоймирзанинг кайфи учди.

– Бировнинг эчкисигаям мен бадал тўлайманми?

– Бу гал эчкига мен чек оламан, – деди Ўтаган бува хотиржам қиёфада.

– Ҳазиллашмаяпсизми?

Ўтаган бува унинг гапига жавоб бермай, кал эчкини етаклаганча чиптачиларга яқинлашди.

– Вой, манави улоқчалар бунча ширин! – деди икки бети сиртига тухум сариғи суртиб пиширилган сомсадек ялтираб турган бақалоқ танглайини такиллаб. – Ушлаб олиб, еб кўйинг келади-я!

– Уч юз сўм! – Қилтириқнинг амирона овози янгради.

– Ўтган ҳафта шу эчки билан болаларига икки юз сўм олган эдингиз-ку? – деди Шоймирза кулоқларига ишонмай. – Ҳисобда адашдингизми дейман...

– Чекнинг нархи ошди!

– Кўпга келган тўй-да бу, укажон, – деб Ўтаган бува эринмасдан эчкининг арқонини дарвоза устунига боғлади-да, чопонининг этагини кўтариб, азда-база иштонбоғини ечишга тушди. – Чек пулини бермасак, бозорга киролмаймиз.

– Бу нима қилиқ? – деди Ўтаган бува унинг ҳаракатини ажабланиб кузатиб турган қилтириқ пешонасини тириштириб.

– Уч-тўрт тангани кампирдан яшириб, иштоннинг липпасига тугиб қўйувдим, – деди Ўтаган бува пинагини бузмай. – Моғорлаб кетмаган бўлсин, ишқилиб.

Ўтаган бува йўлни тўсиб қўйгани боис мол бозорининг торгина дарвозаси бир зумда тирбанд бўлиб кетди. Орқада мол-ҳол етаклаган одамларнинг “Нима гап?”, “Тезроқ юрмайсизми?”, “Эчкингни ол!” деган норози гап-сўзлари эшитила бошлади. Бундай бўлишини кутмаган қилтириқ нима қилишни билмай, шошиб қолди.

– Сассиқ пулингиз ўзингизга сийлов, – деди у жаҳл билан афтини буриштириб. – Тезроқ йўлни бўшатиң!

Ўтаган бува ҳам шуни кутиб тургандек чаққонлик билан кал эчкининг арқонини ечиб олиб, уни ичкарига судради. Шоймирза таёқ сермаганча улоқларнинг ортидан ҳайдади.

– Улоқчалардан зўр димлама пиширса бўларди, – деди ҳамон эгиз улоқчалардан кўз узолмай турган бақалоқ тамшаниб.

– Беш юз сўм!

У шеригининг овозидан ўзига келиб, шу заҳоти патта йиртди.

Ўтаган бува билан Шоймирза эшак бозори ёнида оёқ илишди.

– Баччағарларни бопладингиз, Ҳамсоя бува...

– Сен қочоқ эчкингни шу ерда ушлаб тур, – деди Ўтаган бува унинг мақтовига эътибор бермай. – Мен тезроқ Кўчар жарчини топай.

– Мободо, эчкининг эгаси келиб қолса, нима қилай?

Ўтаган бува, “шуниям билмайсанми” дегандек унга ўқрайди.

– Нима қилардинг? Қўлига қўш қўллаб топширасан-да!

– Хўп-хўп, – деди Шоймирза отасидан дакки эшитган гўдақдек кўзларини пирпиратиб.

Ўтаган бува кўздан ғойиб бўлгач, Шоймирза қизикиш билан теваракни қузата бошлади. Сал нарида қизгин давом этаётган эшак савдосига кўзи тушиб, кал эчкини судраганча ўша томонга юрди.

Миқти гавдали даллол чол қора эшак ушлаган кишининг кўлини зўр бериб силталар, бир гала томошата-лаблар бу манзарани диққат билан кузатиб туришарди. Эшак эса бу машмашаларнинг ўзига заррача алоқаси йўқдек, кулоқларини осилтирганча мудрарди.

– Яхши нарх бўлди! – деди даллол чол ҳансираб. – Бундан ортиғини бозор кўтармайди. Баракасини бер энди!

– Бозор кўтармаса, қайтариб кетавераман, – деди сотувчи пинагини бузмай. – Сиз айтган нархга ханги ту-гул, минги бўлмаган курра ҳам бермайди.

– Гапини қаранглар бунинг! – дея даллол чол атрофида давра қурган одамларга асабий тарзда кўз югуртириб олди. – Бу кишим яғир эшагини гижингланган тулпорнинг пулига сотмоқчимиз дейман?

Даврадагилар чолнинг гапини маъқуллаб бош ирғашди.

– Қора хангининг нархи қанча бўлди? – сўради Шоймирза яғир телпагини кўзигача бостириб кийган кишидан.

– Даллол эллик мингга тилаяпти.
– Эллик минг?! – Шоймирза қулоқларига ишонма-
гандек яғир телпакига анграйиб қаради. – Битта ҳаром
эшакнинг баҳоси шунча эканми?
– Шунгаям кўнмай, тайсаллаб турибди.
– Эллик мингга бизнинг эчкидан бир сурувини
беради-ку? – деди Шоймирза зарда билан. – “Замона-
нинг тўзгани – отдан эшак ўзгани” деб шуни айтишади-
да!

Шоймирза асабий тарзда эчкисини судраб нари
кетди. Яғир телпаки киши унинг ортидан ҳайрон қараб
қолди.

Бу гал Хушмуроднинг ҳадеганда омади чопавер-
мади. Охири ўйлаб ҳам ўтирмай ранг-баранг матолар
ёйиб қўйилган газмол растаси томонга юрди. Харидор-
лар орасидан ўғри мушукдек суқилиб кириб, бир бўлак
матога қўл чўзди. Кутилмаганда газмол ўлчагич таёқ
қўлига шарақлаб тушиб, ўтакаси ёрилаёзди.

– Беш газлик атласни ўғирлаганинга бир ой ҳам
бўлгани йўқ! – деди бақбақалари осилган сотувчи аёл
қовоқ уюб. – Ўғри бўл, инсоф билан бўл-да, Хушму-
род!

– Хотиним атлас буюрувди! – дея тўнғиллади оғ-
риқдан афти буришиб кетган Хушмурод таёқ изи қолган
қўлини силаб. – Ёқса, сотиб олмоқчийдим.

– Топган баҳонасини қаранглар бунинг. Жўна бу
ердан! Бирон ойсиз кўзимга кўринма!

– Бўпти-бўпти! Кўпам шанғиллайверма, – деб
Хушмурод растадан узоқлашди. – Бир парча латтани-
ям кўзи қиймайди бу қурумсоқ. Латофат булка!..

Бироздан сўнг Хушмурод олди-сотди қизгин давом
этаётган қуруқ мевалар растасини оралаб борарди. Шу
пайт одамлар орасидан туртиниб-суртиниб ўтиб келган
Кўчар жарчи билан Ўтаган бува сал нарида тўхташди.
Кўчар жарчи қаттиқ-қаттиқ йўталиб олиб, қўлларини
озига карнай қилганча жар солишга тушди:

– Аюҳаннос-аюҳаннос! Халойиқ, бир муддат на-
фас ростлаб, Кўчар жарчининг нидосига қулоқ тутинг!..
– Бозордаги ғала-ғовур бироз пасайиб, сотувчи-ю хари-
дорлар қизиқиш билан у томонга юзланишди. – Ўтган
ҳафта уймовутлик Шоймирза полвон бозорда зотдор
кал эчки сотган! Ўрта бўйли, қорача ранг-рўйли бир йи-
гит эгиз улоқли эчкига эга чиққан! Лекигин эчкиси қурғур
шу оқшом бўшалиб, Шоймирза полвоннигига қочиб
борган! Иймон-инсофли Шоймирза полвон жонлиқни
эгасига қайтарай деса, унинг на отини билади, на зоти-
ни! – Кўчар жарчининг ортида ғўддайиб турган Ўтаган
бува унинг гапларини маъқуллаб бош ирғади. – Ўйлай-
ўйлай Шоймирза полвон, кал эчкини яна бозорга сол-
ган! Эгаси чиқса, олиб кетар деган хаёлга борган! Шу
жигитни кўрган-билганлар бўлса, хабар берсин, у бо-
риб, эшак бозордан эчкисини олиб кетсин!.. Аюҳаннос-
аюҳаннос!..

Кўчар жарчи билан Ўтаган бува бошлашиб гилам
расталари томонга юришди. Хушмурод уларнинг орти-
дан қараб қолди.

Майиз сотаётган оппоқ соқолли чол қўлини қулоғига
тутиб, Кўчар жарчининг сўзларига диққат билан қулоқ
тутди, аммо унинг овозасини яхши англай олмади.

– Бозорнинг муллатўрғайи нима деб бўзляпти, Мў-
мин? – деб сўради у ёнидаги туршакфуруш йигитдан.

– Битта эчкининг эгаси йўқолиб қолибди, – дея кул-
ди йигит. – Шунинг дарагини суриштириб юрибди.

– Эчкининг эгаси йўқолиб қолибди?.. У қандай эчки
экан?

– Эгиз улоқли, зотдор эчки эмиш!
Йигитга қараб яна оғиз жуфтлаётган чол тепасида
қаққайиб турган Хушмуродни пайқаб қолди.

– Келинг, болам, Шаҳрисабзнинг сояки майизи, –
деди уни харидор деб гумон қилган чол ёшига яраш-
маган чаққонлик билан қўлбола тарозининг палласига
майиз солаётди. – Неча кило тортай?

Хушмурод эс-хушини йиғиб олиб, майизфуруш
чолга ажабланиб тикилди. Сўнг ортидан ёв қувгандек,
мол бозори томон зиппиллаб жўнади.

Расталар орасидаги торгина йўлақда чумолидек
уймалашиб ётган одамлар орасидан зўрға илгарилаб
бораётган Ўтаган бува нимадир эсига тушгандек сергак
тортиб, шеригига юзланди:

– Айтгандай, анави шўркудуклик чопағоннинг
қашқа бедови топилдими?

– Топилди, – деди Кўчар жарчи бепарво оҳангда.
– Учкапалик бир йигит жониворни ушлаб, эгаси чиқиб
қолар деб кўрасига боғлаб қўйган экан. Шу куни ўзи
бозорга келолмай, бир-иккитасидан тайинлаб юборган
экан.

– Суюнчиси нима бўлди?

– Кечга яқин Жоби полвоннинг мошинасига жай-
дари қўчқорни ортиб Учкапага жўнадик, – деди Кўчар
жарчи жилмайиб. – Лекин учкапалик шоввоз ҳам наза-
ри тўқ йигит экан, суюнчи-муюнчи керак эмас деб туриб
олди. Жоби полвон эса “менам лафзидан қайтадиган
номард эмасман” деб тихирлик қилаяпти. Ўртада
ҳирсдай қўчқор овораи-сарсон. Охири ўзим орага ту-
шиб, бу муаммони ҳам ҳал қилиб бердим.

– Нима қилдингиз? – сўради Ўтаган бува қизиқиб.

– Жайдари қўчқорни ўша ердаёқ сўйдирдим, – деди
Кўчар жарчи муғомбирона илжайиб. – Учкападаги зиё-
фат ярим оқшомгача давом этди. Мезбон ҳам топган-
тутганини дастурхонга тўкиб ташлади. “Қўйнидан
тўкилса, кўнжиги” деганларидай, ўзимиз олиб борган
жонлиқни ўзимиз еб-ичиб келдик. Хуллас, қуйруқ-бовур
еб, бизнинг ҳам ичакларимиз мойланиб қолди.

– Жуда қизиқ иш бўпти-ку, – деди Ўтаган бува ҳам
кулиб. – Ҳалиям шундай валломат йигитлар бор экан-
да!

Бу орада улар гилам расталарига етиб келишди.

Ранг-рўйи сўлиб, кўзлари киртайиб қолган Шодикул
теваракка олазарак кўз югуртириб, мол бозорини
оралаб юрарди. У рўпарасидан чиққан ҳар бир эчки-
га диққат билан тикилар, ўзиники эмаслигига ишонч
ҳосил қилгач, ҳафсаласи пир бўлиб яна йўлида давом
этарди. Дафъатан бир чеккада пачоққина йигит ушлаб
турган кал эчки унга таниш туюлди. Кўзларига ишонма-
гандек унга зингил солиб қаради. Оппоққина кал эчки!
Эгиз улоқчалариям бор!..

Шодикул ҳаяжондан қалт-қалт титраганча ўша то-
монга юрди. Ўзгалар савдосини хомуш кузатиб турган
йигит жонланиб, унга яқинлашди.

– Шугина эчкини олинг, ака, барака топасиз, – деди
йигит ялинчоқ овозда. – Ўзи зотдор эчки, ҳар йили эгиз
туғади!..

Шодикул шартта унинг билагидан ушлади.

– Эчкинг кал экан-ку, ошна! – деди киноя аралаш
ғазаб билан. – Кал эчкининг харидори кам бўлади!

– Ўзи кал бўлсаям, болаларининг шохи бор, –
деди йигит Шодикулнинг ўзини тутишидан ажабланиб.
– Ишонмасангиз, ана, кўринг!..

Шодикул йигит имо қилган томонга қаради.
Дарҳақиқат, кал эчкининг пинжиги суқилиб олган

улоқчаларнинг бошида бошмолдоқдек-бошмолдоқдек мугузчалари бўртиб турарди. Шодиқул кўзларига ишонмагандек дам эчкига, дам улоқчаларга термулди.

– Кал эчкининг шоҳдор улоқ туққанини энди кўришим, – деди у тарвузи кўлтиғидан тушиб. – Бу дунёнинг ишлари қизиқ экан-да...

Шодиқул ғамгин қиёфада йигитдан узоқлашди.

– Эчимиз ёқмадим, ака?

– Бунинг улоқлариям кал бўлганида олардим... Бизнинг ишқимиз кал жонлиқларга тушган.

Йигит аламини эчкидан олмоқчидек, унинг шалпанг қулоқларига шапатилади.

– Сен бедаво махлуққа дуо кетганми, нима бало! Уч ҳафтадан бери биров бурилиб қарамайди...

Даллол билан сотувчи мурсога келишиб, эшак савдоси ниҳоялади. Чол ёнидаги харидордан бир даста пул олиб, унинг кўлига тутқазди. У шошилмасдан пулни санагач, харидор билан қўл олишиб, эшакнинг баракасини берди. Давра қурган одамлар ҳам аста тарқалишди.

– Қора ҳанги қанчага сотилди? – дея сўради Шоймирза яғир теппакли кишидан.

– Эллик беш мингга!

– Ў, баччағар-ей! – дея бош чайқади Шоймирза. – Ўзи бу замонда эшак пул бўлибди-да, а?

– Нима деяпсиз, ука? – деди деди яғир теппакли киши кулиб. – Ҳалиям Эшонқул даллол эшакнинг эгасини илондай авраб, анча арзонга кўндирди.

– Йўғ-ей?!

– Ана, қаранг, жонивор ўзиям нақ бойловдан чиқарилган тулпордай тайранглайди!

– Ҳа, Эшонқул даллол хоҳласа отни эшакнинг нархида олиб, эшакни отнинг баҳосига сотади, – дея бош чайқади унинг шериги.

Шоймирза қора ҳангига ажабланиб тикилди.

Бу пайтда ҳаллосланганча эшак бозорига етиб келган Хушмурод сал нарида тўхтаб, Шоймирзани синчковлик билан кузата бошлади. Ниҳоят, бир қарорга келиб, шахд билан келиб унинг ёқасига ёпишди.

– Муттаҳам, ўғри! Кўлга тушдинг-ку!

Шоймирза бундай фавқулдда ҳаракатдан бутунлай шошиб қолди.

– Эби-эби... Мен ўғри эмасман, ака!

– Қўлингдаги эчки ўғирлик мол бўлмай, катта бувангдан қолган меросми?! – дея ўшқирди Хушмурод Шоймирзанинг кекирдагини узиб олмоқчидек унинг бўйнига қўл чўзиб. – Бу эчкини ўтган ҳафта укам бозордан сотиб олувди. Сен уни ўғирлагансан!..

– Э, сиз ўша йигитнинг акаси бўласизми? – деди Шодиқул бу гапдан ёш боладай қувониб. – Худога шукр-ей! Ўзимиз ҳам сизларни излаб юрган эдик.

– Эчимизни ўмариб, яна ўзимизни излаб юрган эмиш! – дея Хушмурод кутилмаганда Шоймирзанинг чап юзига шапалоқ тортиб юборди. – Мени шу гапингга ишонадиган аҳмоқ деб ўйлаётганми?

– Бу нима қилганингиз?! – деди кўрқувдан кўзлари ола-кула бўлиб кетган Шоймирза тарсаки изи билиниб қолган юзини силаб. – Ўтган ҳафта бу эчкини укангизга мен сотган эдим...

– Ўзинг сотиб, ўзинг ўғирлабсан-да!

Хушмурод унинг нариги юзига ҳам шапалоқ туширди.

– Урманг-ей! – деб Шоймирза жон ҳолатда Хушмуроднинг кўлига ёпишди. – Сиз мени Хушмуродга тенглаштирманг...

Хушмурод ўз исмини эшитиб, дафъатан бесаран-

жомланиб қолди. Нимадир эсига тушгандек тевааракка хавотирли қараб қўйди. Аммо яқин орада ҳеч ким йўқ эди.

– Хуллас, бу эчкини ўтган бозорда укангизга биз сотган эдик, – дея тушунтира бошлади Шоймирза унинг бироз бўшашганидан руҳланиб. – Бироқ эчкиси қурғур ўша оқшом уйга қочиб борибди. Тузукроқ боғланмаган бўлса, бўшалиб кетган-да! Аксига олиб, бизам укангизга эчкини сотибмиз-у, унинг кимлиги, қайси қишлоқда яшашиниям сўраш эсимизга келмабди. Ўйлаб-ўйлаб, эгаси чиқиб қолар дея бозорга етаклаб келавердик.

– Ия, шундайми?!

– Кўчар буваям эчкининг эгасини дараклатиб, бозорда жар солиб юрибди. Эшитмадингизми?

– Йўқ, эшитмадим, – Хушмурод кал эчки билан эгиз улоқларига қараб ютиниб олди. – Хўп, гапларингга ишондим. Энди эчкини менга берақол! Ўзим уйга етаклаб кетаман.

Шоймирза эчки эгасининг тўсатдан безовталаниб, тараддудга тушиб қолганидан ажабланиб.

– Айтгандай, укангизнинг ўзи кўринмайди?

– Эй, сўрама! – деди аллақачон Шоймирзанинг кўлидаги арқонни тутамлаб ушлашга улгурган Хушмурод бош чайқаб. – Укам камбағал, эчкисидан айрилганига чидолмай, касал бўлиб қолди! Ўрнига ўзим келавердим.

– Омонатини эгасининг ўзига топширганимда яхши бўларди-да, – деди Шоймирза эчкининг арқонини унга беришни-да, бермасликни-да билмай.

– Касал ётган одамни елкамда опичлаб келишим керакмиди?! – деди Хушмурод Шоймирзани таппа босиб ургудек важоҳат билан. – Нима, менга ишонмаясанми?

– Ундай деяётганим йўқ, – деди кўнглига алланечук шубҳа оралаган Шоймирза каловланиб. – Сўраганинг айби йўқ, укангиз қандай одам?

– Ай, оғайни-я, сен мени ким деб ўйлаётсан? – деди Хушмурод хафа бўлиб. – Битта кўтир эчкини деб одамни шунчалик қилиш яхшими?... Майли, сен сўрадинг, мен айтаман, укам паст бўйли, қорача ранг-рўйли одам! Тўғрими?

– Тўғри, – деди Шоймирза оғир сўлиш олиб. – Эчкингизни бераман. Лекин бироз шошманг. Ҳадемай ўтаган бува билан Кўчар жарчи ҳам келиб қолишад...

– Э, ўша сассиқ чолларингни бошимга урамми? – Хушмурод бир силтаб Шоймирзанинг кўлидан эчкининг арқонини юлиб олди. – Тезроқ бориб, укамни хурсанд қилай. Бечора ҳалигача кўкрагини захга бериб ётгандир.

Хушмурод кал эчкини диконглатиб судраб кетди. Эгиз улоқчалар ҳам онасига эргашди. Шоймирза илон авраган бақа каби бир муддат серрайиб туриб қолди. Сўнг илкис эсига тушиб, Хушмуроднинг ортидан овоз берди:

– Айтгандай, укангизга тайинланг, бундан кейин эчкининг бўйнидан боғламасин. Чунки калласида шохи йўқ, арқон сирғалиб чиқиб кетиши мумкин. Нўхталаб кўйгани тузук...

Субҳи содиқдан мол бозорини бесамар кезавериб обдон толиққан Шодиқул холисроқда тўрва соқолли шоҳдор така ушлаган кишининг ёнида ўтириб, унга дардини дастурхон қиларди:

– Зотдоргина эчки эди, ака. Мунчоқнинг кўзидеккина эгиз болалариям бор эди. Кўпайса, рўзгорга барака

келтирар деб умид қилувдим... Бир кечада ўғирлаб кетишди!

– Ўғри деган занғар эчкингни бозорга чиқариб ўтирармиди? – деди таканинг эгаси шанғи товушда. – Бир ҳафтадан бери улоқларигача сўйиб, жигилдонига жойлаб юборган чиқар.

– Билмасам, – деди Шодикул бу гапдан баттар умидсизланиб. – Эти устихонига ёпишган қари эчкининг гўшти кимнинг жонига дори экан...

Узун соқолини селкиллатганча кавш қайтараётган шохдор така гўё Шодикулга ичи ачиётгандек, унга қараб маъраб қўйди. Шодикул ҳам жониворга ўйчан тикилиб қолди.

Шу пайт шовқин-суронга қоришиб ётган мол бозори узра Кўчар жарчининг бўғиқ нидоси янгради:

– Ўтган ҳафта уймовутлик Шоймирза полвон, бозорда эгиз улоқли кал эчки сотган! Ўрта бўйли, қорача ранг-рўйли бир жигит шу жонлиқларга эга чиққан!.. Лекигин эчкиси қурғур оқшом бўшалиб, Шоймирза полвонни кикига қочиб борган! Иймон-инсофли бу одам эчкини эгасига қайтарай деса, на отини билади, на зотини!..

– Кал эчки дейдими? – деди таканинг эгаси ажабланиб. – Эгиз улоқлариям бор эмишми?

Шодикул унга жавоб ҳам қайтармасдан оёғини қўлига олиб ўша тарафга югурди...

Бироздан сўнг Кўчар жарчи, Ўтаган бува ва Шодикул шодон кайфиятда эшак бозорига йўл олишди.

– Эчкидан умидимни узиб қўйган эдим, – деди Шодикул хурсандчиликдан терисига сиғмай. – Бу яхшилигингиз ҳеч эсимдан чиқмайди, амакилар. Мендан қайтмаса, худодан қайтсин.

– Зотдор махлуқингни ўзинга қайтармасам, менинг ҳам кўнглим жойига тушмасди, – деди Ўтаган бува муғомбирона илжайиб. – Дунёнинг нариги чеккасидан бўлса ҳам топардим сени.

– Менам эрталабдан бери кекирдакка зўр беравериб, овозимда овоз қолмади, – деб Кўчар жарчи қириниб-қириниб йўталиб олди.

– Ассалому алайкум!

Қаршисида илжайиб турган Шоймирзани кўриб Ўтаган буванинг қийиқ кўзлари баттар қисилиб кетди.

– Бу ерда нимага куйдирган калладай тиржайиб турибсан?

– Сизларни ахтариб юрган эдим, – дея кулди Шоймирза. Шодикулга кўзи тушиб, беозор кўзларини пирпиратди. – Ия, сиз ҳам касал ҳолингизга бозорга чиқдингизми?

– Мен касал эмасман, – деди Шодикул хавотирланиб. – Менинг эчким қани?

– Зотдор жонлигингиз эгиз улоқларини эргаштириб уйингизга кетди, – Шоймирза ўз ҳазилидан ўзи завқланиб кулди.

Кўнглига ҳадик оралаган Шодикул мадад кутгандек Ўтаган бувага мўлтиради.

– Эс-ҳушинг жойидами, гуппи! – деди Ўтаган бува. – Нималар деб алжираяпсан?

– Эчкини бу кишининг акасининг қўлига топширдим...

– Нима?.. Менинг ҳеч қандай акам йўқ!

– Э... нега акангиз йўқ бўларкан? – деди Шоймирза додираб. – Ўзингиз эчкининг дардида узликиб қолиб, бозорга акангизни юборган экансиз-ку?

– Шўрим қуриб қолди!

Шодикул бошини чангаллаганча ўтириб қолди.

– Лақма бўлмай ўл, Ҳалман гўдак!

– Эчкини Хушмурод ҳалоллаб кетганга ўхшайди, – деди Кўчар жарчи бўғиқ товушда.

– Ўша одам қайси томонга кетди?

– Анави ёққа! – додираб қолган Шоймирза дарвоза томонга имо қилди.

– Йироқлаб кетмаган бўлса, етиб оламиз.

Шодикул гавдасига ярашмаган важоҳат билан дик этиб ўрнидан турди.

– Қўлимга тушса, соғ қўймайман! Баччағарнинг бўйнига арқон солиб етаклайман!

– Тезроқ юринглар! – Ўтаган бува унга ғалати қараб қўйди-да, ташқарига йўрғалади. Бошқалар ҳам унинг кетидан эргашди.

Қаҳрамонларимиз бозор ташқарисидан узун-қисқа бўлиб югуриб боришар, от-эшак минган, пиёда уйларига қайтаётган бозорчилар уларни хайрон кузатиб қолишарди. Шу пайт серқатнов йўл чеккасида эгиз улоқли кал эчки етаклаб кетаётган кишининг қораси кўринди.

– Ушланглар ўғрини!

Ўтаган бува жадаллаб бориб, унга чирмовуқдек ёпишди. Эчки эгаси ажабланиб орқасига ўгирилди. Аммо у Хушмурод эмас, бу гал ҳам кал эчкисини сотолмай уйига қайтаётган бояги йигит эди. Бургутнинг чангалига тушган қуён каби дағ-дағ қалтираётган йигит камзулининг ёқасидан тутиб, ўзини пўстақдек силтаб ётган Ўтаган бувага гап-сўзсиз бақрайиб қараб турарди.

– Ўғри ўймоқ – бозордаги чўймоқ! Қўлга тушдинг-ку!

Бошқалар ҳам бирин-кетин етиб келишди.

– Эчкини бошқа одам олиб кетувди, – деди Шоймирза ажабланиб. – Бирпасда бу йигитнинг қўлига қандай тушиб қолди?

– Ёқамни қўйиб юборинг, – деди йигит ниҳоят ўзига келиб. – Эчки ўзимники! Бозорда сотолмай, уйга қайтариб кетаяпман!

– Бу бола Хушмурод эмас, – деди Кўчар жарчи ҳарсиллаб.

– Эчкиям меники эмас, – деди Шодикул ҳафсаласи пир бўлиб. – Бунинг улоқларининг калласида шохи бор. Ана, қаранг!

Ўтаган бува эгиз улоқларнинг калласида бошмолдоқдек-бошмолдоқдек мугузчалари бўртиб турганини кўриб, кўзларига ишонолмай қолди.

– Бир пасда бу улоқларга шох қаердан битиб қолди? – деди у каловланиб.

– Болаларининг шохини айтмаса, бу жонивор биз ўғирлатган эчкига икки томчи сувдай ўхшайди, – деди Шоймирза елка қисиб. – Яна билмасам...

– Бу дунёда одам-одамга ўхшаганидай, эчкилар ҳам бир-бирига ўхшайди-да, – деди бироз нафас ростлаб олган Кўчар жарчи пешонасидаги терни чакмонининг ени билан сидириб.

– Боя манави киши бозорда “нимага эчкинг кал, улоқларининг шохи бор” деб дағдаға қилувди, – деди Шодикулга кўзи тушган йигит аламли қиёфада. – Энди сиз мени ўғрига чиқараяпсиз. Қанақа одамсизлар ўзи?!

Ўтаган бува унинг ёқасини бўшатиб, кемшик тишларини кўрсатиб кулди.

– Хафа бўлма, болам, сен билан бир ҳазиллашдик. Янаги бозор келсанг, ўзим эчкингни сотиб бераман... Қани, кетдик. Тезроқ Хушмуродни топайлик.

Тўртовлон яна олға интилишди. Кўз очиб-юмгунча юз берган бу воқеадан ҳамон ўзига келолмаган йигит гарангсиган қиёфада уларнинг ортидан қараб қолди. Сўнг эчкининг арқонини силтади:

– Тезроқ юр, ҳаром қотгур! Сенинг касрингга сал бўлмаса, ўғрига чиқиб, элнинг орасида сазойи бўлаёздим.

* * *

Изларсан, топарсан, деб бекорга айтишганми, садаганг кетай машойихлар! Ниҳоят, Шодиқулнинг ўғирланган кал эчкини ҳам топилди. Аммо не кўз билан кўришсинки, жониворни учкапалик Беғали қассоб етаклаб, эгиз улоқчаларини эшакнинг устидаги тароқи хуржуннинг икки кўзига жойлаб олган эди. Маълум бўлдики, Хушмурод курғур аллақачон жониворни унга сотиб, жуфтакни ростлаб қолган экан.

– Асли, эчки олиш ниятимиз йўқ эди, – деди бор гапдан хабар топган Беғали қассоб пинагини бузмай. – Бозордан чиқишда биттаси, пул жудаям зарил эди, шу эчкини сотиб олинг, деб елимдай ёпишиб олди. Шўгина банданинг муродини ҳосил қилсак савоб бўлар, деган хаёлда йўқ деёлмадик.

– Наҳотки, Хушмуродни танимаган бўлсангиз? – деб сўради Ўтаган бува ишонқирамай.

– Мен ундай одамни танайманам-билмайманам, – деди Беғали қассоб кўзларини осмонга қадаб.

– Шундайми, – Ўтаган бува унга синовчан тикилди.

– Ўша шоввоз қайси томонга кетди?

– Яна қайтиб бозорга киргандай бўлувди.

– Хушмурод қўлига илинган нарсани кўтариб Сарман сариқнинг чойхонасига югуради, – деди Кўчар жарчи. – Ҳозир ҳам ўша ерда эчкининг пулига базми-жамшид қилаётган бўлса керак.

– Чиқмаган жондан умид, – деди Ўтаган бува бир қарорга келиб. – Икковимиз Сарман сариқнинг чойхонасига борамиз. Сизлар шу ерда кутиб туринглар.

– Менинг вақтим зик, – деди Беғали қассоб қовоқ уйиб. – Уйда кампирим касал...

– Бу масала бир ёқли бўлмагунча ҳеч қаёққа кетмайсиз! – дея унинг гапини кесди Ўтаган бува. – Бироз ҳаялласангиз, кампирингиз ўлиб қолмас.

Кўчар жарчи билиб айтган экан. Хушмурод Сарман сариқнинг чойхонасида эскириб, майшайиб қолган ёғоч столга бағрини берганда кайф-сафо қилиб ўтирарди. Унинг қаршисида деярли бўшаб қолган шиша турар, унниқиб кетган дастурхон устида кабобдан бўшаган сихлар бетартиб сочилиб ётарди.

– Эчкининг пули қани, уйинг куйгур? – деб Ўтаган бува Хушмуроднинг ёқасидан буғиб ўрнидан турғазди-да, қирқ ямоқ камзули киссаларини титкилашга тушди. Унинг ён чўнтагидан каттакон носқовоққа қўшилиб бир даста пул чиқди. Ўзича нималарнидир мингирлаб ўтирган Хушмурод қонталаш кўзларини зўрага йириб, унга тикилди. Кутилмаганда Ўтаган бувани маҳкам кучоқлади-да, унинг терга ботган ажинли юзларидан чўлп-чўлп ўпа бошлади.

– Отагинам!..

– Ия-ия!.. Қўйиб юбор-а, падарингга лаънат!

Хушмуроднинг оғзидан келаётган кўланса хиддан Ўтаган буванинг дами қайтиб кетди. Бир амаллаб унинг кучоғидан халос бўлгач, кўнгли айнаб, кетма-кет ўқиди.

– Менинг кўлимдан бир пиёлагина олинг, – дея Хушмурод лаби учган сопол пиёлага тўкиб-сочиб ароқ куя бошлади. – Сизни кўриб, раҳматли отам эсимга тушиб кетди...

– Ҳе, отанг билан кўшмозор бўл! – деди Ўтаган бува қалт-қалт титраб. – Оғзидан мослиқ иси келади-я!..

– Пулнинг чўғи камайбдими, ишқилиб?

– Камаймаганга ўхшайди, – деди Ўтаган бува қўлидаги пулни чамалаб кўриб. – Ҳартугул Сарман сариқ ҳали бунинг кармонини қоқлаб улгурмаган экан.

Чоллар шу заҳоти орқага қайтишди. Терлаб-пишиб кўрада кабоб пишираётган Сарман сариқ уларнинг ордидан ҳай-ҳайладиб:

– Ҳой, шошманглар... Ҳечкурса, бу шўртумшукнинг еган-ичганига тўлаб кетинглар!

* * *

– Ўғри-пўғри билан ишим йўқ! – деди Беғали қассоб асабий қиёфада қўлидаги халачўпни ҳавога сермаб. – Мен бу эчкини ҳаппа-ҳалоллаб сотиб олганман.

– Кап-катта одам, бировнинг молига эга чиқишдан уялмайсизми? – деб зорланди Шодиқул йиғлағудек аҳволда. – Эчкимни қайтариб беринг!

– Сен бола бир-икки замон менга эчки бериб қўйувдингми? Қоч, йўлимни тўсма!

– Кимсан – Беғали қассоб деган номингиз бор, – деди Кўчар жарчи насиҳатомуз оҳангда. – Кунингиз бир камбағалнинг тирриқ эчкисига қолдимми?

– Нима, энди бир камбағални деб шунча ақчани кўчага сочиб кетишим керакми?

– Мана ақчангиз, – Ўтаган бува киссасидан ғижимланган пулни чиқариди.

Беғали қассоб нима дейишни билмай бир муддат ўйланиб қолди.

– Қўл-қўлни танийди, Ўтаган ака, – деди у ниҳоят бир қарорга келиб. – Мен эчкини фақат сотган одамга қайтаришим мумкин...

– Уят-пуютингиз йўқ экан! – деди Ўтаган бува аф-сус билан бош чайқаб.

– Бу жониворга шунчалик ҳавасманд бўлсангиз, ана, сотиб олақолинг, – деди Беғали қассоб муғомбирона илжайиб. Бу гапни эшитиб Шодиқулнинг жон-пони чиқиб кетди.

– Нимага ўзимнинг эчкимни ўзим сотиб оларканман?!

– Шундайми? – Ўтаган бува Беғали қассобга зингил солиб тикилди. – Эчкини сотиб олайликми?

– Бундан бошқасига рози эмасман! – деди Беғали қассоб ўзининг топқирлигидан гердайиб.

– Майли-майли, – деди Ўтаган бува ҳам муроасага келиб. – Бўлмаса, эшакдан тушинг, Беғалибой. Икковимиз бир савдолашайлик.

– Бу нима деган гап?..

– Ҳовлиқма, болам, – деб Кўчар жарчи Шодиқулнинг елкасидан босди. – Ўтаган бува нима қилишни яхши билади.

– Савдолашсак-савдолашаверамиз, – деб Беғали қассоб эшакдан тушди. – Лекин бу жониворларнинг нархига бўйлашаман деб белингиз мертиладими, дейман-да, Ўтаган ака.

– Кучимиз етмаса, эчки ўзингизники, уйингизга етаклаб кетаверасиз, – деди Ўтаган бува ҳам бўш келмай. – Хўп, дидингиздаги нархни айтинг-чи.

– Дидимиздагини айтсак... – Беғали қассоб бир муддат ўйланиб қолди. – Эллик минг сўраймиз-да!

– Эллик минг?! – Шодиқулнинг кўзлари олайиб кетди.

– Ҳалиям сиз анча арзон тиладингиз, – деди Ўтаган бува Беғали қассобнинг кўлини сиқа туриб. – Бу жониворларга юз минг берсак ҳам оз, лекин бир сўм ҳам кўплик қилади... Ҳа, кетса-биздан кетар. Зотдор жонлигингизни беш минг сўмга тиладим. Баракасини беринг!

– Қирқ минг! – деди Беғали қассоб яна осмонга тикилиб. – Бундан камига сотсам, отам уришади!

– Олти минг! Хўп дедингизми?

– Қўлимни қисманг-ей! – деди Беғали қассоб оғриниб. – Бўладигани ўттиз минг!

Уйига қайтаётган отлиқ, эшакли, пиёда бозорчилар тўпланишиб, йўл чеккасидаги сайёр савдони қизиқиш

билан кузата бошлашди. Эгиз улоқли кал эчкисини етаклаган бояги йигит ҳам уларнинг қаторига қўшилди.

– Яна юз сўм қўшдим. Кўндингизми?

– Энди Беғали қассобнинг аҳволи чатоқ, – деб Шодиқулнинг қулоғига шивирлади Кўчар жарчи соқолини тутамлаб. – Эчкини сотмаса, Ўтаган буванинг чангалидан соғ қутулмайди.

– Тўғри-тўғри, – деб илжайди Ўтаган буванинг мақсадини тушуниб етган Шодиқул. – Биз ҳам бу қўлларнинг мазасини татиб кўрганмиз.

– Яхши нарх бўлди! – деди Ўтаган бува ҳамон Беғали қассобнинг қўлини узиб олмоқчидек жон-жаҳди билан силтаб. – Бундан ортиғини бозор кўтармайди. Тайсалламай хўп денг!

– Бозор кўтармаса, уйга олиб кетаман, – деди Беғали қассоб йиғлагудек аҳволда. – Қўлимни синди-расиз!..

– Одам деганам шунчалик чиноқ бўладими? Ўзи, бу қоқсуяк махлуқнинг маҳри бир тангагаям арзимамайди. Ҳалиям мен дагарлик қиламан!..

Эчки савдоси кўпам узоқ давом этмади. Ўтаган бува жониворнинг нарҳини етти минг сўмга кўтарганида Беғали қассоб унинг қаршисида чўк тушиб, инграшга тушди.

– Эчкинг билан қўшмозор бўл... Розиман!

Ўтаган бува унинг қўлини қўйиб юбормасдан Кўчар жарчига юзланди.

– Сиз нима дейсиз, қизиқ устида эчкининг нарҳини ошириб юбордиммикин?

– Беғалибойнинг эчкиси зотдор экан, – деди Кўчар жарчи салмоқлаб. – Кўзни юмиб олаверинг.

– Майли, сизнинг ҳам сазангиз ўлмасин, – деб Ўтаган бува ғижимланган пулни Беғали қассобга узатди. – Баракасини беринг, Беғалибой.

– Баракаси бошидан қолсин! Кўзимдан йўқотинглар бу таъвияни!

Шодиқул хурсандчиликдан терисига сиғмай, эшакнинг бўйнидан кал эчкининг арқонини еча бошлади. Шоймирза Ўтаган буванинг имоси билан тароқи хуржундан эгиз улоқчаларни чиқариб олди.

Беғали қассоб Ўтаган буванинг чангалидан халос бўлган қўлини авайлаган куйи бир амаллаб эшагига минди-да, хайр-маъзурни ҳам насия қилиб жўнаб қолди. Бозорчилар ҳам ўзаро эчки савдосини муҳокама қилганча бирин-кетин тарқалишди:

– Яхши савдо бўлди.

– Эчкининг тишлари бутун экан.

– Сал арзон кетдим дейман...

Аммо эчки етаклаган йигит кетишни ҳам, кетмасликни ҳам билмаётгандек ҳамон уларнинг ёнида қаққайиб турарди.

– Қизиқ ишлар бўлди-да, Кўчар бува, – деди Ўтаган бува жилмайиб. – Айтсанг, биров ишонмайди.

– Нимасини айтасиз, – деди Кўчар жарчи унинг гапини маъқуллаб. – Шунча йил бозорда жарчилик қилиб, бунақа хангомани кўрмаган эдим.

Ўтаган бува дафъатан қийиқ кўзларини баттар қисиб, йигитнинг эчкисига тикилди. Сўнг Шодиқулнинг эчкисига юзланди.

– Қўрғур бу махлуқлар худди бир қориндан таллашиб тушган опа-сингилларга ўхшайди-я, – деди ажабланиб. – Уруғинга ўт тушурлар-ей...

Бошқалар ҳам эчкиларга юзланишди. Чинданам, жониворлар икки томчи сувдек бир-бирига ўхшар, улоқларини айтмаса, уларни бир-биридан ажратиш мушкул эди.

Ўтаган бува беихтиёр кемшик тишларини кўрсатиб кулди. Эчки етаклаган йигит ҳам жилмайди. Бошқаларнинг ҳам чеҳрасига табассум инди. Кутилмаганда Шоймирзанинг момоқалдиноқ гумбурига монанд қаҳ-қаҳаси янгради. Йигитнинг кал эчкиси хуркиб ўзини четга олди.

Кимсасиз дашт оралаб ўтган тупроқ йўлда қўшалоқ эчки етаклаган Ўтаган бува эшагига хала босиб борар, Шоймирза билан Шодиқул унинг ордидан шохли-шохсиз улоқчаларни ҳайдаб кетишарди. Тупроқ йўл ўнгу сўлга бўлинган жойда улар бир зум оёқ илишди.

– Қочоқ эчкининг шунча ҳунар кўрсатгани етар, – деди Ўтаган бува Шодиқулга ўгирилиб. – Буёғига хушёр бўл. Бу лаънати тагин бир балони бошламасин.

– Кўнглингиз тўқ бўлсин, амаки, – деди Шодиқул ўзига тегишли эчкининг арқонини унинг қўлидан ола туриб. – Керак бўлса, оёғига занжирдан тушов солиб қўяман.

– Тумшуғидан нўхталаб қўйсангиз ҳам бўлади, – деб маслаҳат берди Шоймирза.

– Сизларнинг бу яхшилигингизни ўла-ўлгунимча эсдан чиқармайман, – деди Шодиқул мутаассир бўлиб. – Раҳмат, амакилар.

Шундан сўнг у эчкисини етаклаб чап тарафга бурилди.

– Ўзи зотдор эчки эди, ҳар йили эгиз туғарди...

– Зотига қирғин келсин буларнинг! – норози оҳангда тўнғиллади Ўтаган бува. – Биридан қутулиб, бошқасига тутилдик... Ҳайда, орқасидан!

Ўтаган бува етовидаги кал эчкининг арқонини зарда билан силтаб, эшагига хала босди. Калласида бошмолдоқдек-бошмолдоқдек мугузчалари бўртиб турган эгиз улоқчалар зорланиб маъраганча онасига эргашди. Шоймирза анча узоқлашиб кетган собиқ эчкисига сўнгги бор қараб олди-да, Ўтаган буванинг кетидан лўкиллаб жўнади.

2005 йил.





Юлдуз ЭШМАТОВА,
ТДПУ аспиранти

МУҲИМ БАДИИЙ ВОСИТА

“Адабиётшунослик луғати”да пейзаж таърифи хусусида шундай дейилади: “Адабий асарда яратилувчи воқеликнинг муҳим компоненти, воқеалар кечувчи очик макон (ёпиқ макон – интерьер) тасвири”. Ҳақиқатан ҳам адабиётшунос олимларимиз И.Султон, Б.Саримсоқов, Т.Бобоев Ҳ.Умуров, И.Солижонов, Д.Қуроновлар таъкидлаганидек, пейзаж аввало бадиий асарда тасвирланган табиат тасвири. Пейзаж фақатгина замон ва макон тасвиридангина иборат эмас.

Пейзаж муаммосини махсус монографик режада ишлаган М.Султонова мазкур воситанинг бадиий асардаги ўрни масаласи ҳақида шундай мулоҳаза юритади: “ёзувчи ўз ғоявий ниятини фақат қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари орқали эмас, балки уларни ўраб турган табиат манзараларини тасвирлаш орқали амалга оширади. Пейзаж тасвири орқали ўқувчига таъсир этишни, ундаги гўзаллик туйғуларини тарбиялашни ҳам кўзда тутаяди”. Кузатганимиздек, олима пейзаж тасвирининг қаҳрамон хатти-ҳаракатлари билан уйғун келишидан ташқари, китобхон қалбига таъсир ўтказувчи тарбиявий, маърифий ва эстетик вазифасини ҳам уқтириб ўтади.

Тадқиқотчи пейзаж тасвирининг эсселарда ҳам муҳим бадиий тасвир воситаси эканлигини Ш.Холмирзаевнинг шоир дўсти Абдулла Ориповга бағишланган “Йўлларимиз айро тушди, аммо...” эссеси таҳлилида (куз фаслининг эсседан рамзий пейзаж воситаси эканлигини) ҳам жиддий кузатган.

Х.Дўстмуҳаммад, С.Ўнар, Н.Эшонқул, А.Йўлдошларнинг табиат манзаралари ва жой тасвирлари, уларнинг қаҳрамон руҳий кечинмалари билан узвий равишда боғлиқлиги ҳар бир ижодкорда оригинал ва индивидуал тарзда ёндошилганини кузатишимиз мумкин. Жумладан, Н.Эшонқулнинг “Момоқўшиқ” қиссаси дастлабки сатрларданок батафсил жой ва мавсум тасвири билан бошланади: “Бутун бригада сўнгги уч кун ҳашарчиларга жой ҳозирлаш билан овора бўлди: ҳар қалай, маданият ходимлари, яна бирор кор-ҳол юз бермасин, бизни маданиятсиз, деб кетишмасин деган

истиҳола билан шийпонни обдон оқлашди, ёғоч карт ўрнига симтўшаклар ўрнатишди, шийпон олдидаги ўт-ўланларни ўриб олишди, дарахтларни буташди, қипқизил матога нима учун зарурлигини ўзлари ҳам тушунмай: “Хуш келибсиз, ҳашарчилар”, “Оқ олтиннинг бир мисқоли ҳам ерда қолмасин” деб ёзилган шиорлар илиб қўйишди. Қудуқларни тозалашди, атрофини қора қоғоз билан ўрашиб, кичкина омборхона қуришди – ҳамма ишни қунт билан берилиб бажаришди: чунки юқоридан бу йил шийпонга маданият вазирлигининг ходимлари келиши мумкинлиги ва шунга яраша тайёргарлик кўриш кераклиги ҳақида жуда эҳтиёткорона хабар келган эди. Сунбула ойининг энди икки ҳафтаси ўтганига қарамай, ҳашарчилар бу йил эрта кела бошлаганди”. Мазкур парчада кузатганимиздек, ёзувчи пахта йиғим терими давридаги шийпон тасвири, ҳашарчиларнинг келиши муносабати билан шийпондаги тозалаш ишлари, шиорлар тасвири, кичкина омборхона қурилиши ҳақида батафсил тасвирлар берадики, бу ўқувчига макон ва замон ҳақида, асарда ҳикоя этилмоқчи бўлган тақдирлар ва воқеаларга экспозиция вазифасини ўтаган.

Қисса экспозициясида шийпон, шийпондаги тозалаш ишлари, ҳашарчилар тасвири, ҳашарчиларга қизиқсиниб қараётган маҳаллий аҳоли, ёш болалар, каттароқ ёшли ўсмирлар, аёллар тасвиридан сўнг асарнинг марказий қаҳрамони драматург Шамси Салоҳ, иқтидорли ёш ёзувчи, хуллас, маданият ходимларига таъриф ва тавсиф берилади. Асар марказида аёл образи – Муаззамнинг руҳияти, унинг тиниқ ва сокин овози, қадим анъаналарни давом эттириб, сигир соғиш маҳалида куйлайдиган чуряси, яъни момолар кўшиғи, унинг она юрти, пахта даласи деб тиним билмай заҳмат чекадиган турмуш ўртоғи, оилани ҳар қандай машҳурликдан, ҳою-ҳавасдан устун қўя олган ўзбек аёлининг изтиробли ва айни пайтда бахтга тўлиқ ҳаёти ҳикоя этилади.

Бизнингча, Н.Эшонқулнинг “Момоқўшиқ”, “Тун панжаралари”, “Қора китоб” қиссаларида патетик тасвир, романтик-лирик ҳиссиёт етакчилик қилади. Қолаверса,

муаллиф кўп ўринларда китобхонга қарата ҳиссий-таъсирчан ички монолог ўқийди. Хусусан юқорида биз таҳлилга тортаётган “Момоқўшиқ” асарида ҳам худди шу ҳолат кузатилади. Деярли бир ярим, икки саҳифалик ички монологлар учрайди. Энг муҳими, муаллиф аёл руҳиятини кашф этишда ёки бошқа қаҳрамонлар руҳиятига чуқур киришда пейзаж тасвиридан унумли фойдаланади.

Шамси Салоҳ бора-бора Муаззамни бахтсиз, нотавон, ёввойи дунёда яшаётган фариштага ўхшатади. Унинг ички монологиди Муаззамнинг тоза, пок қалби шундай тасвирланади: “...Мовий осмонни нозлана-нозлана кезиб юрган ул кўк ҳилоли билан дарахтлар орасида қисиниб-қимтиниб, юзида ҳаё ва андак ҳуркаклик бўртиб турган, ёноқлари яловдай ҳилпираётган бу аёлнинг қандай фарқи бор? Фарқи шуки, ул ҳилол осмонлик, буниси эса ерлик. Унисининг минг йиллардан бери ердан нимадир излай-излай юзлари заъфарон бўлиб қолган. Буниси эса оқшомни заррин нурлар билан безаган ул кўклик мусаввирага ҳасади келгандай атиргул барги янглиғ қизарган, гўё бу оқшомни юзининг қизил шуъласи билан чўмилтириб, заррин ойни рашк ўтида адо қилмоқчидек. Заъфарон юзи эса яна ҳам сарғайтиб-сўлитмоқчидек... Йўқ, бу келинчак ҳилолдан кўра гулга кўпроқ монандроқ. У кимнингдир чорловини эшитган-у, бу чуркун дарахтлар орасида пориллаб очилган, ундан атофга ғурур ва эрк шуълалари таралаяпти. Шунинг учун ҳам ҳилол унинг ёноғига хол бўлишни истагандек ётоғидан бош кўтарар-кўтармас чўлнинг асов шамоллари тараб қўйган бу зебо чеҳрага шайдо бўлиб тикилиб қолган. Йўқ, бу аёл ҳаммасидан ҳам дилбар бир шеърнинг гўзал сатрига ўхшайди – бу ерлардан қачонлардир қандайдир даҳо шоир ўтгану, уни мулку фалак билан боғлаб турадиган учқур хаёллари ва мўъжизалар яратувчи тилидан тупроғи жизгинак бўлиб ётган саҳрои-биебонга бу гўзал сатр бир томчи кўзёш янглиғ сирғалиб тушиб қолган. Ой эса шу гўзал сатрни излаб юрган ул шоирнинг ёниқ хотирасидир”. Демак, парчада Шамси Салоҳ тили билан таърифланаётган Муаззам таърифида аввало шоирона, баландпарвоз, романтик услуб бўртиб турганлигини қайд этмоғимиз лозим. Иккинчидан, муаллиф Шамси Салоҳ образи, унинг нигоҳи орқали Муаззамни ойга ўхшатади. У осмондаги ойни “кўк ҳилоли”, Муаз-

замни эса “ер ҳилоли” дея таърифлайди. Ой ердан нимадир излай-излай юзлари сарғайган бўлса, ердаги ҳилол – Муаззам эса атиргулдек чиройи билан ойни ҳам уялтирган, ойдан ҳам кўра гулга ўшайди, йўқ, бу аёл гўзал шеър сатрига ўшайди ва ҳаказо. Кузатганимиздек, Шамси Салоҳнинг Муаззам таърифидаги ўхшатишларини табиатдаги, аниқроғи осмон жисми ойга ва ер маликаси атиргулга қиёслаётганлигига гувоҳ бўлаяпмиз.

Ташбеҳларда муаллиф пейзаж унсурларидан жуда унумли фойдаланган. Пейзаж тасвири билан Шамси Салоҳнинг романтик кайфияти жуда уйғун ҳолда акс эттирилади. Чунончи, қуйидаги парчага эътибор қаратамиз: “У юлдузлари пирпираб турган салқин кечада узоқ кезди, тун ҳозиргина ўзини масъуд этган келинчак янглиғ сирлилиги ва фасохати билан унинг қалбини сирқиратар, оғритар, уни ҳислар қуюнига ташлар эди”. Шамси Салоҳнинг юрагини забт этган гўзаллик ва таллант маъбудаси Муаззам унинг оромини ўғирлайди. Ҳатто у юлдузлар пирпираб турган салқин кечада ётиб, дам олишдан кўра Муаззам ҳақида хаёл суришни, ким биландир мунозара қилишни хоҳлайди. Келинчак сингари сирли ва фасохатли тун эса унинг қалбини янада сирқиратади. Чунки тунда инсон ёлғиз ўзи қолади. Ички ҳис-туйғулари билан юзма-юз қолади. Адибнинг кўпчилик қиссаларида тун – пейзаж деталига жуда кўп мурожаат қилинади. Зеро, бу ўринда тун образини – мажозий тимсол даражасига олиб чиққан “Тун панжаралари” қиссасини эслашнинг ўзи кифоя қилади. Чунончи: “Тун гуллари ҳам бир-бир очила бошлади. Афтидан тун ўзининг улуғворлиги ва гўзаллигини билса керак – мен мана шундай оқшомлари кимнидир интиқ бўлиб кутаман.

Тун шоҳона либосда аста-секин ҳамма нарсани ўз измига бўусундурмоқда.

Тун хушбўй сиёҳранг атиргулга ўхшайди. Бу гулни ким узиб кўк қўйнига қўйиб кетди экан, мен билмайман”.


Кузатганимиздек, қисса қаҳрамони ижодкор шахс учун тун улуғвор ва гўзал моҳиятга эга. Аслида, бу тавсиф ёзувчининг дунёқараши ва бадиий тафаккурини намён этиб турибди. Тун – пейзаж тасвири қиссада поэтик тасвирларга жуда бой тарзда қаҳрамон руҳиятини янада очиқ-ошкора тафтиш этиш учун бир восита бўлган.





Жамол СИРОЖИДДИН ХУМИЙ

Ғазаллар



*Сен бир дуторнинг торисан, мен бир дуторнинг тори,
Сен бир яхшининг ёрисан, мен бир яхшининг ёри.*

*На сен унга жўр бўлдинг, на ман мунга жўр бўлдим,
Жисму жонда замон отлиг чолгучини озори.*

*Гоҳо қулоқ бурайди у, гоҳо харрак тузайди,
“Куйлай”, деса юрагида ножўрликнинг губори.*

*Била туриб сени менга жўра этмас бу гардун,
Жўра эсак тутар эди оламни ишқ уфори.*

*Жўрасига ножўр жўрам манам сандек бу дунда,
Иккимизни куйдирмасдан қизимас ишқ бозори.*

* * *

*Аё яши, ёмон ўлдим санингсиз,
Бошоқсиз бир сомон ўлдим санингсиз.*

*Ўзим зору кўзим гирён йўлингда,
Ўз-ўзимга зиён ўлдим санингсиз.*

*Сен бор эдинг, кўк эрди жисму жоним
Кўкармаслар томон ўлдим санингсиз.*

*“Унсон” эрдим ўшал жаннат аро дўст
Юзингга зор “инсон” ўлдим санингсиз.*

*Қабирғаммас, ўзим қилдим ўзимга
Зикринг айтар забон ўлдим санингсиз.*

* * *

*Асҳоби Каҳф бу бахтим бедор бўлоди бир кун,
Маст Байқаро давлатим ҳушёр бўлоди бир кун.*

*Поён топар азоблар, пойим ўпар гулоблар,
Алпомишга Ёдгор ҳам ғамхор бўлоди бир кун.*

*Аҳмад сардор хору-зор кўрмоқ истар Авазни,
Ани кибор кўзига ҳам хор бўлоди бир кун.*

*Ҳасад ўтига тоблар минг бир макру ҳиллосин,
Бор у макру ҳиллоси бекор бўлоди бир кун.*

*Очар эшик қулфини тундай ёйиб зулфини,
Шу дилбари яктойим дилдор бўлоди бир кун.*

*Ошиқма, дил талтинма, сабр эт, паймона синма,
Ақлу шуурим тинма, дилдор бўлоди бир кун.*

*Хумий Низомийёна куйла ёниб тарона,
Дунё келин шеърим-ла бордор бўлоди бир кун.*

*Азал Жамол ҳаёт шу ашғор бу қочган уйқу
Эй, ёр сенга бу туйғу даркор бўлоди бир кун.*

БУ ОҚШОМ

*Дўст маст бўлди бу оқшом, аласт бўлди бу оқшом,
Ўр, жанжалкаш, гап эмас, онг паст бўлди бу оқшом.*

*Душман хушёр бу оқшом, маккор, гаддор бу оқшом,
Ўзни улфат кўрсатган жон қасд бўлди бу оқшом.*

*Кулиб ҳоли харобдан, бот-бот тутар шаробдан,
Ўзи ичар гулобдан, чаптаст бўлди бу оқшом.*

*Дўст дам урар абрордан, ёвдан ниҳон асрордан,
Душман махфий қарордан гўшрас бўлди бу оқшом.*

*Шерхор ичиб паланг, шер, бири лолу бири ер,
Сиртлонлар бир-бирга дер:*

“Гўшт ҳаст бўлди бу оқшом”.

*Бир ён дўсти нодондан, бир ён душмани жондан
Ёвга қулай макондан даст паст бўлди бу оқшом.*

“Ҳай дўст, ҳай дўст, ҳай дўстим...” –

дея минг ёшга ўсдим,

Илон кирган қўш қушли қафас бўлди бу оқшом.

*Майни ичиб бўлмайди, дўстдан кечиб бўлмайди,
Ёвдан қочиб бўлмайди, кўп наҳс бўлди бу оқшом.*

*Дерлар: “Ҳамалми, Саври тугар Қамарий даври,
Мен билганим шу Гаври барас бўлди бу оқшом.*

*Душман хушёр бу оқшом, дўст маст бўлди бу оқшом
Маккор, гаддор бу оқшом, қасас бўлди бу оқшом.*

* * *

*Раҳмонсан, Раҳим, Олим... аёна баён на ҳожат?
Маълум ўзингга ҳолим аёна баён на ҳожат?*

*Қишлоқдаги жонимни, ҳоли паришонимни
Айтмоққа йўқ мажолим, аёна баён на ҳожат?*

*Сенсиз бирор оним йўқ, Сендек нигоҳбоним йўқ,
Огоҳ шамсу-ҳилолим, аёна баён на ҳожат?*

*Менга ишқ бер, иймон бер, болаларимга нон бер,
Кўпаймасун уволим, аёна баён на ҳожат?*

*Нега келдим огоҳ эт, яхшиларга ҳамроҳ эт,
Кесма бевақт ниҳолим, аёна баён на ҳожат?*

*Зулматларда чирой тут, ёмонлардан йироқ тут,
Эй мунаввар жамолим, аёна баён на ҳожат?*

*Бир кун кетсам фанодан сероб айла дуодан,
Хумийингман, Кулолим, аёна баёна на ҳожат?*

ШОШИЛИНГ! ОБУНА – 2011

Журналимизнинг азиз мухлислари!


Ҳаш-паш дегунча йил оёқлаб, тагин келгуси йил обунасига тараддуланиб қолдик. Мана, қўлингизда «Ёшлик»нинг 12-сониди. Бу – бултургига нисбатан икки ҳисса кўп ишладик деганидир. Айни чоғда Сиз ҳам бултургидан икки баробар кўп асар ўқидингиз. Келгуси йилда бу самарадорликни яна оширмақчимиз. Журналимиз худди шу бичимда 48 эмас, 64 саҳифада чоп этила бошлайди. Ҳаладонларимизда Сизни қизиқтирувчи, бадиий пишиқ, маънавий оламингизни янада бойитувчи сара асарлар бисёр.

Ўйлаймизки, келгуси йилда ҳам биз билан, АДАБИЁТ билан, бадиий янгиликлар, мутлақо янги асарлар билан ошно бўлиб қоласиз.

Шундай экан, обуна эсдан чиқмасин. Негаки, журналимиз матбуот дўконларида сотилмайди, фақат обуначилар манзилига боради.

Нашр индексимиз: Якка обуначиларга – 822.

Ташкилотларга – 968.






Альберто МОРАВИО

ЧАҚАЛОҚ

Ҳикоя



Альберто Моравио адабий тахаллуси билан замонавий итальян адабиётида ном қозонган ёзувчи Альберто Пинкерле 1907 йилнинг 28 ноябрида Римда таваллуд топди. Унинг 1929 йил ёзган “Иштиёқсиз” асари орадан бир неча йил ўтиб адибга шуҳрат келтирди. Моравио асарларида замонавий шаҳар – севимли жойлар тасвири беқарор табиатли, ҳаётини инстинктлар: шаҳвоний нафс, очкўзлик, иззаттаблалик бошқарадиган шаҳарликлар типдаги персонажлар ёрдамида тасвирланади.

Моравио ижодининг характерли жиҳати, мухбирликка хос содда услуб ва маҳзун киноядадир. Бу йўлда адиб ҳаётнинг турли жабҳаларига, персонажларнинг руҳиятида, кайфиятида юз бераётган турланишларга ёндашувини муттасил ўзгартириб туради.

Унинг асарлари жаҳоннинг кўплаб тилларига таржима қилинган. Ўзбек китобхонлари орасида эса “Римлик аёл” (1947) ва “Нафрат” (1954) романлари машҳур.

Моравионинг ҳикоялари ҳам роман ва қиссаларидан кам аҳамиятга эга эмас. Унинг “Рим ҳикоялари” (1954) ва “Янги Рим ҳикоялари” (1959) тўпламида Рим ҳаёти ихчам тасвирларда ўз ифодасини топган.

Ҳатто муҳтожларга ёрдам кўрсатиш жамиятидан нафақа олиб келган олижаноб хоним ҳам болани нега бунчалик кўпайтираётганимизни сўради. Ўша куни хотинимнинг кайфияти ёмон эди. “Пулимиз бўлганида кечқурунлари кинога борардик, бўлмагандан кейин нима қиламиз, тўғри тўшакка йўл оламиз, ана шундай қилиб бола туғилаверади-да”, дея бор ҳақиқатни айтди-қўйди. Бундай шартакиликдан ранжиган хоним узр сўраб қайтиб кетди. Хотинимга тўғри сўз ҳам ўз ўрнида эътиборли эканини, бировга зарда қилишдан олдин ким билан гаплашаётганини ҳисобга олиш зарурлигини айтиб бироз койиган бўлдим.

Турмуш ташвишларидан йироқ, ёш ва буйдоқ юрган кезларимда Рим ҳаётига оид газетларни кўп ўқирдим. Бу рўзномаларда инсонларнинг ҳаётида юз берган жамики бахтсиз ҳодисалар: ўғирлик, қотиллик, ўз жонига қасд қилиш, майда безориликлар... тўғрисида ёзишарди. Ўша кезларда бундай кўргуликлар бир кун

менинг ҳам бошимга тушади, деб сира ўйламаган эдим. Газетларда ёзганидек, “Ҳамдардликка лойиқ вазият”, – қачон одам ўта бахтсиз бўлса, бу оламдаги ачиниш туйғусининг шунчасини ўзига чорлайди. Айтиб ўтганимдек, ўша вақтларда ёш эдим, вақти келиб бундай катта оила бошлиғи бўлишимни билмасдим. Энди эса секин-асталик билан энг ҳақиқий “ҳамдардликка лойиқ вазият” юз бераётганига ҳайратим ортиб боряпти. Мана, масалан, газетда бундай ёзилади: “Улар энг майда нарсаларга ҳам муҳтож”. Ҳозир мен ана шундай энг арзимас нарсаларга муҳтож ҳолда яшамоқдаман. Ёки “Улар шундай уйларда тиқилиб яшайдик, уларнинг бошпанасини уй деб ҳам бўлмади”. Мен Тормаранчодаги (Рим яқинидаги қашшоқлар истиқомат қиладиган кулбалар) тўшақларнинг орасига оёқ қўйишга жой топилмайдиган, ёмғир чоғида сув худди Рипетта қирғоғидаги каби тошадиган биттагина хонада хотиним ва олти болам билан истиқомат қиламан. Ёхуд

бундай ёзишади, айтайлик, “У бечора ҳомиладор эканини билганидан сўнг муҳаббатининг маҳсули бўлган гумонасидан кутулиш мақсадида жиноятга қўл уришга қарор қилди”. Худди шундай: оиламизда яна бир чақалоқ туғилишини билгач эр-хотин маслаҳатлашиб ана шунга жазм этдик. Ҳаво яхши бўлган кун биринчи учраган одамнинг раҳмдиллигидан умид қилган ҳолда чақалоқни бирорта черковнинг олдига ташлаб кетиш-ни режалаштирдик.

Бахтимиз чопиб ўша жамоат ташкилотининг марҳаматли жаноблари саъй-ҳаракати билан хотиним туғруқхонага жойлашди. Туғруқдан уч-тўрт кун ўтиб бир оз ўзига келганидан сўнг унга жавоб беришди ва Тормаранчога қайтди. Хонага кирганидан сўнг унинг биринчи айтган гапи шу бўлди:

– Туғриси айтсам, туғруқхона унчалик яхши жой бўлмаса ҳам, шу вайронага қайтиб келмаслик учун ўша ерда абадий қолиб кетишга рози эдим.

Чақалоқ бу гапни худди сўзма-сўз тушунгандек, кулоқни батанг қиладиган овозда ингалаб юборди. Зуваласи пишиқ, чиройли бола, овози шу қадар жарангдорки, сўз билан таърифлаб бўлмайди; агар ярим тунда йиғлашга тушса, бу яқин орада ҳеч кимга уйку йўқ деяверинг.

Май ойи келиб, кунлар илиб қолди. Кўчага пальтосиз ҳам чиқса бўларди. Режамизга биноан биз Тормаранчодан Римга қараб йўлга тушдик. Хотиним болани худди қорли далада қолдирадигандек, қават-қават латтага ўраб кўксига босиб олган. Шаҳарга етиб келгунимизга қадар ғамга ботиб бир ушоққина бўлиб қолган бечора қайғусидан чалғиш учун чакаги тинмай жавраб борар эди, охири нафас олиши оғирлашиб, кийимлари тўзиб, кўзлари олайиб қолди...

Дастлаб у ҳар хил черковлар ҳақида гапирди, болани қаерда қолдиришни менга тушунтирди, унинг айтишича, чақалоқни шундай жойга қолдириш керакки, у ердан бойлар ўтиб-қайтадиган бўлсин, агар уни ўзимизга ўхшаган камбағал одам топиб оладиган бўлса, яхшиси, бола ўзимизда қолгани маъқул. Кейин чақалоқни Мадонна черкови атрофида қолдиришни хоҳлаётганини айтди. Айтишларича, Мадоннанинг ҳам ўғли бўлган экан. Мадонна бизни тушунармиш ва ниятимизнинг амалга ошишига ёрдам қилармиш. Бу гаплардан чарчадим ва қалбимда ғазаб учкуни пайдо бўлди. Ахир, унинг мени овутиш учун айтаётган алмойи-алжойи гапларидан менга ҳечам яхши бўлаётгани йўқ эди-да. Аммо мен ўзимни босиб келардим, чунки жазавога тушмасдан хотинимга хотиржам кўринишим ва унга далда беришим керак эди. Унинг падар-пай сўзларини бир лаҳзага бўлса-да, тўхтатиш учун гапини бўлиб:

– Уни авлиё Пётр черковида қолдирсак бўлмайдимми? – деб таклиф қилдим.

У бир чайқалиб олди-да, кейин:

– А йўқ, у ер карвонсаройнинг ўзгинаси... уни мутлақо кўрмаслиги ҳам мумкин... виа Кондоттидаги кичкина черковга уриниб кўриш керак: унинг гир атрофи ҳашаматли дўконлар... жуда кўп бойлар ўша атрофда юради... энг яхши жой – ўша, – деди.

Биз автобусга ўтирдик, одам кўп жойда у тинчиди. Фақат болани йўргакка қаттиқ ўради ва дам-бадам

йўргакни эҳтиёткорлик билан очиб болага қараб кўяди. Чақалоқ эса қип-қизил юзини ўзи уралган латта-путталарга босиб ухлаб ётибди. Унинг кийимлари жуда афтода, фақат ҳаворанг жун матодан тикилган қўлқопчаси оҳорлигина эди, у ана шу қўлқопчасини кўрсатмоқчи бўлгандек йўргакдан қўлчаларини чиқариб олди.

Биз Гольдони театри олдига тушдик, хотиним яна жаврамоқни бошлади. Заргарлик дўкони қаршисида тўхтаб кўргазмадаги қизил духобаларга териб қўйилган қимматбаҳо жавоҳирларни кўрсатиб, яна телба-тескари гапларини давом эттирди:

– Буни қара, қандай чиройли... бу кўчадан одамлар фақат қимматбаҳо тақинчоқлар ва чиройли буюмларни харид қилиш учун юради... бу ерда қашшоқлар бўлмайди... улар ана шу харидлари орасида черковга ибодат учун кириб чиқади... Бойларнинг кайфияти доим яхши бўлади... йўргакни кўрганлари ҳамон кўтариб олади.

У болани кўрагига маҳкам босиб бриллиантларга қараб худди ўзи билан ўзи гаплашаётгандек гапирар, кўзлари эса аллақандай ёввойилик касб этгандики, унга гап қайтаришга журъатим етмасди.

Биз черковга кирдик. У ичкараси сариқ мрамарга ўхшатиб бўялган, асосий меҳроб билан бирга яна бир неча меҳробчалари бор чоғроққина жой экан. Хотиним бу черковни бошқачароқ тасаввур қилгани, ҳозир эса ибодатхона унга унчалик ёқмаётганини айтди. Шундай бўлса ҳам, қўлларини муқаддас сув ботириб чўкиниб олди. Кейин чақалоқни кўксига босиб бадгумон нигоҳу норизо қиёфада секинлик билан черковни айланиб чиқди. Гумбаз тепасидаги ойнадан совуқ чарақлаган ёруғлик тушиб турарди. Хотиним эса болани бу ерда қолдириш мумкинми, деган саволга жавоб топмоқ қасдида ҳамон черковнинг бўлиmidан бўлимига ўтиб, ўриндиқларга, меҳробларга, расмларга назар солиб юрарди. Мен кираверишдан кўз узмай унга бир неча қадам эргашдим. Қип-қизил кийинган, сочлари сариқ, худди тилладек товланадиган баланд бўйли бир хоним ибодатга кирди. Тиззалаб ўтирганда тор юбкаси йиртилиб кетгудек таранглашди, наридан-бери ибодат қилди-да, кейин зудлик билан чўқинди ва биз томон бир қаради-да черковдан чиқиб кетди.

Буни кўрган хотиним:

– Йўқ, бу ер бўлмайди... бу ерга анави хонимга ўхшаган дўконларни айланишга чиққан кишилар кўнгил хушлиги учун бирров кириб чиқади. Кетдик бу ердан, – деди. Шу гап билан у черковдан чиқди.

Биз Корсо бўйлаб узоқ юрдик, хотин олдинда, мен ортада ҳаллослаб югурдик деса ҳам бўлаверди, Венеция майдонидан унча узоқ бўлмаган бошқа черковга кирдик. Бу олдингисидан анча катта ва виқорли эди, ҳашамдор зарҳал пардалар тутилган, девордаги ойналар таги ғира-шира ёруғликда товланиб турган алангали кумуш юраклар билан безатилган. Ибодатхона кўринишидан ўзига тўқ одамлар билан тўла эди: шляпа кийган аёллар, башанг кийинган эркаклар шундан далолат берарди. Рухоний минбарда туриб хутба ўқир, жамоат унга юзланиб тик турарди. Мен ўзимча “Ана қулай вазият, бизни ҳеч ким сезиб қолмайди”, деб ўйладим:

– Шу ерда уриниб кўрамиз, – дея хотинимнинг қулоғига шивирладим.

У бош ирғаб маъқуллади. Биз ён тарафдаги меҳроб томонга ўтдик. Ўша ёқда ҳеч ким йўққа ўхшади, боз устига қоронғу эди, биз бир-биримизни зўрға кўрардик. Хотиним йўрғак чети билан боланинг юзини ёпти ва худди қўлига ёпишиб қолган оғир нарсадан қутулмоқчидек уни ўриндиққа ётқизди Кейин тиззалаб ўтирди ва юзига қўлларини босиб узоқ вақт дуою илтижо қилди. Мен эса нима қилишни билмасдан меҳроб деворига осилган юзлаб катта-кичик алангали кумуш юракларни томоша қилдим. Ниҳоят хотиним ўрнидан турди. Шу тобда унинг юзи мурданикига ўхшарди. У чўқинди ва охиста бўлимдан чиқа бошлади, мен эса унинг ортидан эргашдим. Кутилмаганда руҳоний:

– Ва Исо деди: “Келажакни кимга қолдирапсан, эй Ота?” – дея ҳайқирди.

У бу гапни мендан сўраётгандек туюлди.

Бу вақтда хотиним чиқаверишдаги эшикнинг пардасини тортаётган эди. Шу дамда:

– Хоним, ўриндиқда тугунингиз қолибди, – деган қақирқдан иккаламиз бирдай сапчиб тушдик.

Қарасак, қоп-қора кийиниб гоҳ черковда, гоҳ бошқа ибодатхоналарда ўралашиб юридиган мунофиқона қиёфали аёллардан бири.

– Вой, ўлай! – деди хотиним. – Раҳмат сизга, эсим курсин... сал бўлмаса уни ташлаб кетаёзиман.

Биз йўрғакни олиб на тирик, на ўлик ҳолда кўчага чиқдик.

Кўчада хотиним:

– Бечора болажоним... ҳеч ким уни олгиси келмайди, ҳеч кимга унинг кераги йўқ, – дея ўқсинди.

Бу худди молини яхши нархга сотишни чамалаган, лекин ана шу молига бозорда бирор киши қайрилиб қарамаган савдогарнинг аҳволига ўхшарди.

Яна уҳарсиллаб, хурпайиб олдинда физиллаб йўлга тушди, худди уни оёқларнинг ўзи бошқараётгандек эди. Шу юришда Апостол авлиёлари майдонига етдик. Ҳартугул бу ердаги черков ҳали ёпилмаган экан. Ичкарига кирдик. Қарасак, катта, кенг, чироқлар ҳам кўп эмас.

– Ана энг қулай жой, – шивирлади хотиним.

Қаъбият-ла ён томондаги бўлимлардан бирига ўтдик. Хотиним болани ўриндиққа ётқизиб, гуё оёғининг тагига ўт туташгандек, чўқиниб, ибодат қилиб ўтирмай, ҳатто жигаргўшамизнинг пешонасидан ўпиб ҳам қўймасдан кўчага отилди. У ортига қайрилиб уч-тўрт қадам босиб улгурмасдан черковни боланинг жарангдор йиғиси тутди. Эмадиган вақти бўлган эди – чақалоқ ҳар доимги вақтни билиб очлиқдан чинқирганди. Хотиним бу йиғидан ўзини йўқотди: бир эшикка қараб югурди-да, кейин ортага чопди. У бу пайтда қаерда эканини ҳам унутиб қўйди, ўриндиққа ўтирдию болани кўксига босиб, уни эмизиш учун кўрагини очди. Чақалоқ худди бўри боласидек, онасининг кўксига тамшаниб, қўлчаларини узатиб, энди эма бошлаган эди ҳамки:

– Худонинг уйида шу ишни қиласанларми... тур ўрнингдан, йўқол чиқ, кўчага, чиқ! – деган ваҳимали дағдаға эшитилди.

Бақирган одам соқоли кўксига тушган жиккак чол, пономарь (православ черковида паст унвонли

руҳоний) эди, унинг овози жуссасига қараганда анча ҳайбатли эди. Хотиним ўрнидан турди, боланинг бошини кўкрагига пана қилиб:

– Ахир картинадага Мадонна... ҳар доим болага кўкрак тутиб туради-ку, – деди.

У бўлса:

– Сен ҳали ўзингни Мадонна билан тенглаштирадиган бўлдингми, уятсиз! – дея баттар жазавага тушди.

Хуллас, биз черковдан ҳайдалиб Венеция майдонидаги хиёбонга келиб ўтирдик. Бу ерда хотиним болани эмизиб олди, нафси ором олган чақалоқ яна ухлаб қолди.

Бу вақтда кеч бўлиб, қоронғу тушди. Черковлар ёпилди, биз эса чарчоқнинг зўридан тинкамик қуриб ўтирибмиз, каллага бирор фикр келмайди. Бундай самарасиз юришлардан сўнг хаёлимга: биз бу ишга жуда катта куч сарфлаяпмиз, балки бу ишни бошламаган тузукмиди, деган фикр келди.

– Менга қара, кун кеч бўлди, тезроқ ҳал қилишимиз керак, бошқа юришга мадорим йўқ менинг, – деб хотинга зарда қилдим.

– Бу сенинг ўғлинг, сенинг қонинг... Нима қилмоқчисан – уни худди кераксиз нарсага ўхшатиб бир бурчакка ташлаб кетмоқчимисан, дайди мушукларга ем бўлади-ку!

– Йўқ, аммо бундай ишларни кўп ўйланиб юрмай тез бажариш керак ёки умуман қилмаслик керак.

– Сен уни уйга олиб қайтамыз деб қолишимдан кўрқяпсан... Сиз ҳаммангиз, эркаклар, кўрқоқсиз!

Ҳозир у билан баҳслашиш бефойда эканини сезиб, мураса йўлини тутдим:

– Сени тушуниб турибман, хавотирланма, аммо сен ҳам тушунгин: ҳар қандай шароитда ҳам болага Тормаранчодаги қишда қуртлар, ёзда чивинлар талаб чиқадиган ташландиқ, ҳатто ошхонаси ҳам йўқ бошпанамиздагидан яхши бўлади.

Бу сафар у ҳеч нарса деб гап қайтармади.

Биз виа Националдаги Нерон минораси олдидан қаёққа бораётганимизни ўзимиз ҳам билмай кетавердик. Минора ортида, унча узоқ бўлмаган жойда бир кичкина кўча бор экан, одамлар ҳам йўқ. Йўлакларнинг бирининг олдида бўш турган, эшиклари берк кулранг мошинга кўзим тушди. Нима қилишни дарров фаҳмладим: мошинга яқинлашиб эшигини тортгандим – очилди.

– Тез бўл, мана қулай фурсат, уни орқа ўриндиққа ётқиз, – дедим хотинга.

У айтганимданоқ дарҳол болани мошинга қўйди ва мен ўша заҳоти эшикни ёпдим. Биз бу ишни шунчалик тез бажардикки, ҳатто мошинга яқинлашганимизни ҳам ҳеч ким сезмади; кейин мен унинг қўлидан тутдим ва биз Квиринал (Квиринал майдони жойлашган худуд – бурунги қироллик саройи ўрни) майдони бўйлаб чопиб кетдик.

Майдон бўш ва қоронғу эди. Фақат саройда бир нечта чироқлар милтираб турибди, панжара ортида эса тунги Рим чироқлари шуъла сочмоқда. Хотиним ёдгорлик ёнидаги фавворага яқинлашди, ўша ердаги скамейкага ўтирди, менга юз ўгириб букчайиб олди-да, тўлиқиб йиғлади.

– Энди нега йиғлаяпсан? – дедим.

– Хуллас, ундан қутулдик, уни ўша ерда қолдирганим заҳоти юрагим бўм-бўш бўлиб қолди... у ётганда кўксимни тўлдириб турарди, ана шу еримга у етмаяпти.

– Шундай бўлади-да ўзи, ҳадемай ўтиб кетади.

У елкасини қисди-да, йиғлашда давом этди. Кутилмаганда худди кўприк устига ёққан ёмғирни шамол бир зумда қуришиб кетгандек, кўзёши тўхтади. Жойидан сакраб туриб кўрсаткич бармоғи билан саройга ишора қилиб:

– Энди ўша ёққа бораман, қиролнинг олдига кириб ҳаммасини айтиб бераман! – дея шахдланди.

– Тўхта! – дея бақириб унинг қўлидан тортидим. – Сенга нима бўлди, эсингни едингми?.. Қиролнинг қачонлар йўқ бўлиб кетганини билмайсанми?

– Менга барибир... қиролнинг ўрнида ким ўтирган бўлса ўшанга айтаман, ахир кимдир бордир у ёқда!

Шу гап билан у йўлакка отилди, фарёд кўтармаганимда у бир можарони бошлаши аниқ эди.

– Менга қара, мен ўйлаб кўрдим... Қайтиб бориб болани мошиндан оламиз... Бола ўзимизда қолади. Битта оз, битта кўп – барибир эмасми!

Бу фикр, тахминимча, доим унинг хаёлида юрган ва қиролга шикоятини ўйлаб топган.

– Ҳа, уни ҳали олиб кетиб қолишмадимикан? – дея кулранг машина турган кўчага қараб югурди.

– Йўқ, – дедим, – ҳали беш дақиқа ҳам ўтмади-ку.

Ҳақиқатдан, мошин жойида турган эди. Бироқ хотиним мошиннинг эшигини очган чоқ йўлакдан ўрта ёшлардаги паст бўйли, рангпар юзли бир эркак юғриб чиқди:

– Тўхта! Тўхта! Сенга нима керак менинг мошинида?

– Мен ўзимнинг нарсамни олмоқчиман, – хотиним унга эътибор қилмасдан болани олиш учун ўриндиққа энгашди.

– Нима оляпсан ундан? Бу менинг мошиним, тушундингми? Меники! – деб жириллади мошин эгаси.

Ўша дамда хотинимни бир кўришингиз керак эди! У мошин эгасига юзланиб унга шунақанги ташланиб кетдики:

– Ким сенинг нимангни оляпти? Қўрқма, ҳеч нарсанг керакмас, тупурдим сенинг мошинингга... Мана, қара, – деди-да, мошиннинг эшигига ростакамига туфлаб юборди.

– Манави тугун?.. – довдираб сўради у.

– Бу тугун эмас... Бу менинг ўғлим... Кўрдингми!

У боланинг юзини очиб, унга кўрсатди-да, яна давом этди:

– Сен билан хотининг бундай чиройли болани ҳеч қачон дунёга келтира олмайсан, қайта туғилсанглар ҳам... Мени тўхтатаман деб овора бўлма, дод солиб полиция чақираман-да, боламини тортиб оляпти дейман.

Хуллас, хотиним унга шундай гапларни айтдики, бечоранинг дами ичига тушиб кетди, кутилмаган зарбага учрагани боис ҳамма қони юзига сапчиб чиқиб бақрайиб қолди. Ниҳоят, хотинимнинг жағи тиниб, чорраҳага етганимда йўрғалаб ортимдан етиб олди.

Русчадан Дамин ЖУМАҚУЛ таржимаси





Баҳодир МУСТАФО ЁҚУБ



Келишини шарт, баҳор!

* * *

Бундай оппоқ тунни кўрмаган ҳеч ким,
Ой ҳеч қачон бундай тўлмаган аввал.
Кимдир боғ ичида чақирар секин,
Ҳолбуки ҳали қиш, ҳолбуки февраль.

Бўғотда ўлтирар ана хурпайиб,
Кун бўйи дераза чертган мусича.
Булутлар ўтади шошиб, пасайиб,
Кимларни қучмоқчи бўлади кўча.

Кўз ёш тўкиб бўлди томлар ҳам энди,
Мағрур итоатгўй турар дарахтлар.
Ҳозир кўк саҳнида бир юлдуз сўнди,
Барибир юлдузлар яна ярақлар.

Бу оқшом неларни этади тақдим,
Хилватларда менга аталган не бор?
Сени узоқ кутдим ягона бахтим,
Тонгда келишинг шарт!
Келасан, баҳор.

* * *

Кўешнинг қиличи синди.
Ҳориган отидан тушади тутқун.
Кўзларда бир нафас эҳтирос сўнди,
Тинди тўёқлардан сачраган учқун.



Дунё ўйга толди, қолди боши хам,
Фақат юлдузчалар бепарво кулар.
Сонсиз жароҳатга қўяй деб малҳам,
Шамчироқ кўтариб ой чиқиб келар.

* * *

Қандай гўзал!
Айниқса авжи ёз кечаси
Енгилгина шовдираб ўтганда ёмғир.
Кўёш ҳиди димогинга урилиб турса.
Дарахтларнинг нафасини,
Хонадонлардан янграётган кулгуларни
Эшитсанг.

Кейин ой чиқса,
Шунақаям тўлишиб кетган ой.
Сен унга термулиб турган онингда,
Оёқларинг остидан
Ойдин кечани қитиқлаб
Типратикан югуриб ўтса!

* * *

Кун бўйи шаҳарда дайидим бугун,
Япроқлар тўкилиб турдилар тинмай.
Мен ҳам бу дунёга бир ошиқ эдим,
Одамлар ўтдилар мени танимай.

Баъзан шундай бўлар: сизмай ўзинга,
Гавжум гўшаларни қўмсаб қоласан.

Ҳеч нарса кўринмай қолар кўзингга,
Гўё сен борасан, гўё боласан.

Гўё ортда қолар тириклик гами,
Кичкина туюлар катта таишилар.
Пойингга тўшалган хазонлар бари,
Гўё болаликдан эртақ шивирлар.

Гўёки ҳеч нарса ўзгаргани йўқ,
Одамлар меҳр-ла қарашадилар.
Ҳеч ким ҳеч кимсага отгани йўқ ўқ,
Кеча урушганлар бугун ярашадилар.

Нақадар олисда, о, ўша дамлар!
У йилларнинг дасти бунча бешафқат.
Мен сизни танийман, азиз одамлар,
Сизлар болаликдан келгансиз, фақат...

Фақат йўлакларга тўшалган хазон,
Япроқлар тўкилар, тўкилар тинмай.
Катталар бир-бирин таниган замон,
Болалар ўтишар бир-бирин билмай.

КЎҲНА ҚОФИЯЛАР

Сўзлар –
Менинг она тилимда сўзлар.
Кўзлар – фақат сенинг висолинг кўзлар.

Осмон омон.
Тошингга бош қўяман.
Мабодо сен бўлсанг ёмон,
Мен қалбимни ўяман.

Жафога Вафо қофия,
Вафога Жафо эмас.
Агар гул фигон чекса,
Булбул кўнгли исимас.

Руму Кашир,
Истанбул, Шому Ироқ.
Мен – бадавий теваман.
Сен қанчалар бўлсанг йироқ,
Мен шунчалар севаман.



ЁЗ

Ёз туни уйқусиз, ой ҳам ботади,
Энтикиб ётасан кўзинг очганча.
Олисдан пишқириб поезд ўтади,
Сендан болаликни олиб қочганча.

* * *

Уйига кечикаётган аёл,
Ахлатхонада ўсган гул.
Жон тасаддуқ сенинг бир бор табассумингга.

Боласини ураётган ота,
Қадоқларга айланган меҳр.
Жон тасаддуқ сенинг бир бор табассумингга.

Кечагина синган пиёла,
Онанг учун ёзилмаган хат.
Жон тасаддуқ сенинг бир бор табассумингга.

Инсон фақат яшашга маҳкум,
Инсон одам бўлишга мажбур.
Жон тасаддуқ сенинг бир бор табассумингга.

* * *

Ёлғиз аёл хонаси куйлар,
Қўғирчоқлар қўшиқ тинглайди.
Деразалар чисирлаб қўяр –
Неча кунки шамол тинмайди.

Аёл кутар, поёнсиз даҳлиз,
Қотган нондай қотиб қолган вақт.
Ширин сўзлар туюлар гализ,
Сўз қолмаган, қутиш бор фақат.

Ҳамма нарса саришта, тоза,
Бир меҳрга таинадир аёл.
Чор-атрофга солиб овоза,
Аюҳаннос уради шамол.

ЁМҒИРДАН СЎНГ

Балки англатади бу сўлгин жимлик,
Тўлгин юракларнинг сўзсизлигини.
Балки толган қувончни, орзуни, ёки
Энг гўзал аёлнинг бахтсизлигини...





Ғулом КАРИМИЙ



КЎРАГОН

Ҳикоя

*Яратқонким тан ичра жон яратти,
Сени кўркликлар узра хон яратти.*

Хоразмий

Балх вилоятига баҳор келди. Жилға ва сойлар яна кўклам қўшиғини куйлай бошлади. Далалару яйловлар ранг-баранг ўт-ўланлар гилами билан қопланди. Самода турналар арғимчоқ ясаб, шимолга – Мовароуннаҳр томонга учишса, улардан пастроқда қалдирғочлар ҳавони ўқдай кесиб чарх уришарди.

Кузда Балхни забт этган Темурбек қўшини вилоятда қишлади. Илк баҳорда Ҳирот малики Ғиёсиддин Курт, Сабзавордаги сарбадорлар ҳукумати бошлиғи амир Муайяд, Сейстон малики Фаҳриддин, Мохон амири Алибек Жониқурбоний, хоразмшоҳ Ҳусайн Сўфи, Ок Ўрда хони Ўрусхон, Кобулистон шоҳи Қутбиддиндан элчилар келиб, барчаси шоҳлигу ғалаба билан муборақбод этишди. Темурбекнинг катта ўтови ҳам совғасаломларга торлик қилиб қолди. Фақат Мўғулистондан элчи келмади. Чунки мўғуллар Ҳусайнни ҳам, Темурбекни ҳам ўзларига тобе Мовароуннаҳрда ўзбошимчалик билан вақтинчалик ҳокимият ўрнатган исёнкор кимсалар, деб билишарди.

Амир Ҳусайн устидан ғалаба қозонганидан сўнг, аксарият ён-атроф ўлкалар тождорлари ўттиз тўрт ёшли Темурбекни Мовароуннаҳр ҳукмдори, деб эътироф этиш баробарида, янги ҳукмдорнинг келгуси режалари, қўшни салтанатлар билан қандай муносабатлар ўрнатиш ниятидан воқиф бўлишни мўлжаллар эдилар. Тожу тахтага йўл очган ғалабасидан илгариеъ Темурбек хон кўтаргани – Чингизхон авлоди Суюрғатмишхон номи аллақачон хутбада ўқилиб, тангаларга зарб қилина бошласа-да, унинг кўғирчоқ хон экани сир эмасди.



Амир Хусайн Мовароуннахр ҳукмдори эканида бетайин хулқ-атвори ва очкўзлиги туфайли эътиборли бекларнинг кўнглини қолдирганидан огоҳ кўшни юртлар султонлари Мовароуннахр тарафдан хавфсирамай, аксинча, Жайхун ва Сайхун оралиғидаги тупроғи зар ўлканинг бирон вилояти ё туманини юлиб олиш пайида бўлсалар, бу диёрда ғайрату шижоати вужудига сиғмайдиган, Оллоҳ юксак ақл ва беназир саркардалиқ истеъдоди билан сийлаган баҳодир бек тахтга ўтиргач, барчасининг кўнглига хавотир оралади.

Наврўздан сўнг Темурбек аъёнлару хос соқчилари ҳамроҳлигида Балх яқинидаги пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларидан бири дафн этилган Хожа Уккоша қабристонига отланди. Қарға тусли қорабайир устида мардонавор ўтирган, қора кимхоб чопон кийган Темурбекнинг симобий салласи кўклам кўёши нурида нуқрадек товланади. Саллага қадалган йирик ёқут тонг юлдузидай порлайди. Соқол-мўйлови калта кузалган бек одатича олисларга назар солар, баҳор шабадаси хуш ёққанидан чопони олдини очиб юборган, гулдор наврўзий кўйлаги ва отининг зардўзий ёпинчиғи билан бошқа суворийлардан ажралиб турарди.

Наврўзгача у аксар ҳарбий кийимда юрганидан, ҳозирги либосида ўзини кушдек енгил сезар, камарига оғир қилич ўрнига, ғилофига қимматбаҳо тошлар қадалган дандон сопли дудама ханжар қистирилган. Хожа Уккошага етгач, пўлат совут ва дубулға кийган, найза кўтарган соқчилар от устида туришди. Темурбек ва аъёнлар яёв юриб мозор оралашди. Амир Хусайн қабри устида чечаклар униб-ўсибди. Ёшлиқдаги дўсти, қайноғаси, иттифоқчиси, сўнгра эса тожу тахт учун курашдаги асосий рақиб – Мовароуннахрнинг собиқ ҳукмдори Хусайн урушлар, фитна, алдов, ҳасад, шуҳратпарастлик тўла ҳаёти билан видолашгач, ниҳоят осуда уйқуда ётарди. Нарироқдаги чингизий Одилхон – кўп жиҳатдан ўзини кўғирчоқ хон қилиб кўтарган Хусайнга ўхшайдиган кимсанинг қабрига бир қур назар ташлаган Темурбек Қуръон сураларидан ўқиди. Қайноғаси Хусайннинг билиб-билмай қилган гуноҳларини кечиршини Оллоҳдан ўтинди.

Хусайннинг бобоси амир Қазағон оқ-қорани эрта таний бошлаган ўсмир Темурда ҳайрату эҳтиром уйғотарди. Қазағон – золим чингизий хон Қозонхонни тахтдан ағдариб, Мовароуннахр мустақиллигини тиклаш учун курашган биринчи турк амири. Унинг даври давронида аҳоли нисбатан тинч-осуда ҳаёт кечирди. Дини ислом раванқ топиб, толиби илм ва уламолар кўпая бошлади. Бироқ ҳокимиятини мустақкамлай олмаган Қазағон, ўн икки йиллик ҳукмронликдан сўнг, фитна қурбони бўлди. Мовароуннахрликлар унинг даврини ҳамон дориламон кунлар сифатида армон билан эслашади. Темурбек отаси Тарағай баҳодир ва пири шайх Шамсиддин Кулол ўзаро суҳбатда амир Қазағон ўлимидан афсусланиб, унинг авлодидан муносиб ворис ҳокимият жиловини кўлига олиб, Қазағоннинг эзгу тадбирларини давом эттиришини орзу қилишганини яхши эслайди. Бироқ авлоди амир Қазағонга муносиб бўла олмади. Амирзода Абдулла тахта чиққач, отаси ўрнатган рисоладагидек тартибларни бузди. Оқибатда низолар бошланиб, яхлит ўлка чок-чокидан сўкилиб, тарқоқликка юз тутди. Абдулла Мовароуннахрни тарк этиб, саргардонликда завол топди. Амир Қазағоннинг таянчи, Мовароуннахрдаги энг кучли жанговар қавм – қораунослар ҳам уқпардай тўзиб, қолган-қутгани Қазағоннинг бошқа ўғлидан набираси

амирзода Хусайн билан олис Қандаҳор вилоятини қора тортиб кетди. Тарқоқликдан устамонлик билан фойдаланиб, Мовароуннахрни қайта бўйсундирган, азалий душман мўғуллардан ҳеч қачон ёруғлик чиқмаслигини англаган Темурбек туғилган юрти Кешни тарк этиб, қайноғаси амир Хусайн кўрагон ҳузурига йўл олди. У амир Хусайн бобоси Қазағон каби Мовароуннахрга саодат олиб келишини умид қиларди...

Юз-кўзларини уст-бошлари чангга беланиб, ўзлари ва отлари ҳолдан тойган Темурбек ва юз йигити Қандаҳорнинг Гармсир туманидаги ўлангда жойлашган амир Хусайн қароргоҳига яқинлашишганда, ўзларининг ташрифи қароргоҳда талотўп уйғотади, деб ўйлашмаган эди. Мўғуллар таъқибидан юрак олдирган Хусайннинг кичик кўшини қалин чанг-тўзонни кўриб, ҳатто чодир утовларни йиғиштирмай, тартибсиз қочишга юз тутди. Кимсасиз қароргоҳга кирган Темурбек бир зум ҳайрон бўлиб, сўнгра гап нимадалигини англади-да, шошилинчда ҳайдаб кетилмаган бир тўп йилқидан бир неча чавандоз йигитнинг отини алмаштириб, яна биттадан эҳтиёт от бериб, дарҳол амир Хусайн изидан жўнатди. Чопарлар унга етиб олиб, ғаним эмас, балки мадад сифатида кўёви Темурбек келганини, синглиси Ўлжой Туркон оғо ҳам унга ҳамроҳлигини айтишди. Бадгумон Хусайн шунда ҳам ҳадиксираб, балки мўғуллар Темурбекни тузоқ сифатида жўнатишгандир, деган хаёлга бориб: “Навкарларини қолдириб, Темур ёлғиз қошимга келсин”, деди. Темурбек йигитларига қароргоҳдан силжимасликни буюриб, хотини билан бирга қайноғасига юзланди. Самимий ниятлар билан келганига зўрға ишонтириб, бирга қароргоҳга қайтишди. Чодирдаги яккама-якка суҳбатда амир Хусайнни мўғулларга қарши биргалиқда курашга чақирди. Ўзига эътиборсизликдан соқол-мўйловлари ўсиб, машаққат ва изтироблардан чакка сочлари эрта оқара бошлаган қайноғасига Темурнинг жон куйдириб айтаётган мулоҳазалари ёш боланинг валдирашидай туюларди.

– Сенда юз йигит, менда икки юзта, жами уч юз навкар билан мўғулга ёғий бўлмоқчимусен? – деди у истеҳзо билан Темурга беписанд боқиб.

– Агар уч юз навкар билан ғанимнинг бирон тўпини яқсон қилиб доврўқ солсак, бир кунда кучимиз ўн баробар ошадур, – деди Темурбек қатъий ишонч билан. – Чунки курашга ташна йигитлар Мовароуннахрда бисёр. Бизга қўшилмоқчи бўлган талай йигитларга мен: “То дарак бергунимча, имкон қадар қурол-яроғ топиб, машқ қилиб туринг”, деб ҳарб ишига моҳир навкарлардан устозлар қолдирдим. Чунки довталабларнинг барчасини Қандаҳорга бошлаб келмоқдан маъни йўқ.

Бошини куйи солиб ўтирган Хусайн бирдан қадини ростлаб, ўлжа ҳидини пайқаган қирғийдек қисик кўзлари ялтиллади.

– Савашга иштиёқинг шунчалик экан, аввал Сейстонга юриш қиламиз!

– Не учун? Ахир, душман шимолда, курашдан мақсад Мовароуннахрни мўғуллардан озод этиш-ку!

– Арзимаган куч билан мўғулга бас келиб бўлмас. Сейстон малики Фахриддин вилоятидаги исёнчиларни бостириш учун мени мададга чорламыш. Катта молу мулк ҳамда жами ўлжани ваъда қилган. Аларни қўлга киритсак, сўнгра, эҳтимол, Мовароуннахр сафарига отланармиз.

Темурбек оғир ўйга толди. Бу тадбир мўғулларга қарши кураш бошлашни муайян муддатга кечиктирса-

да, бироқ бусиз Ҳусайн билан мурасага келиб бўлмаслигини сезиб, розилик берди.

Ўлжой Туркон оғо амир Ҳусайннинг ҳарами жойлашган чодирда эди. Ҳарамда ҳам ваҳима босилган, мадад келганидан барча шоду хуррам. Ўлжой Туркон оғонинг ташрифи муносабати билан базм бошланиб, чолғу садолари, шўх тароналар тараларди. Муסיқа тинганда аёллар чақчақлашиб, шодон кулишарди. Амир Ҳусайн чодирини тарк этган бек қароргоҳ чеккасидан жой олган ўз навкарлари томон отланаркан, ҳарам чодирдан янграётган чинни жаранги янглиғ кулгу қулоғига чалиниб, юраги ҳаприқиб кетди. Бу овоз эгаси Темурбек учун ғоят азиз хилқат эди...

Сейстондаги муҳорабалар мовароуннаҳрликлар ҳарб ишига нечоғлик моҳир эканликларини кўрсатди. Малик Фахриддин катта лашкари билан ойлаб қамал қилиб ололмаган қалъаларни Ҳусайн ва Темур тадбир билан бир неча кунда ишғол этишарди. Бутун Сейстон бўйлаб “ўқ ўтмас, ўтда ёнмас, сувда чўкмас” баҳодирлар ҳақида овозалар тарқалиб, маликнинг аксарият рақиблари тор-мор этилиб, қолганлари писиб қолишди. Малик Фахриддинголиб мовароуннаҳрликлар қароргоҳига зиёфат учун пода-пода қорамол, қўй-эчкилар, катта мешларда Шерозу Исфаҳондан келтирилган аргувоний шароблар жўнатди. Буларни келтирган сейстонликлар, иттифоқчиларни қутлаш ҳамда ваъда этилган олтинларни топшириш учун эртага маликнинг ўзи аркони давлат билан ташриф буюришини хабар қилишди.

Қароргоҳда базм қизигандан қизир, барча қатори Темур ҳам масрур эди. Малик берадиган олтинлар билан йирик лашкари бемалол қуроллантириш мумкин. У шаробдан тийилса-да, ўзига эрк бериб, Сейстонга келганларидан бери илк бор совутини ечиб, чолвор ва қўйлақда хотиржам ухлашга ётди. Лекин тонгга яқин ҳайқириқлар, отларнинг кишнаши ва шовқин-сурондан уйғониб кетди. Сапчиб турганида, чодирга югуриб кирган яроқбардори бақирди: “Ёғий босди, бегим, ёғий!”. “Қанақа ёғий?!” – ўқдек ўтди бекнинг хаёлидан. Бироқ ўйлашга фурсат йўқ. У шоша-пиша қилич осиглиқ камарини белига тақиб, дубулға ва тўнни кийди-ю, чодирдан отилиб чиқиб, оти томон югурди. Яроқбардор майда сим ҳалқачалардан тўкилган оғир пўлат совутни кўтариб, унинг изидан чопди. “Совутни кийиб олинг, бегим! Ёғий ёмғир бикин ўқ ёғдирмоқда!” Бу пайтда Темурбек отга минган, вазиятни баҳолаш учун ҳар томонга назар соларди. Қароргоҳнинг нариги чеккасида чодирлар ёнар, амир Ҳусайн ва ҳарам чодирлари жойлашган марказдан қиличлар жаранги, аёллар фарёди қулоққа чалинарди. Қароргоҳ бўйлаб отликлар бетартиб чопар, нафақат навкарлар, ўнбошию юзбошилар ҳам саросимага тушишгани учун, жанговар сафга тизилишмас эдилар. Жанг натижасини баъзан бир неча дақиқа ҳал этишига кўп бора гувоҳ бўлган Темурбек совутни кийишдан бош тортиб, буюрди: “Туғни кўтар! Ҳукмдоримиз ва анинг ҳарами хавф остида. Жангга, йигитлар!”

Туғ остида зумда совутли-совутсиз жангчилар йиғилдилар. Темурбек зирҳли либосдагиларга олдинга ўтишни буюриб, жангга отланишганда, йўлда Ҳусайн хос навкарлари билан кўринди.

– Темурбек, чекинмоқ зарур, – деди у хансираб. – Ҳақимизни бергиси келмаган малик Фахриддин хиёнаткорона босқин қилмиш!

– Аёллар-чи, хожам?! Ҳарам омонми?

– Аёлларни ўйлайдиган вақт эмас ҳозир. Ҳатто Чингизхон, дўппи тор келганда, хотини Буртачинни душмани маркитлар қўлига ташлаб қочмиш. Оқил кимса аёлни деб, ўз бошини хатарга қўймас.

– Чингиз менга ибрат бўлолмайдур! Ўз танмаҳрагим ва хожам ҳарамини ёғий илқиға ташлаб қочгандан кўра, ўлим афзал!

Ҳусайн заҳарли ишшайди ва “нодон” деган каби бошини чайқаб, отига қамчи уриб ўтиб кетди.

Совутсиз бўлишига қарамай, шижоати ўн чандон ошган Темурбек жангда эҳтиёткорликни ҳам унутиб, олдинги сафда туриб савашди. Унинг кескир қиличи қуёшнинг илк нурларида ялт-юлт қилар, ўнгу сўлга ажал сочарди. Сейстонликлар ҳужумдан мудофаага ўтишга мажбур бўлдилар. Темурбек атрофида жипслашган мовароуннаҳрликлар ёғий устига жонли қоядек сурилиб борарди. Улар бирпасда ҳарам аёлларини судраб кетаётган ёғий жангчиларига етишди. Бир нечаси маҳв этилгач, қолганлари тумтарақай бўлишди. Чекинаётган сейстонликлар ортиқ қўл жангига журъат қилолмай, ёйандозликка зўр беришарди. Темурбекнинг ўнг билагига камон ўқи зарб билан санчилганда қиличи қўлидан учиб кетишига сал қолди. Бек дарҳол қилични чап қўлига олди ва боши узра кўтарди. Жангчиларни олға бошлаётганида яна бир ўқ ўнг оёғига санчилди. Хос навкар уни орқадан суяди.

– Бегим, сиз яраландингиз! Ҳукмдор ҳарами қутқарилди, инчунин, жанггоҳни тарк этсак ҳам бўладур!

– Жанг охирига етмасдан чекиниш нақд ғалабани кўлдан беришдур. Ёғий сафлари тўзғитилсин!

Саркарда буйруғига кўра жангчилар олға босишди. Қутқарилган аёллар орасидан Ўлжой Туркон оғо фарёд уриб югуриб келиб, чакиллаб қон томаётган узангига ёпишди.

– Хожам, халоскоримиз, тез отдан тушинг, табиблар илож қилсинлар. Акс ҳолда, Худо кўрсатмасин, ногирон бўлиб қолурсиз!

Ранги оппоқ оқарган Темурбек, унинг сўзларини эшитмаётгандек, кўзларини жанггоҳдан узмасди. Ҳарам аёлларидан яна бири яқинлашганда, у ҳижобда бўлса-да, Темурбек савқи табиий билан таниди. Учинчи камон ўқи юрагини мўлжаллаган каби эгар устида билинар-билинимас қалқиди.

– Темурбек, мен – малика Сароймулкхоним! Сиз бурчингизни шараф билан адо этдингиз. Ёғий мағлуб этилди. Амир Ҳусайн номидан буюрамен: отдан тушинг, токи табиблар муолажа этгайлар!

Маликанинг овози Темурбекнинг қулоғига жангчиларнинг “ёғий қочди, ёғий қочди!” деган ҳайқириқларидан ҳам кўпроқ хуш ёқиб, сўнги кучини тўплаб: “Амрингиз бош устига, маликам!” деди-ю, кўп қон йўқотганлиги туфайли шу заҳоти хушидан кетди.

Шу тариқа, Темурбек гуллаган йигитлик даврини амир Ҳусайнга садоқат билан хизмат қилиб, маккор мўғулларга қарши матонат билан курашиб, ёш бошини доимий хатарда қўйиб кечирди. Деярли барча жанг жадалларда ўз бўлуки билан жанггоҳнинг энг оғир қисмида бўлиб, Мовароуннаҳрни қадамба-қадам мўғуллардан тозалаб, Ҳусайнни тожу тахт соҳиби қилди. Мовароуннаҳрнинг ўзи кўтарган янги ҳукмдорини чин дилдан муборакбод этар экан, ўн минглаб йигитлар қони эвазига қўлга киритилган истиқлолни мустаҳкамлаш лозимлигини айтиб, бобоси Қазағондан ҳам кўра оқилона сиёсат юргизиб, унинг хатоларини такрорламасликка

чақирди. Мовароуннаҳр сарҳадлари бехатарлигини таъминлаш учун мўғулларни ўз уяси Мўғулистонда яқсон қилиш зарурлигини, кўшинга ўзи бош бўлиб боришга тайёрлигини айтди. Бироқ, афсуски, Хусайнда бобоси Қазоғон даражасидаги ҳукмдор бўлиш салоҳияти йўқлиги тезда ойдинлашди. Унинг амирларни жипслаштириш ўрнига, бир-бирига қарши гижгижлаб, мўғулларга қарши курашда жасорат кўрсатган саркардаларга оғир солиқлар солиб, нафақат амирлар, балки бутун элу юртнинг умиду ишончини оқламаганидан Темурбек чеккан изтироблар Сейстондаги жангда ўнг қўли ва ўнг оёғига камон ўқи санчилгандаги жисмоний оғриқдан ҳам кучлироқ эди.

Нафс қули бўлган Хусайн буюк Турон давлатини яратиш йўлида мўғуллар янглиғ тўғаноқ эканлигини англаган Темурбек, қайноғасининг бир неча суиқасдларидан омон қолгач, фитнакор Хусайнга қарши исён кўтариб, уни пойтахти Балхда забун қилди...

Ниҳоят, у ғолиб, она диёри Мовароуннаҳрда оқилонга тартибларни ўрнатмоққа киришмоғи мумкин. Лашкарга сафарга ҳозирланиш учун фармон берилган. Эрта-индин Жайхунни кечиб ўтиб, ғолибу музаффар ҳолда Мовароуннаҳр заминига қадам қўйишади. Бироқ бутун қароргоҳда ёлғиз Темурбек ҳали амир Хусайн устидан қозонган ғалабасини тугал деб ҳисобламайди. “Сароймулкхоним меники бўлгачгина мутлақ ғолиб бўлурмен”, дея нечанчи бора кўнглидан ўтказди у. Аслида амир Хусайн ҳалокатидан сўнг кўп ўтмай, унинг ҳарамидидаги тўрт аёлни ўз ўрдусига жойлаштиришни буюрган. Бошқаларини донгдор амирларга улашди. Мана, иdda муддати ҳам ўтди. Ғолиблик ҳуқуқига кўра, у Сароймулкхонимга бемалол уйлана олади. Қадимдан одат шундай. Чингизхоннинг “Дунёнинг олий лаззати мағлуб душманнинг ўлжа тушган тулпор отларини миниш, асира хотинлари билан ишрат қилиш”, деган сўзлари бу одатни қонунийлаштиргандек эди.

Темурбек Хожа Уккошадан қайтиб, чодирга кирмасдан, қароргоҳ чеккасидаги хушманзара жойга тикилган Сароймулкхоним ўтовни томон отланаркан, юрагида жанг олдидагидан кам бўлмаган ҳаяжон туйди. Бек Сароймулкхоним жисмангина эмас, қалбан ҳам ўзиники бўлишини хоҳларди. Бироқ чингизий Қозонхоннинг мағрур қизи қалбини забт этиш Мўғулистон хони Илёс-хожа ёинки амир Хусайн лашкарини яқсон этишдан-да оғирроқ туюларди...

Сароймулкхонимни Темур илк бор қизалоқлигида кўрган. Ўшанда у отаси Тарағай баҳодирга ҳамроҳ бўлиб, Жайхун бўйидаги Солисарой шаҳрига – амир Қазоғоннинг ўрдусига борган эди. Отаси Қозонхон ўлимидан сўнг амир Қазоғон ўрдусида тарбияланаётган, ҳали ўн ёшга тўлмаган Сароймулкхоним бошидаги уқпар қадалган жиғаси билан бошқа қизлардан ажралиб турар, ноёб ҳусни, шаддодлиги, ўктамлиги тилга тушган эди. Қозонхон бир неча йил бурун ўлдирилган бўлса-да, Чингизхон авлодларига ҳурмат-эҳтиром бутунлай йўқолмаган эди. Темур Қазоғоннинг набираси Хусайн ва бошқа амирзодалар билан дўстлашди. Турли вилоятларда улғайган амирзодалар, оталари ҳали-ҳануз кўпроқ кўчманчилик одатларига риоя қиладиган амир Қазоғон чодирдаги машваратда иштирок этишаётганда, аткалар назоратида чавандозлик, тирандозлик, қиличбозлик машқлари билан машғул эдилар. Машваратдан сўнг серҳашам ипак саропардадан ташқари чиққан амирлар ўсмирлар машқларини куза-

тишганда, Темур дадиллиги, чапдастлиги, сардорликка интилиши билан бир кўзи кўр, лекин назари ўткир амир Қазоғоннинг назарига тушган.

– Кейинги йилларда Қарочор нўён авлоди бўлган Тарағай баҳодир ҳарбий сафарлари жангу жадаллардан шайхлар суҳбатини афзал кўриб, шайх Шамсиддин Кулолга қўл бериб, лашкаргоҳга эмас, хонақоҳга серқатновлигидан таажжубда эдим, – деди Мавороуннаҳр амири ягона кўзини машқ майдонидан узмасдан. – Бугун ўғли Темурбекнинг шижоатидан кўрдимки, Қочувли баҳодир ва Қарочор нўён каби улуг саркардалар истеъдоди Тарағай баҳодирда бир оз дам олиб, Темурбекда бор бўй-бастини кўрсатишга чоғланибдур.

Амирлар бу гапни ярим ҳазил, ярим чин қабул қилиб, кулиб қўйишди. Тарағай баҳодир ўғли шаънига билдирилган мақтовлар учун Қазоғонга қуллуқ қилди...

Амир Хусайн ва вояга етган Сароймулкхонимнинг тўйи ҳам Солисаройда бўлиб ўтган. Ошиқ Темурбек тақдир тақозоси билан куёвжўралар сафида эди. Келинлик либосидаги Сароймулкхоним янада очилган, гўё осмондаги тўлин ой ерга тушгану, барча атрофида юлдузлар каби парвона.

“Ой тугул, заминда ҳатто Қуёшга ҳам ҳожат йўқ каби”, дея кўнглидан ўтказди ўшанда Темурбек ва беихтиёр шоир байтини пичирлади:

Агар кун туғмаса ҳам ёқту қилғай,

Юзинг нури бу дунёнинг саройин.

Келин салом пайти амир Қазоғон Сароймулкхонимнинг пешонасидан ўпиб, ёш келин-куёвларга зар ўтов инъом этган, унинг ичидаги анжомлар бари асл матолардан эди. Сарой олдидаги гулзор ўртасида тикилган оловдай ўтовнинг тўрига заррин чимилдиқ тикишди. Мамнун Мовароуннаҳр ҳукмдори ўзини неварани келин билан муборакбод қилаётган аъёну амирларга деди:

– Маълумингизким, Қозонхон билан жангда бир кўзимдан айрилган эдим. Бугун Қозонхоннинг нуридийдаси, Чингизхоннинг зурёди неварани келин бўлиб хонадонимга қадам қўйганида, ўша йўқотган кўзимни қайта топтагандай бўлдим.

– Қозонхон руҳи ҳам амирзода Хусайн каби баҳодир куёв билан фахрланиб, сапчадек узилган бошига ортиқ ачинмаса керак, – ҳазил қилди маст амирлардан бири.

Қувончдан ял-ял ёниб турган келини чеҳрасига бирдан маҳзунлик соя ташлаганини сезган Қазоғон сурбет амирга ўқрайиб қаради-ю, тўй бузилмаслиги учун ғазабини тийди.

Келин-куёв чимилдиққа кириб кетишгач, чодир олдида тик турган амиру амирзодалар қўлларидаги жомларга соқийлар кўзалардан май тўлатишди. Майни соқол-мўйловларига томизиб сипқорган маст-аласт амирлар “Амир Хусайн Кўрагон, амир Хусайн Кўрагон”, дея бақира бошлагач, Темурбек ортиқ чидаёлмади. Кўлидаги жомга лаб ҳам теккизмасдан, амирларнинг ичишини тамшаниб кузатиб турган бир навкарга тутқазди ва тўйхонани тарк қилиб, сарой отхонасидаги отини эгарлади-да, сувор бўлиб, Солисаройдан ташқари чиқди. Шаҳар девор билан ўралмагани сабабли, уни биров пайқамади. Темурбек от чоптириб, Жайхун соҳилига чиқди. Яйдоқ жойда от жоловини тортиб, ирғиб ерга тушди. Дарё ой ёруғида жимирлаб оқарди. Йигит ўзини дарёга отгиси, муздек сув

бағрида юрагини ўртаётган ҳовурини босгиси келарди. Ички бир овоз ўзини қўлга олишга даъват қилди: “Темур, ўзингни бос! Сароймулкхонимга уйланиб, кўрагон бўламен, деган хомхаёлдан ниҳоят қутулганинга шукр қил. Ахир у хон қизи. Амирзода Ҳусайн балки келажакда Мовароуннаҳр ҳукмдори бўлар. Бинобарин, алар бир-бирига муносиб. Бу никоҳдан чин дўстлар фақат шодланмоғи зарур. Сенинг муҳаббатинг ... агар муҳаббатинг чин бўлса, Сароймулкхонимнинг хожаси амирзода Ҳусайнга аввалгидан ҳам кўпроқ садоқат билан хизмат қилиб, анинг дўстларига дўст, душманларига душман бўлғайсен, Муҳаббат бикин олий туйғу фақат эзуликка йўлламоғи зарур. Ахир, бежиз шоир Хоразмий “Муҳаббатнома” отлиғ дoston яратмаган ва сен Оллоҳ каломи Қуръони каримни ёд олганинг каби, бу дostonни ҳам бежиз ёдламадинг”.

Солисаройдан Кешга қайтишаётганда Темурбек маънос эди. Бу ҳол отаси назаридан четда қолмади. Бекзодани яхшироқ қузатишга тайинланган мулозим Темурбек худ-бехуд “Муҳаббат нори жондин кетмади ҳеч, Қўлум сим олмангизга етмади ҳеч”, дея пичирлаётганини, гўё кўз ёшисиз йиғлаётганини айтганида, до-нишманд Тарағай баҳодир гап нимадалигини англади. Бироқ ўғлининг ярасини тирнамаслик учун бу ҳақда ҳеч кимга, ҳатто хотини Тегина бегимга ҳам индамади.

Уйга етганларидан сўнг бир неча ой ўтгач, Тарағай баҳодир Солисаройга совчилар жўнатиб, амир Қазағоннинг невараси, амирзода Ҳусайннинг синглиси Ўлжой Туркон оғони ўғли Темурбек учун сўраттирди. Совчилар шоду хуррам қайтиб, катта суюнчилар олишди.

– Тарағай баҳодирнинг шундай нияти бор экан, олдинроқ билдирганида Ҳусайннинг тўйига Темурбек-никини ҳам қўшиб, қўшалоқ тўй ўтказардик, – дебди амир Қазағон. – Неварам Ўлжой учун Темурбекдай муносиб куёвни нафақат Чиғатой улуси, бори тўрт улусни кезиб чиққанда ҳам топишимиз даргумон.

Янгаси Сароймулкхоним билан ҳусн талашадиган Ўлжой Туркон оғо Темурбекнинг кўнгил ярасига малҳам бўлди. Темурга, айниқса, унинг Сароймулкхонимни ғоятда эҳтиром қилиши, ҳар жиҳатдан унга ўхшашга интилиши ёқарди. Хотини оғзидан бол томиб янгасини мақтаганида Темурбек уни қучиб, даст кўтариб: “Хон эмас, амир қизи бўлсанг доғи, сен ҳам хонзодалардан кам эмассен. Туркона қалбимни ўлжа олдинг-ку, Ўлжой Турконим”, деб эркаларди...

Сароймулкхонимга ўзи совға қилган оқ ўтов рўпарасида Темурбек отдан тушди. Туя жунидан тўқилган оқ наmatдан тикилган ўтов ям-яшил ўлангда гўё ложувард осмонда сузиб бораётган бир тўп оқ булут каби ярқираб турарди. “Тўйида амир Қазағон совға қилган зар ўтовдан ўтса ўтадики, лекин қолишмайди”, – кўзи қувониб, кўнгли тўлиб, ўтовни назардан кечирди бек.

Қазағон ҳадяси зар ўтов эскиргач, малика янгисини кўргани даргумон. Чунки амир Ҳусайннинг ҳарамиди бош хотини Тармаширинхоннинг қизи Суюнч Қутлуғ оғонинг мавқеи юқори эди. Хасислиги етти иқлимга дoston амир Ҳусайн от эгарига ишқаланиб йиртилган чолворига ямоқ қўйдириб кияр, инчунин, хотинлари тўй куни олганидан бошқа совғани умид қилишмаса ҳам бўларди.

Малика унинг келишидан воқиф, эҳтимол, ичкаридан кузатиб ҳам турганини билган Темурбек имкон қадар ўнг оёғининг оқсоқлигини билдирмасликка тиришиб, шаҳдам қадамлар билан ўтов томон юрди. У ичкари киргач, канизақлари билан ўтов ўртасида тур-

ган ҳарир либосли Сароймулкхоним тақинчоқларини жаранглади таъзим қилди. Йигирма етти ёшли маликанинг оқи оқ, қизили қизилга ажраб, латофат ва малохати кўнглини орзиқтирар эди.

– Хуш келибсиз, улуғ ҳукмдор, марҳамат қилинг. – Сароймулкхонимнинг овози Темурбекни ўсмирлигида ўзига мафтун қилган қизалоқнинг кўнгиноқдек жарангдор кулгусини эслатди.

Ўтов тўрида чиройли дастурхон тузалган, бахмал кўрпачалар ёзилиб, парку болишлар қўйилган. Темурбекнинг овози шиддат ва қатъият билан янгради:

– Сиз бирла бир неча дақиқа холи суҳбатлашмоқчи эдим, хоним!

Сароймулкхоним ишораси билан канизақлар икки букилиб ўтовни тарк этишди. Малика Темурга савол назари билан қаради. “Мағрурликни қўлдан бергиси йўқ, – суқ билан тикилди бек. – Бироқ, айна хислати унга ғоят ярашадур”.

– Идда муддати тугади, хоним. Қўлингизни сўраб келдим. Каминанинг никоҳига кирсангиз!

– Қўлингизда асирамен-ку! Асиранинг розилигини сўрашингиз ажаб.

– Бироқ сиз бикин олийнасаб хонзода уйимга ўз розилиги билан қадам қўймоғини истардим.

– Рози бўлмасам-чи?!

Темурбек жанг бошидаёқ ёғий лашкарининг қақшатғич зарбасига ўтру келиб эсанкираган саркарда янглиғ қалқиб тушди. Бир дам тили калимага келмади. Бу малика назаридан четда қолмади. Йигитга ичиди ачинди, бироқ томирларига аждодлари қони жўш уриб, хотиржам жавобни кутди.

– Нега ахир, хоним? Сиз бир умр амир Ҳусайнга садоқат сақлаб, бева ўтмоқчимисиз? – деди бек бўғиқ овозда. Унинг кенг пешонасида маржон-маржон тер доналари ялтиради. Лаблари қимтилиб, қирра бурни парраклари керилди. – Ўйлаб кўринг, у бунга арзийдими? Ҳусайн ҳарамини, болаларини, ундан ҳимоя кутган барчани ўз ҳолига ташлаб, жонини қутқариш учун қочди-ку! У кўрагон янглиғ шарафли унвонни оқламади. Унинг заволи ушбу номардлигининг ҳақли жазосидур.

– Сизга кўрагон унвони керак экан, Суюнч Қутлуғ оғони нега Баҳром жалоийрга бердингиз?

– Хоним, сизга фақат унвон учун уйланиш ниятида эмасмен. – Темурбекнинг овози яна шиддат касб этди.

– Чингизийлар хонадонидан қайлиқ топиш мушкул эмас. Менга маслаҳатгўй оқила ёр даркор. Раҳматли рафиқам Ўлжой Туркон оғо ўрнини фақат сиз боса оласиз. Агар амир Ҳусайн маслаҳатларингизга қулоқ солганда қисмати машъум хотима топмас эди. Мен ҳам унга рақиб эмас, балки самимий дўст ва садоқатли саркарда бўлиб қолардим.

– Сиз амир Ҳусайнга берган маслаҳатларимдан воқиф эдингизму?

– Ҳа, қисман, албатта. Ўлжой Туркон оғо сиз бирла суҳбатларидан баъзиларини менга нақл қиларди. Маслаҳатларингизда лутф юзасидан баъзан каминанинг номини ҳам зикр этишингиз, амир Ҳусайнни менга суюнишга ундаганингизни эшитиб, ифтихор ҳиссидан бошим кўкка етарди. Шу боис, ҳатто амир Ҳусайн бир неча бор хиёнаткорона суиқасд уюштирганида ҳам, уни қўллашдан воз кечмадим. Инсофу адолат йўлига кирар, деб умид қилдим. Бироқ Ўлжой Туркон оғо вафотидан сўнг Ҳусайн билан мени боғлаб турган сўнги ришта ҳам узилди.

– Ҳа, бечора Ўлжой менинг ҳам ягона иттифоқчим эди, – деди Сароймулкхоним чеҳраси ва овозига маҳзунлик иниб. – Иккаламиз сиз билан амир Ҳусайнни мурасага келтиришга уринар, наинки ўзимиз, балки элу юрт саодатини ҳам шунда деб билар эдик. Ўлжой вафотидан сўнг мен яққаланиб, амир Ҳусайн маслаҳатларимга мутлақо қулоқ солмай қўйди.

– Гапни гапир уққанга, жонни жонга суққанга! – Темурбек жанггоҳдаги оғир вазиятни ўнглаган саркарда каби устунликни ўз қўлига олиш учун қарши ҳужумга ўтди. – Билсангиз, хоним, сиз каби оқила маслаҳатгўйга ҳар қачонгидан муҳтожмен. Илло, неча йиллардан бери кўнглим тубида ардоқлаб юрган улуғ режаларим бор. Тўғри, садоқатли бекларим, эгачим Қутлуғ Туркон ого мададу маслаҳатларини аяшмайду. Бироқ менинг ёрим, ёстикдошим ҳам бунёдкорлик режаларимни қўллайдиган, жўяли маслаҳатлар бериб, амирлар айтолмайдиган хатою нуқсонларимни кўрсатса, қанийди!

– Қай режалар хаёлингизни банд этмиш?

– Буюк Турон давлатини тиклаш! Бир юз эллик йил аввал жаҳонгир бобонгиз поймол қилган Туронни бор бўйи-басти билан тиклашда менга мадақдор бўлсангиз! Бу улуғ тадбир йўлида бурун ҳам баъзи ҳаракатлар қилинса-да, кўнгилдагидек натижа бўлмади. Чиғатой улусининг чингизий хонларидан баъзилари ҳам Мовароуннаҳрда кучли давлат яратишга уриндилар. Кепакхон Қаршини, Тармаширинхон Бухорони пойтахт қилди. Бобонгиз Қозонхон Занжирсаройни қурдирди. Турк амири Қазағон ва авлодлари ҳам баҳоли қудрат бунга интилишди. Бироқ биронтаси бу шарафли ишни уйдалаёлмади. Фикри ожизимча, ўзини Туронзаминнинг содиқ фарзанди ва туркий халқнинг фидойи йўлбошчиси, деб билган шахсина бу қутлуғ вазифага қодирдир. Туроннинг қадимий пойтахти Самарқанд бир ярим асрдан бери ярим вайронадур. Мен Туронни тиклашни диёримиз қалби Самарқандни тиклашдан бошламоқчимен!

Темурбекдаги жўшқинлик маликага ҳам ўтди, чеҳрасида ҳайрат ва фусункорлик жилваланди.

– Чингизхон бузган юртни тузиш учун ундан-да буюкроқ хоқон бўлмоқ лозим. Сиз чиндан улуғ ишларга қодирсиз, Темурбек, – деди Сароймулкхоним тўлқинланиб. – Қанд каби ҳуш ёқадиган бу режангиз ажойиб самарлар келтиришига аминмен!

Маликанинг сўз ўйинидан завқланган Темурбек, ғаним туғини эгаллаган саркарда янглиғ дадил олға юриб, унинг хипча белидан қучди. Ўтли нигоҳ билан хонзоданинг тўлин ой мисоли оразига, қийғос кўзларига боқаркан, хитоб қилди:

*Латофат мулкининг соҳибқирони,
Мувофиқ суратинг бирла маоний!*

– Шоир Хоразмий муболаға қилмиш, ашъор сеҳри сизни-да адаштирмиш, – деди Сароймулкхоним қувлик билан. – Чунки бу оламда соҳибқирон ягонадур!

– У ҳолда соҳибқирон қалбининг соҳибаси ҳам ягона, – деди Темурбек маликанинг ипак дурраси остидан мўралаган гажакдор зулфани меҳр билан силаркан.

Сароймулкхоним меҳрга жавобан майин табассум ҳадя қилса-да, йигитнинг кучоғида эриб, ўзини йўқотиб қўймади.

– Самарқандни тиклашни муодофаа девори бунёд этмоқдан бошламоқ зарур. – Маликанинг иссиқ на-

фаси ва момиқ бадани таъсирида маст бўлаёзган Темурбек бу сўзлардан дарҳол ўзига келди. – Муҳташам саройлар, масжиду мадрасалар сўнгроқ қурилса ҳам бўладур. Чунки жаҳонга ҳукмрон бўлиб ўрганган чингизийлар ўз иддаоларидан осон воз кечишмайду. Ўзим чингизийзода бўлганим учун аларнинг сажиясини яхши билурмен. Сиз қурганни мўғуллар, албатта, бузиш пайида бўлишади. Чунки муҳташам иморатлар, мадрасаларда ўқитиладиган китоблар туфайли халқ хотираси уйғониши, ғурури ва шижоати қад ростлашини билишади, инчунин, бунга йўл қўйишни асло ишташмайду.

– Илк маслаҳатингизоқ кўнглимдаги режаларга уйғунлигидан бахтиёрмен, хоним, – деди Темурбек. – Биз гўё икки таңдаги ягона жонмиз. Бундан буён наинки мўғуллар, балки яъжуж-маъжужларни ҳам Искандар каби даф этишим шубҳасиз.

– Яъжуж-маъжужлар бир соридан босиб келмиш. Сиз ўнгу сўлдан, олддан ва ортдан ҳамла қиладиган ғанимлар зарбасига ҳозир бўлинг.

– Гапингиз рост. Чор атрофимни ўраган ғанимларга бас келиш учун муодофаа девори ва лашкарнинг ўзи камлик қиладур. Бироқ мен Мовароуннаҳр раиятининг ишончи ва ихлосини қозонмоқчимен. Аларни зулму ситамдан озод қилиб, эркинлик бахш этамен. Халқ қудрату салоҳиятини намоён этиши учун озод бўлмоғи зарур. Хоразмшоҳ Султон Муҳаммад ҳам Самарқандни мустаҳкам девор билан ўраттирган эди. Бироқ нега ҳимоячилар охиригача курашмай, дарвозаларни ёғийга очиб беришди? Назаримда, хоразмшоҳ раиятнинг ишончи ва ихлосини қозонолмаган. Агар раият менга ишонса ва садоқат сақласа, Самарқандни ҳеч қандай ёв ололмайду.

Сароймулкхоним жон қулоғи билан эшитар, Темурбекнинг мулоҳазалари унга ёқаётгани дам-бадам табассум қилишидан билинарди.

– Самарқанд Афросиёб, Искандар ва Чингизхонлар қадами етган шаҳар, – деди малика ўйчан ҳолда. – Турон хоқони Афросиёб даврида у қўш иқлим пойтахти эди. Искандар ва Чингизхон уни жаҳонгирлик йўлида забт этишди. Сизни, хожам, ўтмиш турк хоқонларидан танҳо Афросиёбга менгаш мумкин. Иншооллоҳ, Туроннинг Афросиёб давридаги жаҳоний мавқеини тиклағайсиз!

Ашъор девонлари мутолааси таъсирида Темурбек баъзан бадиҳатан байтлар айтар, бироқ ўзини шоир ҳисобламагани учун қоғозга туширмас, бировга ўқимас ҳам эди. Бугун муҳаббат туғенида бир бадиҳа байтни қўйнидаги маҳлиқога илинди:

*Аё, лолаюзлигим, Сароймулкхоним,
Не дерсиз, Самарқандда тўй қилсак, жоним?!*

Малика нозик қўлларини бекнинг елкасига ташлаб, бўйнидан оҳиста қучиб, жавоб байт ўқиди:

*Самарқанд жаннат эса, мен бўлгум малак,
Ҳукмингиз бошимга тож, соҳибқироним!*

Сўнгра йигит кўкрагига бош қўйиб, давом этди:

– Агар мумкин бўлса, Конирил яйловида тўй қилайлик! Улуғ бобом Чингизхон қодирини тиккан жойда орзуларимиз каби оппоқ ўтов тикайлик. Юз эллик йил аввал Туроннинг энг машъум кунларидан бири юз берган бўлса, ниҳоят, унинг иқбол тонги Самарқандда отсин!

Бахтдан масрур Темурбек ёрини бағрига тортиб, ақиқ лабига лабини босди.



Дилишод РАЖАБ

Боқиб бағрим

тўлур зиёга



ЎЗБЕКИСТОН

Не-не таъриф-ташбеҳ битдилар,
Мангу илҳом, мангу имконсан.
Икки дарё оралигида
Жўшиб ётган улкан уммонсан.

Бағрингни дур-марварид каби
Эзгуликлар этмишидир маскан.
Ёмонлигу ёвлар йўлига
Икки дарё кўндаланг ҳар дам.


Боқиб бағрим тўлур зиёга,
Сен – кўзимнинг оқ-қоралиги.
Алишмасман икки дунёга
Икки дарё оралигини!



ЙИЛ ИСТАГИ

Бу юрт эртасидан хабар –
Кўкда заррин ҳилол бўлгай.
Яна яшнар дала-даштлар,
Ҳаво соф, сув зилол бўлгай.

Назар қилган замин, ер бу,
Мудом тинчлик гамин ер у,
Кам эмас, камтарин эл бу,
Ки камтарга камол бўлгай.



Тўкиб тер, тинмагай жони,
Осмонга устун хирмони,
Очиқ қўли, дастурхони,
Бутун нони ҳалол бўлгай.

Юксалур, куч олиб кунда,
Ойдайн балқар очунда,
Боболар барҳаёт бунда,
Болалар баркамол бўлгай!

СУКУТ САРҲАДИ

Жим турдимми,
Қилдимми сукут?..
Шовқинларга аралашмадим,
Амал-тақал кун кўрдим гоҳи,
Сўз сотиб, амал талашмадим.

Жимман. Кимман, мен бир меҳнаткаш,
Енг ишариб билагимгача,
Жим ишлайман, бу сукутимнинг
Чегараси юрагимгача.

ҚАДОҚ ҚЎЛ ҚИССАСИ

Қул сўзига уйқашроқ номи,
Қисмати ҳам ўхшар нақадар.
Фақат меҳнат, меҳнат касб-кори,
Қора ишда суяги қотар.

*Эрта-кеч ер тирнаб, букилиб,
Кафти қадоқ, ҳоли бир хароб.
...Хирмон тўлиб, ҳосил уюлиб,
Охир бир кун бўлар сарҳисоб.*

*Бийрон сўйлар Тил, керилар Қош,
(Йиғинларда сал тин олади.)
Тўн – елкага, дўппи кияр Бош,
У-чи, қарсак чалиб қолади.*

ЭРТАГИМ

*Меҳринг қайнар хумчадир,
Қаҳринг – ур тўқмоқ, ёмон.
Кўнглингни ёз менга бир,
Кўнглинг – очил дастурхон.*

*Ҳажринг – борса-келмас йўл,
Тароқ – ўрмон, кўзгунг – қўл.*

*...Ишқ ёққан олов дилим,
Сен бўл-да, Оловиддин,
Севгим – сеҳрли чироқ;
“Тундай тарқасин фироқ!”*

*...Эртак-ку бу, албатта,
Етгум мурод-мақсадга!*

СУРУР

*Борлиқ бермиш борини:
Сув-ҳаво, гул, қорини...
Фойдалан ва барини,
Эъзоз эт, зарар қилма.*



*Ёсуманмас, гул-ку – бу,
Сен деб куйлар булбули,
Лабга сур бол кулгуни,
Хандани заҳар қилма.*

*Ҳаққа юзлан, ол таниб,
Ғанимисан ё ғариб,
Бандасига сарғайиб,
Ол юзинг зафар қилма.*

*Ўткинчи бу дунёси,
Ғувв, эсган ел – қиёси,
Кўй молу мулк ғавгосин,
Жонингга хатар қилма.*

*Зўр имкондир бу ҳаёт,
Қур, ярат, ёз, қил ижод.
Эл дардида ён, Дилишод,
Умринг бесамар қилма.*

ШЕЪР МАШҚИ

*Куну тунга бир қаранг
Бунча тез алмашади,
Оқ-қора икки ранг
Умримни талашади.*

*Кундузи оқ ниятлар
Ортидан қолмагайман.
Тунлари оқ қоғозни
Қоралаб толмагайман.*

*Оқ-қора орасида
Ёруғ бўлгай юзинг, дил
Минг бир ранг ойнасида
Жилваланса сўзинг, дил.*





АЗАЛИЙ МУАММОНИНГ ЯНГИЧА ТАДҚИҚИ

Муборак ҳадисларда: “Ўлим мўминга қилинган тухфадир”, дейилади. Дунёга келган ҳар бир инсонки бор, ўлишини билиб яшайди. Мўминларнинг яшироқлари эса муносиб ўла билишга интилиб кун кечиради. Чунки ўлимда васл бор. Ҳар қандай одам ҳам ўлимнинг ҳақлигини билади, аммо бу ҳодиса ҳаддан ташқари сирли ва номаълум бўлгани учун барчанинг кўнглига қўрқув солади. Шу боисдан шараф билан муносиб ўла билиш мўмин учун мукофот бўлса, даҳрий учун йўқлик сари қўрқинчли йўлдир. Инсоннинг ўта серқирра руҳий дунёси кутилмаган мураккаб вазиятларда тўлароқ очилади. Шунинг учун ҳам одамнинг асл қиёфаси, унинг қандай яшагани ўлимга рўпара келганда яққол намоён бўлади. Ушбу сабабларга кўра бадиий адабиётда ўлим тасвирига бот-бот тўхталинади. Зеро, одамнинг ҳар қанча давом этган ҳаёти барибир мамотга олиб борадиган йўлгина экан, одам руҳиятини текширишга даъват этилган сўз санъатининг унга алоҳида эътибор қаратиши табиийдир.

Биологик факторнинг эстетик ҳодисага айланиши, яъни ўлим ҳолатининг бадиий адабиётдаги тасвири муаммоси ўта муҳим илмий масалалардандир. Аслида танатологиянинг текшириш объекти бўлмиш бу муаммога бағишланган қатор илмий тадқиқотлар Европа ва рус адабиётшунослигида азалдан мавжуд бўлса-да, ўзбек адабиётида мазкур масала монографик тарзда ўрганилмаган, бинобарин, ўлим ҳодисасининг миллий адабиётдаги тасвир тамойилларини тайин этиш борасида муайян кемтиклик бор эди. Ёш олима, филология фанлари номзоди Хуршида Ҳамроқулова Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриётида чоп этилган “Адабиётда ҳаёт-мамот муаммоси” деб аталган монографияси билан ўзбек адабиётшунослигидаги ана шу кемтикликни тўлдиришга уринди.

Китоб муаллифи ушбу муаммо илмий тадқиқини унинг тарихий илдизларига назар ташлашдан бош-

лайди. Шу боис қадимий битикларга таяниб, ўлим муаммосининг илк бадиий талқинлари қандай бўлганини аниқлашга тутинади. Мамот масаласи “Алп Эр Тўнга” марсияси, монийлар тавбаномаси деб қаралаётган “Хуастуанифт”, “Авесто”, Ўрхун-Энасой битиклари, “Олтун ёруқ” сингари қадимий манбаларда ўзига хос тарзда талқин этилгани, Юсуф Хос Хожиб, Алишер Навоий асарларида эса исломий фалсафага тўйинган ҳолда ўта теран тасвирланганини мисоллар ёрдамида ишонарли кўрсатиб беради. Уларни ўқиш асносида тадқиқотчи таъкидлаганидек: “Исломида бўлган динлар таъсири остидаги туркий адабиётни кузатар эканмиз, одамларнинг ҳаёт ва ўлим тушунчаларидаги эврилишларга гувоҳ бўла борамиз”.

Чиндан ҳам ўлимнинг воқе бўлиши ҳам, унинг моҳияти ҳам ўзгармагани ҳолда унга ёндашишнинг ўзгариши одам руҳиятида турфаликларни юзага келтиради. Шунинг учун ҳам олиманинг: “Мумтоз адабиётимизда ўлимга муносабат соф исломий талқинларга асосланганидан уни абадий дунёга робита деб билишади”, деган қараши ўқувчини ишонтиради. Ўзбек мумтоз адабиёти қаҳрамонлари бўлмиш комил шахслар учун ўлим жазо ҳам, қўрқинч ҳам эмас, балки интилинадиган саодат, нажотга элтувчи йўл эканининг сабаби тадқиқотчи томонидан ўринли изоҳини топган. Унинг: “...мумтоз адабиётимизда ўлим қўрқинчли эмас. Мақсад – Яратган васли, ўлим эса унга восита бўлган... Ҳақиқий васлни излаган солиҳ ўлимни орзу қилади ва ...ўлимдан маъно топади” тарзидаги қаноати текширилган мумтоз асарлар матнига таяниб чиқарилгани билан эътиборга лойиқ. Муаммонинг Ғарб адабиётидаги талқинлари ва тадқиқи хусусида олима билдирган фикрлар ҳам ўқувчини бефарқ қолдирмайди.

Монографияда Хуршида ўлим муаммосини кўпроқ янги ўзбек адабиётдаги реалистик асарлар мисолида ўрганган. Маълумки, реалистик асарга қўйиладиган

асосий талаб воқелик тасвирининг ҳаёт ҳақиқатига мос келиши лозимлигидир. Хўш, қаҳрамонни ўлимга рўбарў этган реалист ижодкорлар бу қоидага қай даражада амал қилдилар? Муаллиф бу саволга жўяли жавобни танатолог ва психологларнинг ўлимга доир тадқиқотларидан олинган илмий фикрлар билан ўзи текширган асарлардаги мамотга доир бадиий талқинларни солиштирган ҳолда беришга эришади.

Китобда ўлим ҳодисасининг миллий-исломий йўсиндаги бадиий тасвири борасидаги ҳолат буюк адиб Абдулла Қодирий романлари мисолида батафсил текширилган. Тадқиқотчи Отабек ва Анварнинг ўлим билан юзма-юз келган вазиятлар тасвирини беришда ёзувчининг миллий-исломий асосларда шаклланган дунёқараши ҳал қилувчи ўрин тутганини таъкидлайди. Шунингдек, Абдулла Қодирий қаҳрамонларини бу қадар юксакликка кўтариб турувчи жасурлик ва дов-юраклик аслида адиб шахсиятидан сув ичганига ҳам диққат қаратади. Муаллиф Қодирий қаҳрамонларининг ўлим олди ҳолатларини Ойбекнинг “Қутлуғ қон” романидаги Гулнор, Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романидаги Акбарали мингбоши тимсоллари ўлими тасвири билан қиёслаб ўрганиш орқали ҳар бир ёзувчи ижодий ниятини рўёбга чиқаришда турли йўллардан борганини, уларнинг маҳорати ҳам тасвирда ҳар бир адабий қаҳрамоннинг саъжиясидан келиб чиқиб иш кўрганида намоён бўлганини ишонарли кўрсатади.

Китобда Отабек образига алоҳида аҳамият қаратилганлиги бежиз эмас. Абдулла Қодирийнинг қаҳрамон кечинмаларини рангин бўёқларда жилолантириш ва руҳиятини алғов-далғов қилган пўртанали ўзгаришларни кўрсатишда ўлим ҳолатлари ифодасидан қандай фойдалангани айтиш шунинг тасвирда яққол намоён бўлган. “Ўткан кунлар” асари давомида ёзувчи бош қаҳрамонни бир неча бор ўлимга рўпара қилади ва монография муаллифи айтганидай: “...ўлимга юзма-юз келиш ҳар сафар Отабек руҳиятида ўзгариш ясайди. ...Кумуш ўлимдан сўнг Отабекдаги кескинлик нафақат ота-онасининг қаршилигини синдиради, балки ўзини қайтадан кашф қилади. Ёзувчининг мақсади шу дақиқаларда Отабек руҳиятига кўчади. ...Асар давомида адиб Отабекни айтиш мақсад учун тайёрлаб келгани, Отабек ҳам синовларда тобланиб бўлгани маълум бўлади. Буларнинг бари ўлим туфайли юз беради. Кўринадики, ҳеч бир куч ўлим инсонни ўзгартирганидек янгилик яшашга қодир эмас”. Ҳақиқатан, бетакрор роман матни замирига яширилган ижтимоий маъно ҳам айтиш ўлим ҳолатлари тасвирдан келиб чиқади.

Инсон ҳаёти синовларнинг узилмас занжирдан иборат. Одамнинг маънавий даражаси ҳам айнан синовлардан қандай ўтиши билан белгиланади. Шу маънода шахсий турмушдаги омадсизликлар бировларнинг иродасини тоблашга хизмат қилса, иродасиз кимсаларни худкушлик фожиаси сари етаклаши ҳам мумкин. Янги ўзбек адабиётида худкушликнинг ўзига хос ва бетакрор тасвири Абдулла Қаҳҳорнинг “Сароб” романида берилган. Тадқиқотчи Саидийни ҳаётдан бездирган, ўлим сари етаклаган куч қаердан пайдо бўлганини аниқлашга алоҳида эътибор қилинган. Олима Саидийнинг иродасини емирувчи куч катта-кичик омадсизлик ва йўқотишлар туфайли аста-секинлик

билан пайдо бўлгани, бунга образ тушиб қолган ижтимоий муҳит ёки уни ўраб турган одамлар таъсиридан кўра, қаҳрамоннинг ўзи, унинг табиатидаги худбинлик сабаб бўлганини ишонарли кўрсатади.

Чиндан-да Саидий сингари мураккаб табиатли, ҳеч кимга ва ҳеч қачон фидойилик қила олмайдиган, ҳаётини муаммоларни бартараф этиш учун бош қотиришни истамайдиган, айтиш вақтда ҳаммиша ўзига маҳлиё шахслар ҳар қандай замонда ҳам фожеликка мойил бўлади. Чунки бундай кимсалар ўзларини очунининг маркази деб биладилар ва ҳамма буларнинг манфаатига хизмат қилишни истайдилар. Одам исини ёқтирмаслик, бошқалардан четланиш, фақат ўзини ўйлаш ҳар қандай истеъдодли шахсни ҳам алаалоқибат ҳалокатга элтиши китобда Саидий тимсоли таҳлилига таяниб, пухта асослаб берилган.

Инсоннинг омадёрлиги ё омадсизлиги, ҳаётдан ўз ўрнини топиши ё топмаслиги ҳар доим ҳам ижтимоий муҳитга боғлиқ бўлавермаслиги, бунда кўпинча шахсининг ўзи, унинг саъжия ва табиати етакчи ўрин тутиши олима томонидан атрофлича асосланган. Боши берк кўчага кириб қолганини англаган ва бу вазиятдан қандай чиқиб кетишни билмаган иродасиз ва қаноатсиз инсон учун дунёнинг қизиғи қолмайди. Оқибатда у маънисиз ҳаётдан қутулишнинг ягона чораси сифатида ўлимни танлаши мумкин. Чунки бундай шахс машаққат чекишга, муаммоларни ҳал этишга ожиз. Саидий ана шундай ночор, яшаш учун курашишга яроқсиз, ҳаётдан ҳафсаласи пир бўлган шахс эди. Унга яшаш – машаққат, ўлим – бу машаққатлардан осонроқ қутулиш йўли бўлиб туюлгани шундан. “Сароб” романи қаҳрамонлари фожиасини таҳлил қилиш натижасида тадқиқотчи: “Абдулла Қаҳҳор инсон қисмати фожиаси, ниҳоят ўлим олди ҳолатлари ҳар қандай қобикни ёриб чиқа олишини, унга ҳеч қандай мафкура дахл қилолмаслигини, инсон табиати бирор қолипга тушмаслигини Саидий мисолида китобхонга англата олди”, деган хулосага келади. Бу ўринда омонатга берилган жонига хиёнат қилган, даъвоси катта-ю, иродаси кучсиз кимсанинг аянч тақдири романда қанчалик маҳорат билан кўрсатилгани ишонарли илмий изоҳини топган.

Монография муаллифи ўлим олди ҳолатларида кўрқув ва фожиавийликнинг психоаналитик асослари нималардан иборатлигини Одил Ёқубовнинг “Улуғбек хазиnasi” асари мисолида текширган. Ўлим шундай кучки, уни ҳеч қандай восита тўхтата олмайди. Аксарият одамзот қачондир ўлимга рўбарў бўлишини билсада, дунё ҳою-ҳавасларига банди бўлиб, нафсига қул бўлишдан баланд туролмайди. Ўзига хиёнат қилиб, ўзгаларга зулм ўтказиб яшаган инсон боқий дунёда барча қилмишлари учун жавоб бериши кераклигини билгани учун ўлимдан кўрқади ва уни ваҳима билан қарши олади. Баъзан ўлимдан кўрқув туйғуси инсонни ўлимга тезроқ яқинлаштириши ҳам мумкин.

Романдаги Улуғбек образи мисолида “...сўнги дақиқаларда ҳам ўзлигини йўқотмаган, тақдирига тадбир кўрувчи эмас, унга пешвоз чиқадиган қаҳрамон”нинг ўлимдан кўрқмаслиги сабаблари руҳий-маънавий жиҳатдан кўрсатиб берилади. Абдулатифни эса ҳаётининг сўнги нафасига қадар ўлимдан кўрқиш туйғуси бир лаҳза ҳам тарк этмаслиги ҳам

ҳаётини нуқтаи назардан асосланади. Монографиянинг шу ўринларида тадқиқотчи Улуғбек билан Абдуллатиф ўртасидаги зиддиятларнинг асарда тавирланиши йўсинини синчков руҳшунослардек тадқиқ этган. У ота-бола муносабатларидаги келишмовчилик ва зиддият тасодифан ёки фақат атрофдагиларнинг таъсирида пайдо бўлмагани қандай тасвирланганига эътибор қаратади. Асарда адиб холислик позициясида тургани, бирор тимсолни нуқул улуғлаш, бошқасини эса фақат қоралаш йўлидан бормагани романнинг бадиий баркамоллигини таъминлагани мисоллар асосида кўрсатилади.

Кучли кўрқув инсонни руҳий мувозанатдан чиқариб юбориши мумкинлиги, виждони хотиржам бўлмаган шахсни ўлимдан кўрқиб туйғуси ҳеч қачон тарк этмаслиги борасида Одил Ёқубовнинг “Улуғбек хазинаси” романи билан Леонид Андреевнинг “Осилган етти кишининг ҳикояси” асаридаги тимсолларни қиёслаш орқали олима шундай тўхтамга келади: “...миллати ва тилидан, савияси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар руҳиятида тозалик сезмаган инсонга ўлим ҳаммиша кўрқинч солаверади”.

Тадқиқотчи О. Ёқубовнинг “Кўҳна дунё” романини Мақсуд Қориевнинг “Ғазнавийлар” асари билан ўзаро қиёслаш асосида мураккаб руҳиятга эга шахс қисмати драмаси тасвири юзасидан қимматли хулосалар чиқаришга эришган. Маълумки, Маҳмуд Ғазнавий улкан салтанат яратган мураккаб тарихий шахс, у ҳақда турлича қарашлар мавжуд. Олима О. Ёқубовнинг муддаоси китобхонни бу шахс ҳақидаги тарихий ҳақиқатлардан огоҳ этиш эмас, балки “ҳаёт ва ўлим оралиғида тебранаётган инсон руҳиятидаги пўртаналарни очиш ва илм аҳли мисолида ўлимни маҳв этиш, ҳукмдор мисолида эса ўлим инсонни маҳв этишининг бадиий талқинини бериш” эканини тимсоллар тасвирига таянган ҳолда жуда билгичлик билан ишонарли кўрсатиб беради. Ана шу қарашларга асосланиб: “Қаҳрамон характерининг соф психо-биологик жиҳатларини очишда ёзувчи ...инсоннинг ўлим билан юзма-юз ҳолатини танлайди. Ва шу орқали ўлим жисмоний якун эмас, ўлим – ҳаётнинг қимматини белгиловчи мезон, ўлим – ҳаёт гўзаллиги кашфиёти, ўлим туйғули боқий дунёга ҳар ким ўз даражасида қадам қўйиши каби абадий ҳақиқатни уқтиради”, деган ўта муҳим ва янгича илмий тўхтамга келади.

Монографияда Тоғай Мурод, Назар Эшонқул, Зулфия Қуролбой қизи каби ижодкорларнинг асарлари таҳлили доирасида ҳаёт ва ўлим муаммоси мустақиллик даври адабиётида ўзига хос йўсинда тасвирланганига тўхталинган. Тадқиқотчи мустақиллик даври насрида ўлим муаммосини тасвирлаш бобидан масаланинг табиий-биологик ва миллий-исломий

талқинларига кўпроқ урғу берилганини таъкидлайди. Дарҳақиқат, мустақиллик даврида ижодкорлар воқеаларни кўрсатишдан кўра, тасвирга олинган шахснинг руҳияти, унинг ички оламини бадиий тадқиқ этишга кўпроқ эътибор қилмоқдалар. Замонавий ўзбек адабиёти тараққиётидаги бу устувор ҳолат монографияда “Жазирамадаги одамлар”, “Жимжитхонага йўл”, “Уруш одамлари”, “Бу дунёда ўлиб бўлмади” сингари асарлар таҳлили орқали ёритилган.

Ўлим муаммосини ёритишда ушбу асарларга ижтимоий-сиёсий омиллардан кўра кўпроқ одамзотга хос табиий туйғуларнинг асос қилиб олинishi қаҳрамонлар руҳий оламига чуқурроқ назар ташлаш имконини берганлиги олима томонидан ишонарли кўрсатилган. Шу боис Х.Ҳамроқулованинг: “...ички оламнинг теран таҳлили инсон моҳиятини ўрганишга томон қадамдир. Зеро, ҳаёт ва ўлим фалсафасини идрок қилиш моҳиятни белгилайди”, шаклидаги фикри ўқувчига маъқул келади.

Хуршиданинг: “Зулфия Қуролбой қизи ижодида янги талқиндаги образлар ҳам учрайдики, бу образлар моҳият эътибори билан абадийликка муҳрланади. Ана шундай қаҳрамонлари сирасига “О, ҳаёт” ҳикоясидаги Назар чолни киритиш мумкин”, йўсинида бир қадар кескин айтилган фикри ҳам адиба яратган тимсол моҳиятини очишга астойдил уринилгани билан эътиборни тортади. Тадқиқотчи Назар чол тимсоли мисолида вақтида ўла билишнинг ҳам неъмат эканлигини нозик илғаган ва шу ҳикояда адибанинг маҳорати ёрқин намён бўлган ўринларни тўғри кўрсата билган.

Бирсўз билан айтганда, Хуршида Ҳамроқулованинг “Адабиётда ҳаёт-мамонт муаммоси” китоби адабиётшунослигимизни тилга олиш унча ёқимли бўлмаган, аммо ҳар бир инсонга ҳаммишалек шерик бўлган бир туйғунинг миллий адабиётдаги ифодаси борасидаги янги талқин билан бойитди.

Китобда тузатилиши лозим бўлган камчиликлар ҳам йўқ эмас. Хусусан, айрим ўринларда маромига етмаган ифодалар борлиги, баъзи жумлалардаги услубий ғализлик, қатор имловий хатолар мавжудлиги яхши ёзилган илмий асарга бир қадар соя ташлайди. Тадқиқотчи айрим асарларни таҳлил этаётганда текшираётган муаммонинг бадиий ифодаси қандай бўлганини аниқлашдан кўра, масаланинг қўйилишига кўпроқ эътибор қаратади. Кўрсатилган камчиликларга қарамай, ушбу монография ўта қалтис азалий муаммони бадиий ифодалашдаги илмий тамойилларни янгиланган соғлом тафаккурга мувофиқ йўсинда белгилаб берганлиги билан катта қиммат касб этади.

**Қозоқбой ЙЎЛДОШ,
Шаҳноза ЭРҒАШЕВА.**



ҚИЁФАТНИ ЎҚИШИ САЪЪАМИ

Ҳа, бу чиндан ҳам санъат. Нафақат санъат, балки илм ҳамдир. Қадимда инсонларнинг юзидан, бадани тузилиши, рангию хатти-ҳаракатларидан унинг хулқини, яхши ёки ёмонлигини билишга ҳаракат қилишган. Бу у билан осонгина мулоқога киришишга, дўст тутунишга ёки ёмонларнинг зиён-заҳматидан саломат бўлишга ёрдам берган.

Европада бу илм физиогномика деб юритилади.

Аждодлар маънавий меъросига мурожаат қиларканмиз, ота-боболаримиз ҳам бу санъат, бу илм билан жиддий шуғулланиб, одамлар қиёфасидаги ташқи белгиларидан уларнинг хислат ва хусусиятини билиб олиш мумкин, деган хулосага келганлар. Бу ҳақда турли манбаларда битилган. Арасту, Афлотун, Бузургмеҳр, Луқмони Ҳаким ҳақидаги ҳикоятларда ҳам қиёфага қараб одамни таниш мумкинлиги айтилади.

XV асрда яшаб ўтган Камолиддин Хусайин Воиз Кошифий Марказий Осиё олимлари ичида юзни ўқиш санъати билан шуғулланган илк мутафаккирлардандир. Улуғ олимнинг “Ахлоқи муҳсиний” асарида айтилишича тишнинг эгри бўлмоғи макру хийла, хиёнат, тишлар ораси очик ва силлиқлиги эса адолат, тadbиркорлик аломати экан.

Шамсиддин Дунасарийнинг «Одамни билиш илми» рисоласида инсоннинг танаси аъзолари ҳаракатига, юзининг тузилиши ва рангига, нафас олиши, овози, ҳатто қулишига қараб унинг кимлигини билиш борасида кузатишлари ўрин олган. У қуйидагича баён этади: Агар одамнинг хулқ-атвори, таъби, назокати, шаклу суратини билсангиз, унинг яхшию ёмонлигини тушуна бошлайсиз. Бу, албатта, ҳаётда катта наф беради. Сизни бало-қазолардан асрайди.

Бир ҳикоятда шундай дейилади:

Айтишларича, бир куни ҳазрати имом Жаъфари Содиқ (Аллоҳ ундан рози бўлсин) сафарга чиқдилар. Шаҳарда бир одамни учратиб қолдилар. У чиройли либослар кийган ва ўзига оро берган эди. Имомнинг йўлини тўсиб, тавозеъ бирла салом берди, исми, қайси шаҳардан эканини сўради. Имомнинг ким эканини билгач, узангисини ўпди. Ўзининг ихлосу эътиқодини изҳор этиб, меҳмон қилиш орзусида уйига тақлиф айлади. Бу валий зот унинг айблари ва ёмон хулқларидан огоҳ бўлсалар ҳам у кишининг ялиниб-ёлвориб ортиқча тавозе кўрсатгани учун ноилож тақлифни қабул этдилар.

Алқисса, бу киши ул жаноб уловининг жиловидан тутиб, шаҳарга олиб кирди ва ўз ҳовлисига тушириб,

меҳмондорчилик асбобларини ҳозир ва муҳайё қилиб, ҳурматини жойига қўйди. Эртасига ҳазрати Имом қайтиш учун ижозат сўрадилар. Шунда ҳалиги киши:

– Ажабо, менинг толеим шу қадар шум ва бузуқ бўлармики, замоннинг имоми, раҳнамоси, Аллоҳ Расулининг авлоди ўз ихтиёрлари билан қадам ранжида этиб, қадамларининг нури билан қоронғу кулбамизни мунаввар қилдилар. Қулоғига ғуломлик ҳалқасини таққан бу каминга ҳайфки, бир неча кун жанобларининг хизматларини бажо этолмас ва хизмат баҳонаси билан бир неча яхши панду насихат сўзларини эшитмай, маъноли, таъсирли суҳбатларидан маҳрум қолса, – дея илтижони ҳаддан оширди.

Имом унинг кўнгли учун бир неча кун тагин ҳовлисида туришга мажбур бўлдилар.

Алқисса, Ҳазрати Имом ҳар куни кетишга рухсат сўрар, у киши эса тобора ўз муҳаббатини изҳор қилиб, хизматларни адо этар эди. Унинг ҳовлисида икки ҳафта тургач, бир куни ўз манзилларига қайтмоқ учун қасд қилдилар. Имом отга минмоқчи бўлганларида у маккор лаин чўнтагидан бир қоралама қоғоз олиб, ул жанобга узатди. Имом ўқиса, унда меҳмондорчилик учун кетган барча сарфу харажат ёзилган экан. Ул жаноб ҳайрон бўлиб, бир оз ўйлаб турдилар-да, харажатга пуллари бўлмагани учун либосу отини харажат эвазига берди ва ўзлари пиёда, яланғоч ҳолатда манзилларига қайтдилар.

Айтишларича, Ҳазрати Имомга бундай муомала қилган кишининг кўзлари кўк ва кичик, ичкарига ботган эди. Шундай кўринишдаги ҳар бир киши макру хийлали, хиёнаткор, кўнгли қора, беҳаё ва бешарм бўлар эмиш.

Албатта, бундай тахминий мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Хулоса шулки, Аллоҳ томонидан ҳар бир инсонга унинг феъл-атворидан келиб чиқиб ташқи кўриниш, афт-ангор берилар экан. Кўзингиз, қошингиз, юзингиз, умуман, чеҳрангиз ички оламингизга монанддир. Юзга қараб одам феъл-атворини ўрганиш бу азалдан кишиларни қизиқтириб келган бир санъат. Бу санъатни янада чуқур ўрганиш, илмий тадқиқотлар олиб бориш зарур.

Мадина ПҮЛАТОВА,

*Тошкент Ислом университети
қошидаги академик лицей
талабаси*



ЎТМИШДАН БИР ХАНГОМА

Бир маҳалланинг имоми бор экан. У доимо хотин-қизларни камситиб: «Улар уйдан эшикка чиқмасликлари керак», – деб ваъз айтар экан. Уйига келганда ҳадеб девор ва эшикларининг ёндорлардаги тешикларни беркитиб юрар экан. Буни кўрган хотини:

– Домла, нега деворларнинг тешигини беркитаяпсиз? – дебди.

Домла:

– Сени номаҳрамлар кўрмасин, гуноҳга ботмайин деяпман-да, деса, хотини:

– Ҳар кимнинг ўзига инсоф берсин, – деб қўя қолибди-да, эрига бир ҳунар кўрсатмоқчи бўлибди. Эрталаб туриб қўлига челақ олиб булоққа сувга тушибди. Қарасаки, бир йигит сув лабида турибди. У йигитга бир имо қилиб сувга туша берди. Йигит:

– Яхши қиз. Челагингни беринг, сувингни олиб берай, – дебди. Аёл ноз билан челақни узатибди. Йигит челақда сув олиб чиқибди. Аёл кетаётганда, яна бир табассум қилибди. Йигит сувни дарвоза олдиғача олиб келибди. Аёл қараса, йигит анчагича шўхроқ кўринибди. У челақни аёлга узатаётганда унинг билагини ушлабди. Шунда аёл:

– Э йигит, хоҳласангиз кечаси домла хуфтон ўқигани кетганларида келинг, – дебди.

Йигит суюниб жўнаб қолибди. Шу куни шомдан сўнг домла имомнинг тоби қочиб мачитга хуфтон ўқигани кетмабди. Шунда аёл:

– Агар сизнинг тобингиз бўлмаса, амолларингизни беринг, мен кияй, сизнинг ўрнингизда қавмларингизга хуфтон ўқиб бераман, – дебди.

Шунда домла рози бўлибди. Хотин кийиниб эшикдан чиқаётганда, йигитни кўриб ўзини панага олибди. Ва йўлида давом этибди. «Домла» узоқлашгач, йигит секин уйга кирибди. Аста-аста юриб кела берибди. Қоронғи уйга кириб, қараса, ўрин солиқ, ўринда аёл ётибди деб хаёл қилиб ечиниб, ўриндаги «аёл» ёнига кириб, қучоқлай бошлабди. Бирдан домла васвасага тушиб додлаб қолибди. Буни эркак одам эканлигини билган йигит ура қочиб қолибди. Домла унинг орқасидан «ушла ўғрини» деганича қолибди. Шу вақт хотини хуфтонни ўқиб келиб қолибди. Шунда домла:

– Э хотин, яхшиям сен йўқ эдинг. Уйга бир номаҳрам ўғри кирди. Ўрин-кўрпани ҳам олмоқчи бўлиб торганида билиб қолдим. У ҳозир қочиб кетди.

Хотин индамай қўяқолибди.

Эртасига эрталаб йигит жаҳл билан аёлдан қасдини олмоқчи бўлиб келибди. Аёл яна сувга чиқиб борибди. Шунда йигит:

– Эй яхши қиз, нега мени алдадинг? – дебди. Қиз:

– Хафа бўлманг, эрим касал бўлиб қолган эдилар, ўринларига мен кетган эдим. Энди бугун кечаси келсангиз кирарсиз, – дебди.

Йигит рози бўлиб кетибди. Кеч бўлибди. Шомдан сўнг домла хуфтон ўқиш учун чиқиб кетганидан сўнг пойлаб турган йигит секин ҳовлига кирибди. Аёл уни олиб кирибди. Дастурхон ёзиб, чой ичишиб, гаплашиб ўтиришибди. Бир вақт эшик тақиллаб қолибди. Шунда хотин:

– Эҳ, эрим келиб қолдилар. Энди нима қиламиз? – деб ўзини у ёқ-бу ёққа ташлабди. Кейин йигитга: – Мана бу тандир ичига кириб ётақолинг, домла ухлаганидан кейин сиз билан нариги уйга кирамиз, – дебди.

Йигит дарров ўрнидан туриб тандир ичига кириб олибди. Хотин тандирнинг оғзини ёпиб олибди, кейин бориб эшикни очибди. Домла йўталиб кириб келибди.

Ётиш олдида домла эшикка чиққанида, хотини уйдан туриб: «Домла, ўчоқларга, тандир ичига бир қараб қўйинг, ит-пит кириб қозон-товоқларни ифлос қилмасин!» – дебди. Шунда домла олдин қўлидаги таёқ билан қоронғи ўчоққа кириб «пишт, тур» деб чиқиб, тандирни очиб таёғини тандир ичига тикиб «пишт» деганида тандир ичидан овоз чиқибди. Қулоқ солса бир одам нуқул:

– Бир, икки, уч, тўрт, беш, олти, етти, – деб санаётган эмиш. Саноқни яна қайтарармиш. Шунда домла:

– Эй номаҳрам, сен кимсан, нега бу ерга кирдинг? – дебди. Шунда ҳалиги тандир ичидаги йигит чиқиб:

– Тақсир, бир киши «домланинг уйидаги тандирга олти нон кетади», деб нуқул мени енгаверди. Мен бўлсам, йўқ дедим. Олтита эмас, еттита кетади, дедим. Шарт билан иккаламиз шуни билиш учун келган эдик. Мана, мана, қаранг, бир, икки, уч, тўрт, беш, олти, еттита нон кетар экан, деса, домла:

– Ҳа бадбахт, ютибсан, тўғри, еттита нон кетади, – деб эшикдан чиқариб юборибди. Йигит уйдан чиқиб қоча солибди. Домла хотинининг олдида кирганда, хотини: «Домла, нега бунча хаяллаб кетдингиз», – деса, домла:

– Э бир киши бир киши билан гаров ўйнаб, бири домланинг уйидаги тандирга олти нон ёпилади деса, иккинчиси еттита, дебди. Шу жанжални ҳал қилиб бердим, хотин, – деб келиб ёта берибди.

Шунда хотин:

– Домла, ана сиз уйга номаҳрам қарамасин деб нуқул тешикларни беркитиб юрардингиз. Номаҳрам тешикдан қараш у ёқда турсин, уй ичида, ҳовлида юрибди-ку! – деса, домла:

– Инсофни ўзингга берсин! – деб қўя қолибди.

Оққа кўчирувчи Фуёсиддин ЎНАРОВ